

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“БАДИИЙ ТАРЖИМА ВА ТАҲРИР”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент - 2016

МУНДАРИЖА

| | |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| I. “Бадиий таржима ва таҳрир” модулининг ишчи дастури..... | 3 |
| II. “Бадиий таржима ва таҳрир” модулини ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари. | 13 |
| III. Назарий материаллар..... | 18 |
| IV. Амалий машғулот материаллари..... | 100 |
| V. Мустақил таълим мавзулари..... | 11414 |
| VI. Глоссарий | 11415 |
| VII. Адабиётлар рўйхати..... | 11616 |

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 25 августдаги 355-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Г.К.Одилова, Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ
Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

Тақризчи: Р.Ширинова,
ЎзМУ Хорижий филология факультети доценти

Ўқув-услубий мажмуа ТошДўТАУ КЭнгашининг 2016 йил _____ даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда бадиий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий таржимада адекват ёндошув, воситачи тил орқали ва бевосита бадиий таржима қилиш (ижобий ва салбий жиҳатлари), таржиманинг прагматик жиҳатлари, бадиий таржимада табдил усуллари, ўзбек мумтоз шеърятини бадиий таржима қилиш муаммолари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Бадиий таржима ва таҳрир” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Чет тили мутахассисларига қўйиладиган асосий талаб, ҳозирги замон таржимашунослигининг назарий ва амалий муаммоларини, бу фаннинг асосий тушунча ва атамаларини, таржима қилишнинг асосий кўникма ва малакаларини билишни тақозо этади.

Тингловчи:

-бадий асарни бевосита таржима қила олиши, қилинган таржималарни лингвистика ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан объектив таҳлил қила олиши керак.

- Шунингдек, таржимашуносликда баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келувчи адекват ва эквивалент таржиманинг фарқини аниқ фарқлай олиш. **кўникма ва малакаларини** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини инглиз тилига таржима қилишга оид амалий **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Бадий таржима ва таҳрир” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Бадий таржима ва таҳрир” модули мазмуни ўқув режадаги “Таржиманинг лингвистик аспекти” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда таржимонларнинг касбий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар бадий таржималарни таҳрир ва танқид қилиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | |
|----|--------------------------------------------------------|-----------------------------------|-------------------------|-----------|----------------|-----------------|
| | | Хаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | Мустақил таълим |
| | | | Жами | жумладан | | |
| | | | | Назарий | Амалий машғуло | |
| 1. | Бадиий таржима жараёни | 4 | 4 | | 2 | 2 |
| 2. | Бадиий таржимада эквивалентлик ва адекватлик | 4 | 4 | 2 | | |
| 3. | Бадиий таржиманинг лингвистик муаммолари | 6 | 4 | | 2 | |
| 4. | Бадиий таржиманинг прагматик жиҳатлари | 6 | 4 | 2 | 2 | |
| 5. | Бадиий таржимада табдил усуллари | 4 | 4 | 2 | 2 | |
| 6. | Бадиий таржиманинг стилистик масалалари | 2 | 2 | 2 | 2 | |
| 7. | Ўзбек мумтоз шеърятини бадиий таржима қилиш муаммолари | 4 | | 2 | 2 | 2 |
| | Жами: | 30 | 22 | 10 | 12 | 4 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- мавзу: Бадиий таржимада эквивалентлик ва адекватлик (2 соат)

Таржима – бир тилда яратилган муайян асарнинг ўзга бир халқ маънавий эҳтиёжига хизмат қилдирадиган, ундан бадиий завқ олиши учун имконият яратиб берадиган коммуникатив воситадир. Бир тил ичидаги нутқ мулоқоти жараёнида муайян матн гапирувчига ҳам, эшитувчига ҳам тЭнг тушунарли бўлганидек, бадиий асар муаллифи ва унинг ўқувчиси ўртасида ҳам ўзаро таъсирланиш нуктаи назаридан коммуникатив тЭнглик вужудга келади. Таржима матни ҳам аслият матнига тЭнг бўлиб, у билан бир яхлитлик тасаввурини уйғотиши керак. Шунга биноан, таржима вазифаларидан бири – таржима матн аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият ўқувчиси имкониятига тЭнг даражадаги бадиий завқ, мазмуний ва мундарижавий (структуравий) уйғун мувозанатни (муқобиллик) таржима ўқувчисига тақдим этишдир.

2 - мавзу: Бадиий таржиманинг прагматик жиҳатлари (2 соат)

Таржимоннинг маънавий билимлари қанчалик чуқур ва кЭнг бўлса, бадиий таржима матнининг эквивалентлик даражаси шунча юқори бўлади. Матнни рецептор қандай тушуниши ва таъсирланиши бу таржимонни жиддий ўйлантриши керак бўлган муҳим масаладир.

Ҳар қандай матн нимадандир хабар беради, қандайдир маълумотни ўз ичига олган бўлади. Ўқувчи (рецептор) ўша маълумот ёки хабарга диққат қилмаса, унда матннинг коммуникатив вазифаси адо этилди деб бўлмайди. Ўша маълумот ёки хабарга эътибор қаратиб, уни ўзлаштирган рецептор ўз ўзидан мазкур матнга муносабат билдирган бўлади. Муносабат турлича салбий ёки ижобий, ҳайратланиш ёки жирканиш каби турли эмоционал-экспрессив ҳолатларда кўриниши мумкин. Рецепторнинг матнга нисбатан пайдо бўлган муносабати таржимашуносликда прагматик муносабатлар деб аталади. Рецепторнинг матнга нисбатан муайян прагматик муносабатини шакллантириш, матнни ана шундай муносабатни келтириб чиқариш учун зарурий бадиий ишловдан ўтказиш, бир сўз билан айтганда рецепторга прагматик таъсир ўтказиш йўллари, усул ва воситалари асарнинг прагматик жиҳатлари (ёки прагматик салоҳияти) дейилади.

3- мавзу: Бадий таржимада табдил усуллари (2 соат)

Таржима жараёнида аслият матни бўлакларига мос ва тЭнг бўлган матн бўлаклари топилади. Уни топиш аслият бўлакчаларини тушуниш, уқиш, “ҳазм қилиш”дан бошланади ва айнан мувофиқ келадиган таржима бўлакчаларини яратиш билан тугайди. Таржима мувофиқлиги турли лексик ва грамматик табдилларга ёки трансформацияларга мухтождир.

Аслият ва таржима бирликлари ўртасида бевосита алоқа бор бўлиб, бирламчи матндан қандайдир трансформациялар воситасида таржима бирликларини яшаш мумкин. Таржима трансформациялари деганда аслият бирликларидан тегишли маънода таржима бирликларига ўтишда қўлланиладиган табдиллар тушунилади. Табдил аслиятдаги ўринларни тўла ўзгартирилган ҳолда ўгириш эмас. Табдил тушунчаси остида таржима матнда аслиятдаги айни ўринларни ўгириш учун қўшимча лексик ва грамматик воситаларни жалб қилиш назарда тутилади. Таржима жараёнида трансформацияларга аслият бирликлари ва уларнинг луғавий муқобилларини таҳлил қилиш воситаси деб эмас, балки динамик тарзда луғавий муқобиллик бўлмаган ёки контекстга кўра луғавий муқобил сўз ёки бирикмани ишлатиш имкони бўлмаган пайтда таржимон фойдаланиши мумкин бўлган таржима усуллари сифатида қаралади. Таржима трансформациялари мазмун ва ифода режасига эга тил бирликлари орқали амалга оширилгани боис аслиятнинг шакл ва мазмунини табдил қилар экан, шаклий-семантик характер касб этади. Таржима табдиллари мазмун-моҳияти таржима моделлари тушунчасидан шу билан фарқ қиладики, уларда таржима жараёнини ташкил қилиш схемаси эмас, балки аслият матни бирликлари маъно-моҳиятини таржима қилиш усуллари кўрсатилади.

4 - мавзу: Бадий таржиманинг стилистик масалалар (2 соат)

1. Таржимада оҳангнинг берилиши шеърий матннинг аслиятга адекватлигини таъминлашнинг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Чунки шеърий матндаги оҳанг шеър ғоясини, руҳиятини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

2. Матн мазмуни, ғоясини ифода қилишда маълум товушлар тингловчи руҳиятига таъсир қилиб, баъзан ғам-ғуссани хис қилишга мажбур этса, баъзан уларда қувноқ кайфиятни уйғотиши мумкин. Бу товушлар йиғиндиси фонетик евфония деб аталади. Эвфония грекча сўз “еупхоний”дан

олинган бўлиб, “пҳоне” товуш деган маънони англатади. Шундай қилиб, эвфоник восита фақат хушоҳангликни билдирмай, балки мазмунни ифода этишда ҳам хизмат қилади. (Д.С. Шеър ва таржима)

3. Таржима тилида маълум шеърый жанрларнинг йўқлиги аслият оҳангини таржимада бериш учун етарлича асос бўлмайди, чунки таржимада оҳангни қайта яратиш учун икки тилдаги шеърый вазнлар орасида бирор муқобилини танлаш ёки АТ даги шеърый вазнга яқинроқ бирор вазнда таржима қилиш имконияти мавжуд.

4. Аллитерация – ундош товушларнинг такрори. Шеъриятда аллитерация шиддаткор, тезкор руҳий ҳолатни ифодалаш учун қўлланади. Бу усулда руҳиятни бериш мақсадида бир неча товушлар танлаб олиниб улар иштирокидаги сўзлар шеърда кўп қўлланиши мумкин.

5. Когнитив диссонанс – муסיқий номуқобиллик деб таржима қилинади. Аммо когнитив диссонанс фақатгина таржимада оҳангнинг бузилиши натижасида ҳосил бўлмайди. Сабаби когнитив диссонанснинг кўплаб турлари ва даражалари мавжуд. Когнитив диссонансни асосан аслиятдаги ахборотни таржима қилиш жараёнида юзага келадиган чекловлар ҳосил қилади.

5 - мавзу: Ўзбек мумтоз шеъриятини бадий таржима қилиш муаммолари (2 соат)

Шеър руҳини таржимада акс эттириш, биринчи навбатда, аслият оҳангини адекват ифодалаш билан боғлиқ. Оҳанг, маълумки, ритм орқали юзага чиқади. Ритм адекватлиги эса, таржимачилик ишидаги энг мураккаб жараён дир. Силлабик-тоник системасида ёзилган инглиз шеърларини ўзбек бармоқ вазнида қайта яратиш муаммолари ўзбек таржимашунослигида бир қадар ўрганилган. Таржимашунос М.Бақоеванинг таъкидлашича, инглиззабон халқлар шеъриятидаги силлабик-тоник системасининг асосий белгиси сўз урғусининг кўчувчанлиги, сўзнинг фақат маълум бўлагига тушиши муҳим эмаслигидан иборат дир. Инглиз силлабик ва ўзбек шеъриятидаги бармоқ вазни бир маънога эга бўлса-да, ритмикаси орасида катта фарқ бор. Бу ўзбек ва инглиз фонетикаси билан боғлиқ бўлиб, ўзбек тилида урғунинг ўтроқлиги, инглиз тилида сўз урғуси кўчувчан бўлгани сабабли силлабик тизимдаги шеърлар мисраларида урғулар ва пауза ўзбек тилидагидек тартибга бўйсунмайди.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот

Бадиий таржима жараёни (2 соат)

Мақсад: - тингловчиларда қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- Ўзбекистонда бадиий таржиманинг ривожланиш босқичлари, бадиий таржиманинг миллатлараро адабий алоқаларда тутган ўрни ҳақида маълумот бериш;
- таржимон мақсади ва вазифаси ҳақида назарий ва амалий тушунча бериш;
- бадиий матн тушунчаси ва унинг бошқа таржима турларидан фарқи ҳақида умумий тушунча бериш;
- таржима жараёни ва унга тайёргарлик хусусида маълумот бериш.

2-амалий машғулот

Бадиий таржиманинг лингвистик муаммолари (2 соат)

Мақсад: тингловчиларда қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- бадиий таржимада референциаллик тушунчаси ҳақида;
- сўзнинг лексик-семантик маънолари ва уларни таржимада узатиш муаммоси ҳақида;
- таржимада мувофиқлик тушунчаси: Лексик-семантик ва грамматик мувофиқлик категориялари ҳақида;
- эквивалентсиз лексика (реалиялар, миллий колоритдаги сўз ва тушунчалар) ҳақида маълумот;
- фразеологизм, идеомалар таржимаси ва таржимоннинг ёлғон дўстлари ҳақида маълумот бериш.

3– амалий машғулот

Инсон қиёфаси ва феъл-атвори ҳамда миллий менталитетни таржимада узатишнинг прагматик муаммолари (4 соат)

Мақсад: тингловчиларда қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- таржимада инсон қиёфаси ва феъл-атвори ҳамда миллий менталитетни узатиш билан боғлиқ муаммоларни тушунтириш;
- миллий менталитетни таржимада сақлаб қолишнинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш;
- инсон қиёфаси тасвирини қабул қилишнинг прагматик муаммолари ҳақида батафсил тасаввур ҳосил қилиш.

4– амалий машғулот

Бадий таржиманинг стилистик масалалари (2 соат)

Мақсад: тингловчиларда қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- таржимада муаллиф услубини сақлаб қолиш, сўз қурилишидаги стилистик конструкциялар бузилишининг оҳангга таъсири масалаларини тушунтириш,
- муаллиф қўллаган образли ифодаларни таржимада қайта яратиш;
- шеърини таржимада руҳият ва оҳангни сақлаш масаласи.

5– амалий машғулот

Бадий таржимада трансформациялар (2 соат)

Мақсад: тингловчиларда қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- таржима трансформацияларининг қўлланиши;

- трансформациялар турлари;
- уч асосий трансформация ҳақида умумий маълумот.

6 – амалий машғулот

Ўзбек мумтоз шеърятини бадий таржима қилиш муаммоси (2 соат)

Мақсад: тингловчиларда қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- ўзбек мумтоз шеърятини намуналари таржималарини қиёсий таҳлил қилиш;
- тасаввуфий образли ифодаларни таржимада бериш;
- таржимада мумтоз оҳангни қайта яратиш;
- таржимада шарқона шеърий санъатларни қайта яратиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ (4соат)

1. Бадий таржима жараёни
2. Ўзбек мумтоз шеърятини бадий таржима қилиш муаммолари

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

-

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| № | Баҳолаш турлари | Максимал балл | Изоҳ |
|---|--------------------------|---------------|----------|
| 1 | Кейс топшириқлари | 2.5 | 0.8 балл |
| 2 | Мустақил иш топшириқлари | | 0.5 балл |
| 3 | Амалий топшириқлар | | 1.2 балл |

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

| | |
|--------------------------|--------------------------|
| S – (strength) | • кучли томонлари |
| W – (weakness) | • заиф, кучсиз томонлари |
| O – (opportunity) | • имкониятлари |
| T – (threat) | • тўсиқлар |

“Ақлий ҳужум” нинг асосий қоидалари:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кўнгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- «ҳужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

ФСМУ ЖАДВАЛИ

ФСМУ жадвалини тўлдилинг:

Савол: Таржимашуносликда бадиий таржиманинг аҳамиятини кўрсатиб беринг?”

| | |
|---|------------------------------------|
| Ф | Фикрингизни баён қилинг |
| С | Билдирилган фикрга сабаб кўрсатинг |
| М | Мисол келтиринг |
| У | Фикрингизни умумлаштиринг |

«Каскад» техникаси

Ушбу технология ғоялар тизимини ишлаб чиқишга кўмак беради:
Асосий мақсади: аниқ ва ижодий фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш.

«Нима учун?» техникаси

Нима учун адекватликни таъминлашда маъновий ёндошув асосий ўрин тутади?

Мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган

«Блис-сўров» саволлари

| № | Саволлар | Жавоблар |
|----|--------------------------------------------------------|----------|
| 1. | Фон билимлари истилоҳини тушунтиринг? | |
| 2. | Таржиманинг экстралингвистик фактори нима? | |
| 3. | Таржимада назарий маълумотларни билиш нима учун керак? | |
| 4. | Маънавий билимлар истилоҳини тушунтиринг? | |

«Инсерт» техникасининг қоидалари:

1. Текстни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотни тизимлаштиринг.
3. Ҳар бир каторга қалам ёрдамида белгилар қўйинг.
В – маълумотлар мавзуга оид билимларимга тўғри келади.
+ – янги маълумотдир.
- – олган билимларимга тўғри келмайди.

? – мени ўйлантириб қўйди, бу масала юзасидан қўшимча маълумотлар керак.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач, ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли)

излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи яқка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

МАЪРУЗАЛАР МАЗМУНИ (10 соат маъруза)

1- МАЪРУЗА: Бадиий таржимада эквивалентлик ва адекватлик (2 соат)

Режа:

1. Таржимада муқобиллик тушунчаси.
2. Адекватлик тушунчаси.
3. Эквивалентлик ва унинг типлари.
4. Адекватлик ва эквивалентлик борасида таржимашунос ва тилшунос олимларнинг концепсиялари.
5. Таржимон позицияси.

Таянч сўзлар: *Адекват, эквивалент, лингвистик, лексик-семантик, прагматик, таржимон, таржима, матн, бадиий таржима, аслият, воситачи тил орқали қилинган таржима, бевосита таржима, тағлама, сўзма-сўз таржима.*

1. Таржимада муқобиллик тушунчаси.

Бадиий таржиманинг мукамал бўлишида эквивалентлик муҳимми ёки адекватлик, деган савол таржимашуносликда катта баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Эквивалент латинча “*aequivalens*” сўзидан олинган бўлиб, “тЭнг кучли”, “бир хил маънода” деганидир. Тилшунос таржимашунос олимлар эквивалентликнинг бир неча типлари мавжуд эканлигини таъкидлашади. Қуйида улардан асосий 5та типини кўриб чиқамиз:

1-ТИП

А) *There is some chemistry between us that doesn't mix.* – Ҳаётда шундай бўладики, кишиларнинг феъл-атвори бир-бирига мос келмайди.

Коммуникациянинг мақсади: “*химия*” сўзининг кўчма маъносини рецепторга етказиш.

Эквивалентлик мақсади сақлаб қолинганлигида намоён бўлмоқда.

В) *That's a pretty thing to say.* – Бундай гапни айтишга андиша қилсанг бўларди.
Коммуникациянинг мақсади: эмоцияни рецепторга етказиш

Коммуникация формаси: стеротип фраза.

- S) Those evening bells,
those evening bells,
how many a tale
their music tells. – Тунги қўнғироқлар,
тунги қўнғироқлар,
Сирли жаранглари
неларни сўйлар.

Коммуникациянинг мақсади: ўқувчига шеърий таъсирчанликни
етказиш.

Коммуникация формаси: оҳанг ва ритм мувофиқлиги.

Эквивалентликнинг биринчи типига оид хусусиятлар:

- 1) лексик таркиб ва синтактик қурилишнинг номувофиқлиги.
- 2) аслият ва таржимадаги ахборотлар ўртасида реал ва мантиқий алоқанинг
йўқлиги.
- 3) аслият ва таржима матнлари орасида умумийлик даражасининг пастлиги.
- 4) эквивалентликка эришишнинг асосий мақсади қилиб коммуникациянинг
мақсади танлангани.

He answered the telephone. – У гўшакни кўтарди.

You are not fit to be in a boat. – Сени қайиққа ўтқазиб бўлмайди.

You see one bear, you have seen them all. – Ҳамма айиқлар бир-бирига ўхшайди.

Эквивалентликнинг иккинчи типига оид хусусиятлар:

- 1) лексик таркиб ва синтактик қурилишнинг номувофиқлиги;
- 2) коммуникация мақсадининг тўлиқ сақлаб қолинганлиги;
- 3) таржимада айнан аслиятдаги ҳодисага ишоранинг мавжудлиги.

Scrubbing makes me bad-tempered. – Полларни ювиш кайфиятимни бузади.

Эквивалентликнинг учинчи типига оид хусусиятлар:

- 1) лексик таркиб ва синтактик қурилишнинг номувофиқлиги;
- 2) коммуникация мақсадининг тўлиқ сақлаб қолинганлиги;
- 3) таржимада айнан аслиятдаги ҳодисага ишоранинг мавжудлиги;
- 4) тасвир усулининг сақлаб қолинганлиги.

London saw a cold winter last year. – Ўтган йили Лондонда қиш қаттиқ келди.
That will not be good for you – – Бу сиз учун ёмонлик билан тугаши мумкин.

Эквивалентликнинг бу типига воқеани тасвирлашда семантик вариацияларнинг қуйидаги типлари учрайди:

- а) воқеани деталларда тасвирлаш даражаси (имплицит/експлицит)
- б) ахборотлардаги тасвирланаётган хусусиятларини умумийлаштириш усули.
- в) умумий хусусиятлардаги алоқа йўналишининг ўзгариши.
- г) ахборотлардаги алоҳида хусусиятларнинг тақсимоли.
- а) катта ва кичик ҳажмдаги муфассалик билан баён қилиш (эксплицит ёки имплицит таржима)

У тақиллатди ва кирди – имплицит(яъни ботиний хонага кирилгани ҳақидаги подтекст мавжуд)

У тақиллатди ва хонага кирди – эксплицит (зоҳирий подтекст, хонага – орттирилган элемент)

I saw there was a question asked. – Мен унинг кўзларида савол кўрдим.

We lay watching. Бизлар ётган кўйи уларни кузатардик.

«Will you come here, my mmm. miss?» Jin went. . “Марҳамат килиб бу ерга ўтинг, ммм.. мис”, Джин унинг кетидан чиқди.

- б) ахборотлардаги тасвир хусусиятларини умумийлаштириш усули.

Тилда гапларда ўзаро мантикий боғлиқлик мавжуд бўлиб, таржимада бу боғлиқлик анологик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай жумлалар бошқа тил нуқтаи назаридан семантик қайта яратилади ва хос эквивалентлар танланади.

He was thin and tentative and he slid his birth certificate across the desk. Озғин ва ёш киши ўзига ишонмаган ҳолатда туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномани стол устига узатди.

Умумий хусусиятлардаги алоқа йўналишининг ўзгариши

У ҳар доим буни эсда тутди = У ҳеч қачон буни эсдан чиқармайди (синонимик конверсия). Бу типда таржима трансформацияларидан антонимик таржима усулини қўллаш мумкин: Keep off grass! Ўт устида юрманг! Гапларни конверсион қайта қуриш таржимоннинг стилистик тасаввурига боғлиқ. He drove on. They had their backs to the sunlight now. – У машинани узокқа ҳайдади. Энди қуёш уларнинг елкасига тушаётган эди.

г) ахборотлардаги алоҳида хусусиятларнинг тақсимооти.

1. Ахборотларнинг алоҳида хусусиятларини тасвирлаш имконияти ва уларнинг кетма-кет келиши турли тилларда турли хил кўринишга эга бўлиши мумкин.

2. Икки тилдаги ахборотларнинг бир-бирига боғланиш имконияти бир –бирига номувофиқ келиши мумкин.

Шахло узок вақт келмади. Зебо уни кутубхонада кутиб турди, ҳайриятки, у кутубхонага қайтиб келди. Sahlo didn't come, Zebo waited for her at the library for a long time fortunately, then she came back to the library (Шахло келмади, Зебо уни кутубхонада узок вақт кутиб турди ҳайриятки, у кутубхонага қайтиб келди).

Мақсад: Содда ва тушунарли нутқни шакллантириш учун поценсиал локал жумла тузилган).

The house was sold for eighty thousand dollars. – Уй саккиз минг долларга сотилган.

Эквивалентликнинг тўртинчи типига оид хусусиятлар:

1)Таржимада аслиятнинг уч асосий қисмининг сақлаб қолинганлиги.

- Коммуникация мақсади
- ситуатив ориентация
- тавсиф усули

2) Ушбу тип таржима ва аслиятда лексик параллелизмлар мавжудлиги билан характерланади, яъни тўлиқ бўлмасида синонимлар учраши мумкин.

3) Таржимада аслиятнинг синтактик структурасига анологик бўлган формаларнинг қўлланиши. Масалан юқоридаги мисолда инглиз тилидаги пассив, ўзбек тилида мажхул нисбат билан ифода этилмоқда.

Агар гапда тўлиқ параллелизмни сақлаб қолиш имконияти бўлмаса синтактик вариациялардан фойдаланилади. Бу вариациялар аслият билан бевосита боғлиқ бўлиб, таржимада сўзларнинг аслиятдаги синтактик структурасини максимал даражада узатилишини таъминлайди.

Масалан, гоҳида инглиз тилидаги пассив (мажхул нисбат) ўзбек тилида аниқлик нисбати билан алмаштирилиши мумкин: The port can be entered by big ships only during the tide. – Катта кемалар портга фақатгина қуйилиш вақтида кириши мумкин.

4 -типнинг синтактик вариациялари 3 та асосий вариациялаш усули асосида амалга оширилади:

Маъноси тўғридан-тўғри ёки тескари тартибдаги синонимик структураларни қўллаш. Сўзлар кетма-кетлигини ўзгартирган ҳолда бирга анологик структураларни қўллаш.

2. Сўзлар орасидаги боғлиқликни ўзгартирган ҳолда анологик структураларни қўллаш.

5-ТИП

Эквивалентликнинг максимал даражаси ҳисобланади. I saw him at the theatre. – Мен уни театрда кўрдим.

Эквивалентликнинг бешинчи типига оид хусусиятлар:

1) матннинг структуравий қурилишига максимал даражада параллелик;
2) лексик таркибнинг максимал уйғунлиги (яъни аслиятдаги от ўрнида от, феъл ўрнида феъл таржимада учрайди).

3) таржимада аслиятнинг асоси сақлаб қолинганлиги.

Алоҳида сўзлардаги эквивалентлик даражаси уч асосий аспектда семантик қиёсланади:

1. Мантиқий яқинлик (денотатив)
2. Алоқа (коннотатив)
3. Ички лингвистик (тилнинг системаси билан боғлиқ равишда)

Аммо эквивалентликнинг бешинчи типига хос хусусиятлар мукаммал кўринишда адекват таржимада намоён бўлади. Адекват латинча “ad-aequo” сўздан олинган бўлиб, “ўхшаш”, “бир хил”, “тЭнг”, “тўла мос”, “бир-бирига айнан ўхшаш” каби маъноларни англатади.[1]. Айрим таржимашунослар фикрича, таржима қилинаётган тил меъёрига қатъий амал қилган ҳолда асосий мазмунни узатиш эквивалент таржима бўлиб, бу мақбул ҳолатдир[2]. Й.Й.Найда “The Theory and Practice of Translation” китобида эквивалентликни формал ва динамик каби икки асосий турга ажратади. Формал эквивалентликда тақдим этилаётган ахборот насрий жанрда бўлса наср, шеърий жанрда бўлса ўша жанр қоидаларига тўла мувофиқлаштирилган ҳолда узатилиши муҳим. Динамик эквивалентликда эса маъно жихатдан умумий яқинликка эътибор қаратилади[3].

Адекватлик тушунчаси эса эквивалентликдан кўра кЭнгроқ қамровга эга. В.Виноградовнинг фикрича, эквивалентлик таржиманинг аслиятга яқинлашувини таъминловчи бир омилдир, холос. Матннинг аслиятга яқинлашув даражалари кўплаб омилларга, хусусан, таржимон маҳорати, тил ва маданиятларнинг бир-бирига яқинлик жихати ва таржима қилинаётган матннинг характерига боғлиқ[4]. Шу ўринда В.Комиссаровнинг эквивалентлик хусусидаги фикрига эътибор қаратсак. Олим шундай ёзади: “Эквивалентлик –бу ахборотнинг мазмунан, семантик, услубий ва функционал жихатдан яқинлиги ва боғлиқлигининг сақлаб қолиниши. Адекват таржима эса прагматик муаммоларни эквивалентликнинг максимал даражасида ҳал этади ва жанрнинг услубий талаби ва таржима имкониятидан келиб чиқиб, тил меъёрининг бузилишига йўл қўймайди”[5]. Шунингдек, олим адекватлик эквивалентликнинг бир поғонасидир, яъни эквивалентликнинг критерийларидан деб ҳисоблайди. А.В.Феодоров эса умуман бу терминга ҳожат йўқлигини, “адекватлик” истилоҳининг ўрнини тўлиқ таржима жумласи билан ўзгартириш кераклигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, тўлақонли таржима аслиятнинг жанр хусусиятлари ва функционал-стилистик компонентларига тўла мос келади[6]. Аммо назаримизда адекватлик тушунчасини “тўлақонли таржима” ёки “эквивалентликнинг бир поғонаси” деб эътироф этиб бўлмайди. Биринчидан адекватлик – нисбий тушунча мукаммал таржима эмас. Яъни таржима аслиятга адекват дегани тўлақоли аслиятнинг ўзи дегани эмас. Таржимада аслиятнинг нолисоний жихатларидан(оҳанг, руҳият, услуб) нимадир сақланиб қолганлигини

англатади. Иккинчидан эса адекватлик эмас, балки эквивалентлик – адекватлик сари ташланган бир поғонадир. Адекватлик масаласида адабиётшунос-таржимонларнинг қарашлари тилшунос-таржимашунослардан фарқ қилади. К.Чуковский, И.Кашкин, Г.Гачечиладзе, Вл. Росселс, О. Кундзич каби адабиётшунос олим ва адиблар таржимага адабий жараён сифатида қарайдилар. Улар тил қоидалари мувофиқлигини бадиий мувофиқликка кўмаклашувчи унсур деб билдилар. Ушбу ёндашувга кўра, адекватлик таржиманинг аслият бадиийлигига мувофиқлиги орқали белгиланади. Адабиётшунослар тилшунослар томонидан тил мувофиқлигига қатъий риоя қилиш ва таржиманинг вариациялар ҳамда ижодий ёндашувни инкор этадиган меърий тизимини яратишга уринишларини жиддий қоралайдилар[7]. В.С.Виноградов шеърий таржима фақат аслиятга адекват бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Унингча, бадиий таржиманинг ўз ижодкори, яратувчиси, тил манбаи ва услуби мавжуд[8]. Тилшунос олима Исамухамедова Н. стилистик адекватлик ҳақида фикр юритар экан, когнитив тилшуносликда фундаментал аҳамиятга эга бўлган “фрейм” ёндашувини асос қилиб олади. Фрейм ёндашувига асосан, Исамухамедова Н. таржимон билимларини лингвистик ва экстралингвистик билимларга бўлади[9]. Экстралингвистик билимлар стилистика назариясида лингвистик билимлардан бошқа барча билимларни ўз ичига олиши маълум. Муаллиф муаммога лингвист сифатида ёндашгани учун ҳам тасниф ва таърифда лингвистикани марказий ўринга қўяди ва стилистик адекватликни таъминлашда когнитив ахборот - билимнинг даражасини когнитив карталар тузиш орқали аниқлашга ҳаракат қилади. У когнитив ахборотнинг икки асосий параметрини кўрсатади:

1. Оригинал ва таржимада билимларнинг акс этиш шакли.
2. Тилларнинг ўзаро тушуниш ва таржима қурилмасида билимларни концептуал ташкил этиш воситалари[10].

Ушбу таҳлил методи лингвистик нуқтаи назардан ўзини оқлайди. Аммо бадиий таржимада жуда катта аҳамиятга эга бўлган фалсафий маъно, давр руҳини акс эттирган ғоя, шеърий ритм масалаларининг таржимон билимларининг асосини ташкил этиши, уларнинг услубий адекватликни таъминлашдаги ҳал қилувчи иштироки орқа планга ўтиб қолади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг эквивалентлик ва адекватлик тушунчасига ёндашуви уларнинг ўз ихтисосликлари доирасида чуқур фикрлаганликларидан ва шу билан чекланганликларидан келиб чиққан. Адекватлик муаммосига тўхталган олимларнинг бирортаси бадиий таржима, хусусан, шеър таржимасида руҳият,

ғоя, ботиний маъно ва оҳанг каби муҳим омилларсиз адекватликка эришиш мумкин бўлмаслигига аҳамият бермагани бу муаммо ҳануз ўз ечимини топмаганини кўрсатади. Аммо бу дегани адекватликни таъминлашда лингвистик маҳорат иккинчи планда туради дегани эмас. Таржимани лингвистик томонларига эътиборсизлик оқибатида таҳлил қилиш, мутаржим ишига объектив баҳо беришга ҳалақит беради. Масалан, ф.ф.н Раҳимжон Каримов ўз тадқиқотида Бобурнинг машҳур ғазали матлаъси таржимасини куйидагича таҳлил қилади:

“Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдим?
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдим?”

Лейден-Ерскин таржимаси:
(Turki)- There is no violence injury of fortune that
I have not experienced;

This broken heart has endured them all. Alas!
Is there one left that I have not encounterd?

Ўзбекчаси: Омаднинг ҳеч қандай ёвузлик ва жароҳатларин мен тажрибада кўрмадим.

Лейден-Ерскин таржимаси ҳам асосий матн мазмунидан анча узоқлашган ва натижада шеърдаги асосий ғоя инглиз ўқувчиларига асл нусха ҳолатида етиб бормаган[11].” Тадқиқотчининг мазкур матлаънинг инглизча таржимасига берган юқоридаги тавсифида биров чалкашлик бор: Лейден-Ерскин таржимаси:

There is no violence injury of fortune that
I have not experienced;

Кўриб турганимиздек, инглизча таржимада инкор маъносини берувчи икки сўз иштирок этган: – но (инкор; “йўқ”, “ҳеч қандай” маъноларида ишлатилади) ва феълга инкор маъносини берувчи – нот юкламаси. Гапдаги икки инкор жумла маъносини тубдан ўзгартиради. Агар to have experience (тажрибада ўтказмоқ) феъли олдидан – not юкламаси олиб ташланса, there is оборотидан кейин келган но инкори, тадқиқотчи таржима қилгани каби мазмунни берар эди, чунки бу инкор гапнинг иккинчи қисмидаги феълга ҳам тегишли:

There is no violence injury of fortune that
I have experienced;

Аммо гапда – нот юкламаси борлиги туфайли бу шеър мазмуни куйидагича бўлган:

Омаднинг ҳеч қандай ёвузлик ва жароҳатлари йўқки,

Мен тажрибамда кўрмаган бўлсам (яъни шоир демоқчи бўлганидек, хаммасини бошдан кечирганман).

Энг яхши шеърый таржима аслиятга мос таржимадир. Мослик даражаси фақат матнларнинг лисоний мувофиқлиги билан эмас, балки “бадий адекватлик” билан ҳам баҳоланиши керак. Бу нима дегани? С.Ф.Гончаренконинг фикрича, бу аслиятдаги услубий жиҳат ва шеърый матн хусусиятининг (ўлчам ва рифма) таржимада акс этганлиги билан белгиланади. Бадий адекватлик тушунчаси икки тил, яъни аслият ва таржима тилининг поетик хусусиятини бир маромда сақлаб туриши лозим[12]. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг эквивалентлик ва адекватлик тушунчасига ёндашуви уларнинг ўз ихтисосликлари доирасида чуқур фикрлаганликларидан ва шу билан чекланганликларидан келиб чиққан. Г.Д.Воскобойник фикрича, эквивалентлик билан чекланувчилар “матн – бу система (тизим)”, деб қарасалар, адекватлик тарафдорлари “матн – бу тирик организм” деб ҳисоблайдилар[13]. Ҳар бир матнни “тирик организм” деб ҳисоблаш, ана шу ғояни ўз маслаги деб билиш ва шу нуқтаи назардан ишга масъулият билан ёндашиш асл нусха руҳияти ва ғоясини таржимада аниқ бера олиш имкониятини яратади. Шу ўринда тилшунос олимлар позициясини матнга система сифатида қаровчилар, адабиётшуносларга матнни тирик организм деб қабул қилувчилар деб баҳолаш мумкин. Баҳсларга умумий назар ташлаб, ҳар иккала қараш тарафдорлари ёндашувларида бирёқламалик мавжудлигини кўриш мумкин. Бизнинг фикримизча, адекватлик масаласида умумий махражга келиш имконияти бор.

Хўш, тўлақонли адекватликка қандай эришиш мумкин? Таржимага баҳо беришдан аввал таржимон маҳорати ва машаққатини кўз олдимизга келтирсак. Масалан, шеърый таржима билан шуғулланувчи таржимон, таржима жанрлари ичида энг мушкул ва мураккабини танлаган ижодкордир. У таржиманинг ҳаққоний ва аниқ чиқиши учун таржима қилинаётган матннинг бошқа тилдаги эквивалентларини ўрнига қўйиш билан чекланмайди. Сабаби, шеърда сюжет,

воқеалар ривожига ва композиция билан бир қаторда кучли ҳис-туйғу мавжуд. Шеърнинг руҳиятига тобора кира билиш ва уни таржимага кўчириш эса аслият тилини ва шеъринг услубларини мукаммал эгаллашни талаб этади. Бу дегани таржимон шоир ҳам бўлиши демакдир. Шеърни шоирдек тушуниш, шоирлар билан ҳамкорлик қилиш таржималарнинг янада аниқ чиқишига ўз ҳиссасини қўшади. Биринчи навбатда таржимон ишга (таржимага) ўз муносабатини, яъни мақсад эквивалентликка эришиш ёки адекватликка, буни аниқлаб олиши лозим.

Таржимон бир тилдан иккинчи бир тилга шеър ёки поемани таржима қилар экан, ўз миллий адабиётида учрамаган янги шеъринг оҳанг ёки жанрга дуч келади. Ўз тили имкониятларидан келиб чиқиб мазкур асарни таржима қилишга уринаётган мутаржим шу шеърдаги руҳ ва шеърнинг аслиятдаги жарангидан беҳабар бўлса, шеърнинг жилосини ва эстетик завқ бағишловчи бўёқдорлигини тушириб таржима қилади. Бу эса, ўз навбатида, таржиманинг саёзлашувига, китобхонлар учун нотаниш тилда ёзилган асарнинг муаллифи ижодига нисбатан қизиқишнинг пасайишига олиб келади. Шарқ ва Ғарб маданий алоқалари тарихига назар ташлар эканмиз, қадимдан миллатлараро тотувлик ва дўстона алоқалар ривожига таржиманинг ўрни қанчалик катта эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ўтмиш таржима соҳасидаги ютуқларни сарҳисоб қилар эканмиз, айтиш мумкинки, бугунга келиб, замон руҳидан келиб чиққан ҳолда таржимага катта талаблар қўйилмоқда. Таржима фаолиятининг тасаввур қилиб бўлмас даражада кЭнг ривожланиши унга бўлган қизиқишни фақатгина янгича ўй билан эмас, балки уни илмий бир тизимга солиш ҳамда ёзувчи, адиб ва олимларнинг танқидий фикрини инобатга олиб, шу соҳада йиғилган катта тажрибаларни умумлаштиришни талаб қилади. Таржима тарихини яратишдан мақсад фақат таржимачилик соҳасида мавжуд анъаналарни ўрганиш ва бой маданий-маънавий мероснинг таркибий қисми сифатида тақдим этиш учунгина зарур эмас, балки мумтоз таржиманинг ўзига хос хусусиятини, реалистик таржима тамойиллари ўртасидаги асосий белгиларни фарқлаш, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини кЭнгайтириш ва мустаҳкамлаш, бизнинг давримизда кЭнг қулоқ ёзган бадиий ижоднинг бу соҳасида рўй бераётган адабий новаторлик мазмунини идрок қилиш, чинакам бадиий таржима яратиш эволюцияси ва истиқболини аниқлаш, ҳамма даврларда бадиий таржиманинг асосий иллатларидан бири бўлиб келаётган, бизнинг давримизда ҳам юз бераётган икки асосий хавф – формализм ва асарни бутунлай ўзгартириб юбориш ҳолларини ўрганиш ва уни бартараф қилиш йўллари кидириб топишдан иборат[14]. Бугунги кунда ҳар бир таржимон таржима қилинадиган асар ёхуд материални қўлга олар экан, аввало, ўша таржиманинг жамият тарихи,

маданияти, адабиёти ва ушбу асарга тегишли ҳар бир деталени чамбарчас ўрганиб чиқиш лозим. Исаак Зингер “таржимон синчков ўқувчи, ажойиб услубчи, сўз устаси, психолог, ҳар томонлама билимдон бўлиши керак[15] деб таъкидлаганда қанчалик ҳақ эканлигини таржима таҳлиллари яққол кўрсатиб турибди. Шулар билан бир қаторда, таржима матнда лингвистик позициядан адекват деб топилган лексемалар шеършунос-таржимашуносларни қониқтирмаслиги мумкин. Масалан, тадқиқотчи Н.Исамуҳамедова В.Шекспирнинг “Отелло” драмасидан “she was false as water” иборасининг Ғафур Ғулом ва Жамол Камол таржималарида берилиш услубини таҳлил қилар экан, “water” (сув) лексемасининг когнитив картасини тузади. Унга биноан, луғатларда берилган “сув” лексемасининг хавотир ва хавф билан боғлиқ ассотсиацияга эга тушунча эканлигини аниқлайди. Шунинг учун ҳам False сўзининг луғавий маъносини келтиришни тўғри ҳисоблайди. Буни тадқиқотчининг Ғафур Ғулом ва Жамол Камол таржималарини жадвал воситасида таҳлил қилиб, Ж.Камолнинг сувга нисбатан қўллаган бетийиқ ва беқарор сифатидан Ғ.Ғуломнинг алдамчи, риёкор сифатини адекват дейишида кўриш мумкин. Н.Исамуҳамедова лингвист сифатида тўғри ёндашган. Бироқ адекватликни таъминлашда фақат лингвистика нуқтаи назаридан ёндашилса адекватлик борасида умумий маҳражга келиш қийин кечади. Мисол учун Н. Исамуҳамедова хулосасига адабиётшунослик нуқтаи назаридан бошқача баҳо бериш мумкин. Маълумки, false сўзининг муқобиллари қуйидагича: 1. wrong (нотўғри, хато), incorrect (хато, нотўғри, ноаниқ), 2. spurious (сохта). 3. improper (нотувофиқ, нотўғри). 4. deceptive. (алдамчи, адаштирадиган). 5. deceitful (сунъий, сохта). 6. treacherous (хоинона, ишончсиз). 7. unfaithful (хиёнаткорона, мунофиқона). 8. not genuine (аслияти эмас, тоза кўнгилли эмас) 9. fake (ясама нусха, фирибгарона). 10. betrayal (сотқинлик, хиёнат). 11. artificial (сунъий, юзаки). Аммо уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир қанча муқобилларига эга. Уларни бир тизимга келтириб умумий маънодошлари аниқланса, масала анча равшанлашади. Биз буни қуйидаги жадвалда аниқ кўришимиз мумкин:

Аслият

(А)

Аслиятнинг муқобил маънолари

(АММ)

Таржима

(Т)

Таржиманинг муқобил маънолари

(ТКММ)

False

1. wrong, incorrect
2. spurious,
3. improper
4. deceptive.
5. deceitful,
6. treacherous
7. unfaithful.
8. not genuine
9. fake
10. betrayal
11. artificial.

бетийиқ
беқарор

(Ж.Камол)

- 1 Бир қарорида турмайдиган
2. субутсиз
3. ишониб бўлмайдиган
4. бевафо
5. алдамчи
6. иккиюзламачи
7. риёкор
8. ишончсиз
9. уятсиз
10. ваъдабоз
11. лафзсиз

Кўришиб турибдики, Ж.Камол вариантынинг муқобил маънолари аслиятдаги сифатнинг муқобил маъноларига деярли тўғри келади. Шундай экан, таржимада ҳар иккала таржимон келтирган сифатлар бир умумий маънони, яъни Дездемонанинг севгида собит эмаслиги, ўзгарувчанлиги, бевафолигини англатиш учун тўғри қўлланган. Аммо лингвистик жиҳатдан адекват бўлиши мумкин бўлган “алдамчи ва риёкор сув” ўзбек шеъриятида сунъий ифода саналади. Адекватликнинг қатъий талабларидан бири маъно ва ифода адекватлигидир. Ўқувчи (рецептор) “алдамчи, риёкор сув”ни тасаввур қила олмайди. Аммо ўз ўзанида тинч туrolмайдиган ҳамиша турлича оқадиган

сувни, яъни беқарор сувни, шунингдек, ўзини бошқара олмайдиган яъни бетийиқ сувни ҳам яхши тасаввур қилади. Беқарорлик субутсизлик, ўз сўзида турмаслик каби салбий сифатларга маънодошдир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида беқарор ва тийиқ сўзларига қуйидагича таъриф берилади: Беқарор – 1. Бирдек туролмайдиган, ҳа деб ўзгараверадиган. Беқарор Аму. 2. Бир жойда қўним топмайдиган, ҳа деб қўчиб юрадиган; қўнимсиз. Дарбардарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор, саёқлигимдан жуда ўқинар эдим. Ғ.Ғулом, Шум бола[16]. Тийиқ – 1. Ўзини тийиб, босиб, тутиб олган; 2. Қуюлган, босиқ[17]. Шундай экан, Ж.Камолнинг таржимаси Ғ.Ғуломга нисбатан адекват дейишга асос бор. Бу ерда инглиз тилидаги фалсе нинг маъноси бузилмаган. фалсе алдамчилик ва риёкорликнинг маъно муқобиллари бўлган беқарорлик ва бетийиқликнинг айнан ўзидир. Демак когнитив анализнинг муҳим компонентларидан бири маъновий ёндошув бўлмоғи лозим.

Адекват таржимада рецепторнинг матнни тушуниши ва ҳис қилишига шароит яратмоқ лозим. Ўзбек китобхони учун “Оқин сувдек, у алдамчи, риёкор эди”дан кўра “ Оқар сувдай бетийиқ, беқарор эди” мисраси кўпроқ тушунарли ва айни пайтда бу ибора инглизча “false as water” иборасига адекват қабул қилинади.

Шундай қилиб, адекват таржима эквивалент таржиманинг юқори даражадаги кўриниши бўлиб, унда лексик-семантик мувофиқлик рецептор бадий тафаккури ва бадий тасвирни идрок этиш ўлчамларига уйғун бўлиши лозим. Шунингдек, руҳият ва оҳангни сақлаш адекватликни таъминлашда муҳим омил бўлиб, таржимондан тегишли адабиёт илмларидан талаб даражасида хабардор бўлишни тақозо этади

Қуйида адекват таржима афзалликларини схема орқали кузатамиз:
Филология фанлари номзоди Й.Й.Арустамян “Лингвистические проблемы перевода” номли услубий қўлланмасида адекватлик ва эквивалентлик борасидаги жаҳон олимларининг концепциялари классификациясини хавола этади:

Г.Егер классификацияси: прагматик, семантик(денотатив) семантик (сигнификатив), синтактик.

К.Райс классификацияси: прагматик, семантик, синтактик.

А.Д.Швейсер классификацияси: прагматик, семантик (компонентал), семантик(референсиал), синтактик.

В.Гак классификацияси: формал, маъновий, ситуатив.

Й.Найда классификацияси: формал, динамик.

В.Коллер классификацияси: денотатив, коннотатив, текстуал-норматив, прагматик, формал.

Р.Якобсон классификацияси: референтал, экспрессив, конатив, металингвистик, поетик, фатик.

В.Н.Комиссаров классификацияси: коммуникация мақсади, ситуация баёни, ситуацияни баён қилиш йўллари, ифода струатураси, лексик-семантик мувофиқлик.

Юқоридаги классификацияларни келтирар экан, Й.Й.Арустамян адекватлик эквивалентликнинг олий даражаси деган хулосага келади. Лекин унда адекватликни алоҳида ўрганишга қандай ҳожат бор деган савол ташлайди[18]. Швейсернинг прагматик даражаси ва Комиссаровнинг коммуникация мақсади, ситуация баёни, ситуацияни баён қилиш йўллари назариялари адекватлик даражаларининг айнан ўзи эмасми? Бу каби мунозарали саволларга ўзбек олимларининг сўнгги йиллардаги тадқиқотларида келтирган классификацияларини илова қиламиз:

И.Ғафуров: эквивалентлик – эркин таржима. Аслият таржима жараёнида анча-мунча қискартиришлар, ўзгача талқинларга учрайди. Аслият таржимоннинг иродаси билан соддалаштирилади. Таржима услубида баён қўлланади. Эквивалентлик бу ҳолда жуда нисбий тарзда намоён бўлади. Буни таржимада адаптация дейилади; адекватлик – бунда асл нусханинг барча ғоявий-бадий хусусиятлари таржима тилида тўла сақланади, оригиналга тўла ҳамоҳанглик яратилади.

Сўзларнинг маъноларини англашда беҳато эквивалентликка эришилади. Жанрнинг стилистик, лингвистик талабларига оптимал даражада риоя этилади.

М.Холбеков: эквивалентлик – матнга максимал яқинлик; адекватлик – таржимада эришиб бўлмайдиган даражадир.

Ш.Сирождинов :эквивалентлик – синтактик даража, компонент даража, референсиал даража, семантик даражада, прагматик даражадаги яқинлик; адекватлик – жанрий-стилистик, барча лисоний ва ғайрилисоний (экстралингвистик) омиллар ҳисобга олинган, максимал даражада ҳиссиёт ва аслият руҳи сақланган бўлади.

Г.Одилова: эквивалентлик – синтактик-семантик даражадаги яқинлик; адекватлик – рецептор прагматикаси, фон билимлари, бадий тафаккури ва бадий тасвирни идрок этиш ўлчамларига уйғун бўлиши лозим.

Й.Й.Арустамян: эквивалентлик – семантик(денотатив), морфологик, синтактик даражадаги яқинлик; адекватлик – когнитив, прагматик, семантик (коннотатив) стилистик даражадаги яқинлик

Умумий хулосага келадиган бўлсак, ўзбек олимларининг бир қисми(И.Ғафуров, Ш.Сирождинов, Г.Одилова, Й.Й.Арустамян) фикрларидаги умумийлик ўзбек таржимашунослиги мактабида адекватлик ва

эквивалентлик борасида қўйидагича хулосага келиш мумкин:

Эквивалентлик – тўла лингвистик муқобиллик;

Адекватлик – экстралингвистик факторларни ўз ичига камраб олган тЭнг прагматик мувозанатни сақлаб қолган таржима.

Лекин таъкидлаш жоизки, адекватлик бу нисбий тушунча, яъни таржима аслиятга юз фоиз адекват бўлмайди. Аммо таржимада адекватликнинг баъзи критерийлари сақланиб қолади. Масалан: оҳанг адекватлиги, руҳият ва ғоя адекватлиги, бадий услуб адекватлиги кабилар. Шу унсурларнинг таржимада таъминланиши таржиманинг эквивалент эмас, балки адекват эканлигини кўрсатади. Бадий асар таржимони қайси жанрдаги асарни таржима қилаётганларидан келиб чиқиб ўз позициясини белгилаб олиши лозим. Насрий асарлар таржимасида эквивалент ёндошув етарли бўлса, шеърий таржимада адекватлик позициясидан иш кўриб, матнни “тирик организм” деб ҳисоблаш лозим.

Шеърий таржима адекватлиги қўйидаги мезонлар бўйича ўлчаниши мақсадга мувофиқдир:

- а) юқори даражадаги лингвистик мувофиқлик;
- б) коммуникатив мувозанатнинг мавжудлиги;
- в) маданий-тарихий, ижтимоий воқеликнинг таржимада тўлиқ акс этиши;
- г) таржимада аслиятдаги прагматик салоҳиятнинг тўлиқ сақланганлиги;
- д) шеърда акс этган руҳ ҳолатининг сақланиши;
- е) оҳанг ва мусиқийликни таъминлаш;
- ё) муаллиф ғоясини максимал узатиш;
- ж) асар мазмунини аниқ ифодалаш;
- з) бадий тасвирни рецепторга равшан етказиш;
- и) лексик-семантик мувофиқликни таъминлаш.

Демак, таржимон таржима жанрининг стилистик талабларидан келиб чиқиб ўз позициясини белгилаб олиши лозим. Таржимон позицияси – таржимоннинг таржимага нисбатан субъектив муносабати. Яъни таржимон ўзи уддаламоқчи бўлган иш (таржима) билан танишиб чиқади. Дастлабки босқичда таржима турини аниқлаб олади. Биринчи маърузада тилга олганимиздек таржиманинг бир неча турлари мавжуд:

Илмий адабиётлар таржимаси, хабарлар ва публицистик материаллар таржимаси, техник таржима, синхрон таржима, медицина, юриспруденсия ва бошқа соҳага оид маълумотлар таржимаси ҳамда бадий таржима. Агар таржима материали бадий характерга эга бўлса, таржимон адекватлик позициясини танлайди, яъни ўз олдида қўйидаги мақсадларни қўяди:

1. Аслият матнининг лингвистик структурасини табдил қилиб ўз тилида интерпретация (ўқишли бадий характердаги матн яратади) қилади.

2. Бадиий матндаги подтекст, вертикал контекст, фон ахбороти каби экстралингвистик маълумотларни аниқлаб таржима тилида муаллиф мақсадини очиб бериш йўллари излайди.

3. Бадиий матннинг жанр хусусиятларидан келиб чиқиб шеърий ёки насрий усулдан бирини танлайди. Шеърий таржимадан фойдаланиладиган бўлса, аслият оҳанги ва руҳиятини ҳосил қилувчи фонетик эвфониялар, оҳанг ва қофия билан боғлиқ муаммолар ечимини излайди.

4. Сўнги босқичда таржима ишларини бошлаш.

Демак, таржимон ўз позициясини таржима туридан келиб чиқиб аниқ белгилайди. Адекват таржима эквивалентдан фарқли ўлароқ ижодкорликни талаб қилади. Шеърий асарлар таржимасида таржимон муаллифнинг рақибига айланади. Муаллиф услуби, қўлланган образли ифодаларни таржима тилида қайта яратади. “Адекват таржимага эришиб бўлмайди” ёхуд “таржима аслиятга фақат эквивалент бўлиши мумкин” қабилда иш кўриш, таржима сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлаверади. Сўз бадиий таржима сифати хусусида борар экан, адекватлик сари интилиш, йўқ деганда минимум эквивалентликка эришиш билан яқунланиши мумкин. Бу ўзбек халқининг “тоғдек сўрасанг, тепадек беради” нақлини эсга солади. Бадиий таржимада таржимон ишни, яъни таржимани эквивалентлик позициясидан туриб бошлаши маъқул ҳолат эмас.

Назорат саволлари:

1. Эквивалент таржимага изоҳ беринг.
2. Воскабойникнинг адекват таржима тарафдорларига берган “Матн – бу тирик организм” таърифини қандай изоҳлайсиз?
3. Адекват таржима аслиятга эквивалент бўлиши мумкинми?
4. Таржимон позицияси нима?
5. Шеърий асар таржимони қайси позицияни танлагани маъқул

Адабиётлар ва интернет ресурслар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – Энгилмас куч. – Т., 2008.
2. А.Д.Швейсер Теория перевода: статус, проблеми, аспекти. М., 1988.
3. Ғ.Саломов Таржима назариясига кириш. Тошкент, 1978.
4. О.Мўминов, Р.Турғунов, А.Рашидова, Д.Алимова. Транслатион – Ёзма таржима – Писменный перевод. Тошкент, 2008.
5. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

2-маъруза: Таржиманинг прагматик жиҳатлари

(2 соат)

Режа:

1. “Прагматика” истилоҳининг фанда пайдо бўлиши ва эволюцион босқичлари.
2. “Рецептор прагматикаси” тушунчаси.
3. Прагматиканинг таржимада қўлланиши: лингвистик ва бадиий ёндашув.
4. Таржимада таржимон ва муаллиф дунёқараши.

Таянч иборалар: *прагматика, рецептор, муаллиф дунёқараши, бадиий ёндашув*

“Прагматика” истилоҳининг фанда пайдо бўлиши ва эволюцион босқичлари.

Прагматика- (қадимий грекча “прагма” сўздан олинган бўлиб-ҳаракат деган маънони англатади)- конкрет нутқ жараёнида белгилар ва уларнинг иштирокчиларини ўрганувчи семиотиканинг бир бўлимидир.

Прагматикага бугунги кунда тил вакилларининг муайян сўзлар ва семантик конструкциялар ёрдамида ўз муносабатини намойиш этиши ва суҳбатдошнинг муносабатини тушуниш даражаси. Яъни мавжуд ситуациядан келиб чиқиб муносабат билдириши.

Айтиш мумкинки, прагматика – ҳаракатдаги тил семантикаси. Прагматика ва унинг умумий хусусиятлари ҳақида биринчи бўлиб Чарлз Сандерс Пирс XIX фалсафадаги прагматизм хусусиятларини 1920 йилда ишлаб чиққан эди. Аммо замонавий тилшунослик ундан сал кейинроқ юзага келган Витгенштейн ғояларини илгари суриб келади. Вингштейн прагматиканинг тилга боғлиқлигини кўрсатиб беради. Прагматика ривожланишининг уч босқичи мавжуд:

1-босқич 1930 йилда “Прагматика” термини биринчи мартаба Семиология/семиотика (белгиларни ўрганувчи фан) бўлими сифатида қўлланилди.

1938 йилда Карнапнинг таъкидлашича, прагматика фойдаланувчи (истеъмолчи)нинг, сўз ва муносабатларига асосланган бўлади.

1940 йилда Чарз Моррис семиологияни 3 қисмга ажратади: синтактика, семантика ва прагматика.

Кейинги 2-босқичда 1950-1960 йилларда файласуфлар- Аустин, Серл ва

Паул Грис нутқ коммуникацияси ва импликатура назариясини яратдилар.

Учинчи босқичда: 1977йил Якоб.Л.Мей Голландияда биринчи “Прагматика” журналини нашр эттирди. 1983 йилда, Левин “Pragmatiss”, Жеофрей Лич “Principle of pragmatiss assosation” китоблари бу соҳадаги жиддий тадқиқотлардан эди. 1988 йилда (ИпрА) International Pragmatics Assosiation)нинг ташкил этилиши прагматиканинг долзарб масала сифатида фанда ўрин эгаллаганлигидан далолат беради. Жаҳон тилшунослигида прагматиканинг Британия ва Америка мактаблари шаклланди. Британия ва Америка мактаблари гап структураси ва грамматикаси: дейктик ифодаланишга йўналтирилган эди. Сухбат импликатураси, пересуппозиция нутқ ва сухбат структураси – микропрагматика деб аталган. Европа прагматика мактаби эса кЭнг йўналишларни қамраб олади. У макропрагматикада мулоқот жараёнидаги сухбат анализи, маданий антропология, социал лингвистика ва психоллингвистика масалаларини ўрганadi. Паул Грис тилшуносликда “прагматика” терминини тасвирлаш учун “implicature” сўздан фойдаланадики, бу сўз кейинчалик лингвистик прагматикада ўрганилади. Прагматикага оид адабиётларда импликатура(Бах1994, Спербер ва Вилсон 1986-1995) тушунчага тавсиф бериш орқали бугунги кунда “прагматика” деб аталувчи ҳодисага таъриф берилади. Импликатура ҳодисаси Г.П.Грайс томонидан Гарвард университетиди 1967 йилда (William James lectures туркумидаги маъруза) ўқилган маърузадан сўнг катта қизиқиш уйғотиб қўйди. Шу маърузадан сўнг (Грайс 1985; Грисе 1975; 1978; 1981; ср.: Садоск 1978; Лееч 1980; 1983; Левинсон 1983 ва ҳ.к.з.) илмий нашрларда прагматикадаги феномен сифатида тилга олинади.

Грайснинг таъбирича, импликатуралар ҳарфий муқобил бўлмаган аспектлар, маъно ва мантиқни ифодалашнинг маъқул йўли ҳисобланади. Яъни шу йўл билан тил ифодаларининг конвенсиал структурасида нима назарда тутилаётганлиги эмас, нимага ишора қилинаётганлиги аниқлаштирилади.

Конвенсиал импликатурада(conventional implicatures) Грайс назариясида қўлланилган сўзларнинг маъноларида намоён бўлади.

Прагматика тарихи, географияси ва унинг институцион шаклланиши тадқиқотига қаратилган энг йирик монографик тадқиқот бу профессор Бриджит Нейрлих ва Девид Кларклар [1]нинг монографиясидир. Прагматика аслида фалсафага бориб тақалади[2]. Аммо буни аниқроқ қилиб Америка ва Британия фалсафаси десак тўғрироқ бўларди. Прагматика муаммосини илк тадқиқотчилари Чарлз Сандерс Пирс(1859-1952) Жон Лангшав Аустин (1911-1961) ёки Жон.Р. Серл ва бошқа Америка ва Британия олимлари прагматика тушунчасининг фанда шаклланишига асос яратдилар. Бугун прагматикадаги биринчи энг катта муаммо бу – концептализация: прагматика

деганда нимани тушунамиз? Профессор Бриджит Нейрлих ва Девид Кларклар прагматиканинг моҳиятини тўла англаб етиш учун унинг тарихини тизимга солиш, Жеймснинг “прагматика”си ва Пейрснинг “прагматизм”мини фарқлай олиш, фалсафадаги прагматизм ва тилшунослик аспектига айланган прагматика атамаларининг тилдаги ва нутқ жараёнидаги функцияларини конкретлаштириб олиш лозим деб ҳисоблашади. “Прагматика” фақатгина концепт бўлмаслиги табиий. Серлнинг назариясига асосланганидан бўлсак, “нутқ жараёни назарияси” прагматиканинг кичик аспектларини ўз ичига олади. Шунингдек Пейрснинг “прагматика” концепти бошқа назариётчилар томонидан ҳам қўлланган. Юқоридаги тадқиқотда олимлар Анат Билатскийнинг “Is there history of pragmatics” (Pragmatics journal 25(1996) –P.455-470) мақоласидаги “прагматика институцион тарихга эга эмас” деган фикрини ўрганганлар. Китоб муқаддимасида муаллифлар прагматика сўзи моҳиятини очиқ берадиган кўплаб олимларнинг тадқиқотларига мурожаат этадилар ва прагматика ҳамда нутқ жараёнидаги боғлиқликни кўрсатиб берадилар. Аммо тилшунослик ва фалсафада прагматика борасида бир бирини инкор этувчи қарама-қарши фикрлар мавжудки, бу борада ҳали бир тўхташга келиди деб айтиш мушкул.

Иккинчи масала бу прагматика тушунчасининг географик картасини аниқлашдир. Бу соҳа назариётчиларининг тадқиқотларида[3] асосан прагматика Америка фалсафасидан келиб чиқдими? Ёки бу тушунча Франция, Германия ёхуд герман лингвистикасида ҳам учраши мумкинми? деган савол ечимини топишидир. Профессор Франк Вонкнинг таъкидлашича, шу масалани аниқлаштириш имконияти етарли бўлган Бриджит Нейрлих ва Девид Кларкларларнинг йирик тадқиқотида ҳам муаллифлар Европа ва Америка назариётчиларнинг прагматика ҳақидаги тадқиқотлари антологиясини яратишга муваффақ бўлганлар, аммо “прагматика” тушунчаси Ғарбга “тегишли бўлиб қолиши”га тадқиқотчиларнинг асосан Ғарб олимларининг фикрлари билан чекланиб қолганликлари сабаб бўлган[4].

Учинчи муаммо ва ниҳоят прагматиканинг специфик характеристикасини аниқлаш. Прагматика – фалсафа, лингвистика ёки антропологиянинг таркибий қисми ёки мустақил фан сифатида ўрганилиши керакми? Деган савол ҳануз ўз ечимини топгани йўқ. Олиб борилган тадқиқотларни кўздан кечирадиган бўлсак, прагматика тилшуносликка алоқадор эмас деган фикр нотўғри, лекин прагматиканинг сферасини фақатгина тилшунослик билан чеклаб бўлмайди. Прагматиканинг фандаги даражаси ва бу фан ўз ичига олиши мумкин бўлган объектлар тилшуносликдан юқорироқ туради. Бунга мисол қилиб Фердинанд Де Соссюрнинг (1857-1913) сотсиал психологиясидаги семиологияга бўлган боғлиқликларни

ўрганганлини айтиш мумкин [5]

А: Мен имтиҳонни топширдим

Б: Унда кинога борамиз.

А нинг гапидан Б нинг прагматик тасаввури ҳосил бўлади. Бу ситуатив моделда ўз-ўзидан прагматик тасвир ҳосил бўлади. Биз фон билимлари мавзусида фон билимларини :

1. Умумий фон билимлари;

2. Контекстуал фон ахборотига ажратган эдик. Прагматик тасвир ҳосил бўлишида умумий фон билими билан бир қаторда контекстуал фон ҳам ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Ушбу мисолда “Мен имтиҳонни топширдим!” деганда киши бир ташвишдан ҳоли бўлганлиги ва бироз чарчоғини чиқариш учун бемалол қайгадир бориши мумкинлиги ҳақидаги умумий фон билими билан бир қаторда, катта контекстда имтиҳон топширишни важ қилиб қизнинг бир неча марта учрашувдан бўйин товлаганлиги ҳақидаги контекстуал фон ахбороти ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Прагматиканинг таржимашуносликда пайдо бўлиши ва таржима прагматикаси

Прагматиканинг таъсири баён мазмуни ва шакли уйғунлигида намоён бўлади. Таржима жараёнида прагматиканинг маълум қисми йўқотишга учраши мумкин. Нойтбертнинг фикрича, прагматиканинг таржимага оид 4 даражаси мавжуд:

Таржимага кўчишнинг олий даражаси(илмий–техникавий адабиётларда в.ҳкз)

Таржимага чекловлар билан кўчиш: (бошқа тил вакиллари учун инфор­мацион аналитик материаллар тайёрлашда.

Таржимага аслият прагматикасининг деярли кўчмаслиги ҳолати(қачонки матн муайян тил вакиллари­гагина қаратилган бўлса). Катрин Райснинг таъбирича прагматикани алоҳида етказиб бериш мумкин эмас. Таржима буюртмачининг манфаатларига мос келиши керак.

Назорат саволлари

1. “Прагматика” истилоҳининг фанда пайдо бўлиши ҳақида гапиринг.
2. “Рецептор прагматикаси” тушунчасига таъриф беринг.
3. Прагматиканинг таржимада қўлланиши ҳақида гапиринг.
4. Таржимада таржимон ва муаллиф дунёқарашининг қандай аҳамияти бор?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – Энгилмас куч. – Т., 2008.
2. А.Д.Швейсер Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. М., 1988.
3. В. С. Виноградов. Лексические вопросы перевода художественной проза. М.1978.
4. В.Н.Комиссаров Теория перевода (лингвистические аспекты) М., 1990
5. Ғ.Саломов Таржима назариясига кириш. Тошкент, 1978.
6. Е.Бреус. Теория и практика перевода с английского на русский. М., 2003.
7. О.Мўминов, Р.Турғунов, А.Рашидова, Д.Алимова. Транслатион – Ёзма таржима – Писменный перевод. Тошкент, 2008.
8. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

3- МАЪРУЗА: Бадий таржимада табдил усуллари

РЕЖА:

1. Таржима трансформациялари ва уларнинг таржимадаги роли
2. Трансформацияларнинг типлари.
3. Грамматик трансформациялар.
4. Лексик семантик трансформациялар.
5. Комплекс лексик-грамматик трансформациялар.

Таянч сўзлар: *трансформация, трансформация турлари, грамматик трансформациялар, лексик семантик трансформациялар, комплекс лексик-грамматик трансформациялар.*

Биз ўтган бобларда таржимада (АТ ва ТТ) тиллар ўртасидаги ички ва ташқи номувофиқлар, экстралингвистик факторлар, таржимадан талаб этилувчи назарий билимлар даражаси ҳақида сўз юритдик. Аслият матнидаги бор ахборотни рецепторга тўлалигича узатиш учун эса таржиманинг трансформация методларидан фойдаланилади. Асосий табдил усуллари қўйидагилар.

1. Қайта қуриш.
2. Алмаштириш.
3. Қўшиш.
4. Тушириб қолдириш.
5. Лексик-семантик алмашинувлар.

Баъзида таржима трансформацияларининг иккитаси ҳам бир таржима асарларда учраш мумкин -бу комплекс трансформация деб аталади.

Қайта қуриш

Маълумки, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида гап бўлақларнинг тартиби алмашади. Чунки инглиз ва ўзбек тилидаги гапларнинг тартиби бир хил эмас. Масалан:

A suburban train / was derailed / near London /last night.

Кеча кечқурун / Лондон яқинида / шаҳар ташқарисига қатновчи поезд / релсдан чиқиб кетди.

(1,2,3,4 рақамлари гап бош бўлақлари ва иккинчи даражали бўлақларнинг аслиятдаги ва таржимадан тартибини билдиради). Бу ҳодиса таржима жараёнида энг кўп учрайди. Бу гапда асосий информация “поезднинг релсдан чиқиб кетганидир. Ўзбек тилида асосан диққат марказидаги ахборот гапнинг охирига иккинчи даражали маълумотлар (вақти, хил-хусусияти)гапнинг бошига жойлаштирилади. Таржимон биринчи навбатда диққат марказидаги маълумот қайси эканлигини(яъни поезднинг релсдан чиқиб кетганиги ҳақидаги хабар муҳимми ёки воқеа жойи яъни Лондон яқинида шу ҳодиса содир бўлганлиги ҳақидагиси) аниқлаб, шунга асосан таржимада гап структурасини қайта қуради. Агар аслият матнида воқеанинг айнан Лондон яқинида содир бўлганлиги муҳим бўлса, уни қуйидагича таржима қилиш мумкин:

Кеча кечқурун /шаҳар ташқарисига қатновчи поезд / Лондон яқинида /релсдан чиқиб кетди.

ёки воқеанинг кеча содир бўлганлиги диққат марказида турган бўлса:
Лондон яқинида /шаҳар ташқарисига қатновчи поезд/ Кеча кечқурун / релсдан чиқиб кетди

Демак, ўзбек тилига таржима қилишда қайси ахборот ўша контекст учун муҳим бўлса, ўша маълумот гапнинг охирига, яъни эга ва кесимнинг яқинига жойлаштирилади. Маълумотнинг муҳимлик даражасини таржимон изчил ўрганади.

Алмаштириш

Алмаштириш кЭнг тарқалган усул бўлиб, сўздан бўлақлари, гап бўлақларига алмаштириш усулидир.

Алмаштиришнинг иккита усули мавжуд:

- а) сўз формаларини алмаштириш;
- б) гап бўлақларини алмаштириш.

Биринчи усул сўз формаларини алмаштирилиши, яъни сўзларни ясовчи кўшимчаси кўшимчалар, бирлик ва кўплик кўшимчаларнинг таржимада берилишини (грамматик категориялар мувофиқлиги бўлимида) юқорида кузатдик.

Лексик алмашинувнинг иккинчи усули бу-гап бўлакларини алмаштириш. Лексик аламашинувнинг энг содда усулларида бири отларни олмошлар билан алмаштиришдир. Алмаштириш усулини таржимада кўллашдан мақсад содда ва равон нутқни шакллантириш, аслият мақсадини ойдинлаштириш.

Бу усулда матндаги отлар таржимада олмошга ёки феълга алмашиши мумкин. Масалан:

Ўрик гулларини кўзимга суртдим,
Лабларимга кўнди капалак,
Димоғимда ҳаётнинг иси.

Димоқ – от, таржимада сан смелл – (хидлай олмоқ) тарзида феълга айланган. Куйидаги учликда ҳам шундай ҳодисани кузатиш мумкин:

Дўстни фақат ўзинг топасан,
Душман эса ўзи келади.
Икковисиз яшаб ҳам бўлмас. (Фарида Афрўз. Тасбеҳ. Росарй)

Таржимада шахси номаълум гап шахси маълум гапга айланмоқда. Аслиятда учрамаган we (биз) олмошининг пайдо бўлиши, аслият мазмунини аниқроқ англашга ҳизмат қилган.

Инглиз тилидаги –ер суффикси билан ясалувчи отлар таржимада феълга айланиши мумкин.

I touched the flowers of an apricot,
Butterflies landed on my lips,
I can smell the fragrance of life.
(Valentina Li tarjimasi)

You find friends on your own,
But enemies come by themselves,
We can't live without both of them.
(Валентина Ли таржимаси)

Қўшиш

Қўшиш методи таржимада рецептор учун номаълум ахборотни аниқлаштириш мақсадида қўлланади. Масалан: Алишер Навоий 1441 йилда туғилган. У 5 ёшида Мавлоно Лутфийнинг эътиборига тушган.

A. Navoi was born in 1441. When he was 5 he was noticed by great Turkish poet Movlono Lutfiy. Баъзида қўшиш методи таржимоннинг бадий ифода услубига ҳос бўлиши ҳам мумкин.

Масалан: 1.The sail was patched and looked like the flag of defeat.
(The Old Man and Sea.E.Hemingue.p.7.)

Дағал матодан тўқилган елкан ямалавериб, ола-куроқ бўлиб кетган, ўроғлик ҳолда яксони чиққан полкнинг яловига ўхшарди.

(И.Ғофуров. Чол ва дЭнгиз. Э.ҲеминҒуе.б.7.)

I am a strange old man

(The Old Man and Sea.E.Hemingue.p.9.)

Менми? Менинг зувалам ўзи бошқача усулда узилган.

(I.G‘ofurov. Chol va dengiz. E.Hemingue .b.9.)

Шекспир сонетларини таржима қила туриб, Й. Шомансур таржимага аслиятда ва русча таржимада умуман учрамайдиган “дилбарим, ёрим, жоним, кумрим, дилдорим” каби сўзларини қўшади.

Аммо ўтмишимни топиб сен – ёрдан,
Қисматимни оқлаш учун тайёрман. (30-сонет, 40-бет)

Лойиқ сўз топмадим, сЭнга – ёримга,
Пок ишқни кадрлаш бўлса гар мурод. (26-сонет, 36 -бет)

То сенинг ишқинг бор, ишқинг ёди бор,
Жамики шохлардан қудратлиман, ёр. (29-сонет, 39-бет)

Сени қандай қилиб мадҳ этай, кумрим,

Ахир бир вужудмиз, бир жонмиз икков. (39-сонет, 51-бет)

Сенинг қиёфангда кўриб ўзимни,
Ўзга қиёслайман жоним кўзимни. (62-сонет, 78-бет)

Дилбаримнинг қалбин тинглайман, холос,
Қолган бутун борлиқ ўлик, беовоз. (112-сонет, 134-бет)

Бераҳмлиқ қилган бўлса дилбарим,
Бу м'Энга сабоқдир, тобланиб ғамда. (120-сонет, 142-бет)

Тушириб қолдириш

Қўшиш методига тамомила тескари усул бўлиб, таржима аслиятдаги кўшма синонимлардан бири, иккита бир хил маънони англатувчи сўзлардан бирининг тушиб қолишидир.

Masalan: Have you heard about Tom.
He is building his own house (Grammar in use 2p).

Ушбу гапни қуйидагича таржима қилиш мумкин.

Том ҳақида эшитдингизми, у ўзига уй қуряпти.
Ўзбекча таржимада own - шахсий сўзи тушиб қолаяпти.

Қуйида бу усулга оид бир қанча мисолларни кузатамиз:

- How much have you done?
- It's all done, Aunt. (M.Twain. p-7)
- Нечтасини бажариб бўлдинг?
- Ҳаммасини, хола.

There was a song in every heart, cheer in every face, and a spring in every step.
(M.Twain p-11)

Ҳар юракда кўшиқ, юзларда қувонч, қадамларда баҳор ифори бор эди.

Tom screamed with laughter.

(M.Twain p-10)

Том қийқириб кулди.

There is no dubt about it. (M.Twain p-7)

Бунга шубҳа юк.

Boys and girls were always there waiting their turn , resting , trading playthings , quarelling, fighting.

(M.Twain p-12)

Болалар ва қизлар доим у ерда навбат кутишар, ўйинчоқларни алиштиришар, ва жанжаллашишарди.

She told me to attend to my own business.

(M.Twain. p-12)

У ишимни диққат билан кузатишини айтди.

At this dark and hopeless moment an idea burst out him!

(M.Twain. p-13)

Бундай тушкун вазиятда бу ғоя уни онгида чақнади.

He and the doctor were struggling together trampling the grass and tearing up the gound with their heels.

(M.Twain. p-37)

У ва доктор ўтти янчиб ташлашга ва товонлари билан тупроқни вайрон қилишга уринишарди.

Лексик-семантик алмашинувлар

А.Конкретизация.

Инглиз тилида шундай универсал сўзлар борки, уларни конкрет вазиятларда конкретлаштириб таржима қилиш мумкин. Масалан: go сўзи вазиятга қараб: бормоқ, тўламоқ, кетмоқ, учмоқ тарзида конкретлаштириш мумкин.

I go (to) Ташкент – Мен Тошкентга жўнаяпман
School – Мен мактабга бораман.

Home – Мен уйга кетдим.

Come – – сўзи контекст мазмунидан келиб чиқиб
Come – етиб келмоқ, учиб келмоқ, мос келмоқ, тўғри келмоқ (яъни мажбурият юзасидан) каби.

from school till 6 – У мактабдан соат 6 гача етиб келади.

He comes to my taste – У дидимга мос.
from Tashkent – У Тошкентдан учиб келади.

To say va to tell fe'llari – – демоқ, сўйлаб бермоқ, сўрамоқ, ифодамоқ, изҳор қилмоқ, буюрмоқ, илтижо қилмоқ, тайинламоқ каби сўзлар билан конкретизация қилиниши мумкин:

1. Will you give me your book
2. We go to the cinema tomorrow I said.
3. Help your brother with his homework
4. Stay on one line

- 1 Мен ундан мЭнга китоб бериб тура оласизми деб сўрадим.
2. Мен биз эртага кинога боришимизни маълум қилдим.
3. Мен унга укасига уйга вазифасини қилишда ёрдам беришини тайинладим.
4. Мен бир чизикда сафланишини буюрдим.

The boys parents had told him that the old man was now definitely unluck and ordered the boy to go to another boat. (E.H. Chapter 1. page-7)

Боланинг ота-онаси унга энди чолнинг ўта кетган омади юришмаган одам эканини айтиб бундан буён бошқа қайикда дЭнгизга чиқиш кераклигини кулоғига қуядилар. (И.Ғофуров таржимаси 4-бет).

Генерализация

Бу конкретизация методининг тескариси бўлиб, конкрет маънода қўлланган сўзларга кЭнг маънодагиларига алмаштиришиши.

She showed us this old beat-up Navajo blanket that he and Mrs. Spencer's bought of some Indian...

у бизга эскириб қолган ҳинд кўрпасини кўрсатди- улар Миссис Спенсер билан уни қайсидир ҳиндудан сотиб олишганди.

Шуни эса тутиш лозимки, бу усулдан гапда асосий эътиборга молик бўлмаган сўзларни таржима қилишда фойдаланилади. Масалан, юқоридаги

контекстда кўрпанинг Наважода тикилгани шунчаки айтиб ўтилган ва бу детал текстда бошқа қайтарилмайди. Агар ўша жой номи билан боғлиқ бошқа бир ситуация ҳам мавжуд бўлса, бу сўз генерализация қилинмайди.

He comes over and visits me practically every weekend.

У меникига, ҳар ҳафтада боради.

Антонимик таржима.

Таржиманинг бу турида инкор маъносидаги гап дарак формада таржима қилинади.

“It wasn’t easy to get loose from mud” I said (W. Sarayan “My name is Aram” page -76)

“Уни лойдан ҳалос этиш қийин бўлган эди” дедим мен.

“I couldn’t do that night because Aunte was watching me”. (M. Twain “ The adventure of Tom Sawyer page-30)

Мен бунни ўша тунда қила олмадим, чунки холам мени назардан қочирмаётган эди.

“ Tomas Sawyer”!

Tom knew that when his name was pronounced in full it meant trouble. (M. Twain . p.-31)

“ Tomas Soyer”!

Қачонки уни исми тўлиқ талаффуз этилса, Том бу яхшиликни англамаслигини биларди.

Компенсация

Таржимада эквивалентликка эришишнинг усулларида бири бўлиб таржима тилида йўқотиш ўрнини қоплаш учун қўлланилади. Бунда АТдаги бирор сўзга ТТдаги сал кЭнгроқ маънодаги бошқа бир сўз танланади.

My parents would have about two haemorrhages if I told anything pretty personal about them.

Агар мен уларнинг шахсий ишлари ҳақида гапирганимда оила аъзоларим икки мартадан инфаркт бўлишлари мумкин эди.

Сичқонку, инига сиғмайди, аниқ,
Қизик, унга ғалвир не керак!?
Наҳот, элаб ейди ҳаром донини. (Ф.Афрўз)

This mouse will not fit into the burrow,
Interesting, why does it have a sieve?
Probably it sieves and eats something stolen. (Valentina Li tarjiması)

Бу учликда ўзбек тилидаги ҳаром сўзи икки маънони англатмоқда. Яъни сичқон учун ғалвир “ҳаром бўлган” – кирланган донни элаб тозалаш учун керакми? Шундай бўлган тақдирда ҳам унинг дони тоза бўлармикан ахир у ҳаром яъни ўғирланган-ку!? Агар таржимон бу сўзни инглиз тилида “dirty” тарзида берса, бунда ҳаром сўзининг асосий маъноси йўқотилар эди. Шунинг учун таржимон “stolen”– ўғирланган сўзини танлайди. Аммо бу компенсация ҳам аслиятдаги маъно товланишини тўла очиб бера олмаган.

Баъзида тилларнинг грамматик категорияларидаги номувофиклик компенсацияни тақозо этади.

He was ashamed of his parents and all, because they said he don't and she don't.

Он стеснятся своих родителей потому что они говорили «хочет» и «хочете» (Бархударов 220стр). Мазкур гапни ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилиб бўлмади. Чунки феълга род категориясидаги кўшимчаларнинг қўшилиши ўзбек тили учун ёт. Бу гап рецепторга тушунарли бўлиши учун уни қуйидагича таржима қилиш мумкин: У ота –онасининг “истикон” ва “истол” дейишидан уяларди. Мазкур таржима орқали ҳам аслиятдаги мазмун, яъни ота-онанинг гапларни бузиб гапириши (стол, стакан) мазмуни англашилиб турибди.

Маълум бир сўз таржимада унга яқин маънодош бошқа сўз билан алмаштириш ва лексик буёқдорликни кучайтиради.

Услублаштириш (стилизация)

Таржимашуносликда мавжуд бўлган услублаштириш (стилизация) методи, қадимги даврга хос услубни таржимада бериш учун қўлланилади. Қадимий тарихий асарлар дostonлар ва жангномалар руҳиятини таржимада акс эттириш мақсадида жумлалар таржима тилида қадимий сўз ва иборалар билан аслият даврига мослаштирилади. Таржимашунос олима З. Қосимова Р.Джованёлининг Спартак асари таржималарини қуйидагича таҳлил қилади: “...завидев сражение, происходившее внизу в долине, легиони эномая с громким криком “барра” устремилис на римлян, ... они дрогнули и вскоре

обратились в беспорядочное бегство.

пастдаги водийда бўлаётган жангни кўргач, эномай легионлари “барра” деб наъра тортиб, римликлар устига ёпирилдилар, сўнгра холдан тойиб, кўп ўтмай тумтарақай қоча бошладилар.

Биринчи гапдаги “громким криком”ни “шовқин-сурон” билан, “бақириб-чақириб”, “қаттиқ-қийқириб деб ҳам бериш мумкин эди. Лекин таржимон воқеанинг бутун тафсилотини ҳис этган ҳолда, қадимий дostonларда қўлланилган услублардан фойдаланган, “наъра тортиб” жумласи жуда ўринли ишлатилган. Шунингдек, “устремилис”ни “ёпирилиб”, “беспорядочное бегство” ни “тумтарақай қоча бошладилар” олиниши ҳақида шуларни айтиш мумкин”. Тарихий давр руҳиятини бериш мақсадида таржимонларнинг бундай усулдан фойдаланиши, таржимоннинг лексик сўз бойлигининг даражасига боғлиқ. Масалан таржимашунос танқидчилар томонидан Самуел Маршакнинг шеърӣ асарлар руҳияти ва юқори пафосни мукамал етказиб бериш истейдоди юқори баҳолаб келадилар. В.Шекспир сонетларини инглиз тилидан таржима қилиш жараёнида Маршак шекспирона руҳ ва тарихий воқеиликни таржимада акс эттириш мақсадида рус тилидаги Шекспир даври билан ҳам тЭнг даврда қўлланган қадимги славян лексикасидаги уста, чело, властелин, владика, голун каби архаик сўзлардан фойдаланган.

Назорат саволлари

1. Таржима трансформациялари ва уларнинг таржимадаги роли ҳақида гапиринг?
2. Трансформацияларнинг типлари қандай?
3. Грамматик трансформацияларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтинг?
4. Лексик-семантик трансформациялар нима?
5. Комплекс лексик-грамматик трансформациялар қандай амалга ошади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – Энгилмас куч. – Т., 2008.
2. А.Д.Швейсер Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. М., 1988.
- 3.Ф.Саломов Таржима назариясига кириш. Тошкент, 1978.
4. О.Мўминов, Р.Турғунов, А.Рашидова, Д.Алимова. Транслатион – Ёзма таржима – Писменный перевод. Тошкент, 2008.
5. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

4 - маъруза: Бадиий таржиманинг стилистик масалалари

(2 соат)

Режа:

1. Муаллиф услубини таржимада узатиш.
2. Поетик маънони узатишда таржимон маҳорати.
3. Руҳият ва ғояни таржимада тЭнг акс эттириш.
4. Бадиий тасвирни қайта яратиш.
5. Шеърини таржимада оҳангни қайта яратиш: Фонетик эвфониялар.

Таянч сўзлар: *муаллиф услуби, поетик маъно, таржимон маҳорати, фонетик эвфониялар*

Таржимада асарнинг бадиий-эстетик қимматини тўғри акс эттириш учун таржимон муаллиф даврини, ижтимоий, психологик жараёнларни ўрганади. Зеро, таржимон асарнинг тили, лексикаси, грамматик, фонологик ва синтактик ўзига хосликларини билса-ю, асар руҳиятини идрок эта олмаса, адекватликни таъминлаши қийин. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини немис тилига ўгирган ҳамда шоир ҳақида тадқиқотлар олиб борган Алфред Курилла “Таржима назарияси ва амалиёти” номли мақоласида “...Мен айрим сифат, от ва феъллар учун ҳар бир сўзнинг остига бир нечтадан синонимлар ёзиб, “кўп қаватли” йўлма-йўл таржима қилиб беришларини сўрадим. Агар махсус қоғоз бўлганда эди, мен шеърнинг қандай жаранглашини ҳам қоғозга тушириб беришларини сўраган бўлардим. Лекин бошқа бир усулга мурожаат этдим. Мен таниқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом ҳузурига бордим. У менинг ўзбекча аслиятга хос мусиқани, оҳангни ҳис этишим учун икки соат мобайнида мЭнга Алишер Навоий шеърларини ўқиб берди. Бу эса мЭнга мусикавий пардаларни англашимга ёрдам берар эди. Шундан сўнг шоир яшаган даврни ўргандим. Ўша даврга хос расм ва миниатюра йиғдим, шунингдек, бошқа манбаларга ҳам мурожаат этдим. Шу йўл билан аслият руҳига киришга интилдим”[1], - деб таъкидлагани бежиз эмас. Немис таржимонининг зукколиги ва асар руҳиятига кириш мақсадида қўллаган тадбири Шарқ шеърини таржимонлари учун муҳим кўрсатмадир. Машҳур таржимонлар кўлидан чиққан асарлар таржимасини ўқий туриб, оригинал матн яратилган даврни ҳис қиласиз. Таржимоннинг юксак маҳорати ва тинимсиз меҳнати эвазига яратилган оригиналга тЭнг асарни ўқишга мушарраф бўласиз. Шоир Ғафур Ғулом Владимир Маяковскийнинг “Ҳайқирик” асарини ўзбек тилига таржима қиларкан, аввало, рус тилини атрофлича ва чуқур билишга, давр тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қилган бўлса, Шекспирнинг шох трагедияларидан “Отелло” ва “Қирол Лир”ни

билвосита таржима қилар экан, англизларнинг ўша даврдаги ҳаёти, тарихий мавқеи, маданияти ва қисман, тилини билишга ҳаракат қилган. Худди шу гапни машҳур немис шоирлари И.Гёте, Г.Гейненинг шеърлари, франсуз драматурги Мольер асарларини ўзбек тилига таржима қилган шоир ва ёзувчи Ойбек ҳақида ҳам айтиш мумкин[2]. Асар руҳиятининг таржимада адекват берилиши бу жараёндаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Таржимашунослик тарихидан шу нарса маълумки, классик таржиманинг асл жилоси у яратилган даврга оид “пейзаж”ни, яъни тарихий шароитнинг бир бўлагини бугунги кун нигоҳи билан эмас, ўша давр кўзи билан кўра билишдадир. Таржима қилинган асарнинг бадиийлиги эса, ана шу руҳиятнинг нечоғлик аниқ ифода этилганлигига боғлиқ. Бунинг учун таржимон кўлидан келиши мумкин бўлган ҳамма чорани кўриши, ўзлигини унутиб, бутун борлиғи билан асар руҳиятига сингиб кетиши, мумтоз шеърый асарлардаги оҳанг ва маънони таржимага аниқ кўчира олиши керак.

Мутаржим маълум асарни таржима қила туриб, ундаги бош ғояни тушуниб олмас экан, таржима аниқ чиқмайди. Асар ғоясини фаҳмлаш учун тарихий шароит, муаллиф позицияси ва ўша давр руҳияти билан чуқур танишиб чиқиш лозим. Таржимага ўта масъулият билан ёндашган айрим таржимонларнинг асар руҳиятига кириш мақсадида имконият доирасида асар ёзилган давлатга ва айнан воқеа тасвирланаётган ҳудудларга ташриф буюриш ҳолатлари ҳам тарихда кузатилган. Бундай ташаббус аслият билан тЭнглаша олган ўлмас таржималар яратишга хизмат қилган. Буюк шоир ва таржимон В. А Жуковский ҳаётидан машҳур бир нақл бор. У англиз шоири Томас Грейгнинг (1716-1771) “Қишлоқ қабристонига ёзилган марсия”сини таржима қилиш устида ишлаганда ҳеч иши унмаган. 1939 йилнинг май ойида Англиянинг Виндзор қишлоғига, айнан Т. Грейгга илҳом бағишлаган қишлоқ қабристонига боради. В. Жуковский ўша қишлоқда Грейг поемасини қайта кўлга олади ва таржимани бенуқсон амалга оширади.

Асл нусха руҳиятини таржимада бутун борлиғича акс эттириш учун таржимон ўша давр муҳити, яъни асар ёзилган йиллардаги устувор сиёсий-тарихий шароитдан хабардор бўлиши таржима сифатига таъсир қилади. “Фауст”нинг биринчи франсуз таржимони Жан Батист Лемаркан асарнинг “қоронғу” жойларини ёритиб беришни Гётедан сўраган эди. Жуковский “Одиссея”ни немис тилидан таржима қилар экан, грек тили ва адабиёти бўйича мутахассис, профессор Грасгоф маслаҳатига амал қилади. Тадқиқотларда аниқланганидек, ўзбек таржимонлари “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” ни рус тилидан грузин руставелишуноси К.Чичинадзе ёрдамига таянган ҳолда ўгиришган бўлса, адабиётшунос олимлар, А.Қаюмов ва А.Ҳайитметовлар рус таржимони В.Державинга “Садди Искандарий ва

“Ҳайрат ул-аброр” дostonларини рус тилига ўгиришда илмий маслаҳатлар билан кўмаклашдилар. Доктор Ян Коморовский “Алпомиш”ни словак тилига ўгиришда профессор В.М.Жирмунскийнинг кўмаги билан иш кўрди[3].

Маълумки, ўтган асрнинг иккинчи ярмида, совет тузумининг темир конун-қоидалари натижасида ўзбек таржимонлари хорижга эмин-еркин бориб-келиш у ёқда турсин, инглиз тилидаги адабиётларни қўлга киритиш имкониятига деярли эга эмас эдилар. Бунинг устига инглиз тилини биладиган мутахассис-таржимонлар орасида Шекспир даҳосини, унинг тафаккур оламини теран ҳис этадиган шоиртаъб, ўзбек ва инглиз бадиияти, шеър санъати нозикликларини бирдек чуқур тушунадиган инсонлар бармоқ билан санарли даражада кам эди. Бори ҳам бошқа соҳаларда банд бўлган. Аммо Шекспирни ўрганишга, унинг асарларини ўқишга эҳтиёж бўлган шекилли, ўша даврларда “рағбатлантирилган” усул – рус тили орқали таржима қилиш ишлари кЭнг олиб борилган. Бу ишнинг яловбардорлари сифатида таниқли ўзбек шоирларининг майдонга тушганлиги таржималарнинг кЭнг тарқалишида муҳим омил бўлганини тан олмаслик мумкин эмас. Шундай бўлса-да, оҳанг ва бадииятни кучайтиришга берилиб кетиш, айрим ҳолатларда, аслият ғоясининг хиралашиб қолишига сабаб бўлганини таъкидлаш зарур. Масалан, В.Шекспирнинг 18-сонетида умр ўткинчилиги ҳақидаги ғоя мужассам. Шоир ёзга таъриф бера туриб, ёзда очиладиган гуллар ҳақида эмас, балки баҳорнинг сўнгги ойида очилган ғунчалар ҳақида сўз юритади. Май ғунчаларининг тўкилиши, яъни қисқа фурсатда ўтиб кетувчи ёз фаслида очилиб улгурмай, ҳаёт тўфонига бардошсиз хазон бўлиши, умр ўткинчилигига нисбат берилади:

Shall I compare thee to a summer's day?
Thou art more lovely and more temperate:
Rough winds to shake the dawning buds at May,
And summer's lease hath all too short a date:

Надомат чекиш орқали дўстнинг гулдай ёшлиги ана шу ғунчалар каби беҳуда нобуд бўлиши мумкинлигини эслатиш, ёзнинг “қисқалиги” умрнинг тез фурсатда ўтиб кетишига ишора эканлиги асар ғоясини кучайтиради. Маршак ва Юсуф Шомансур таржималарида муаллиф услуби деярли бир хил акс этган. Й.Шомансур аслиятдаги савол оҳангини сақлаб қолган: Ёруғ ёз кунига ўхшармисан ёр? Биринчи мисрада қўйилган саволга иккинчи мисрада жавоб берилади: Сен ундан дилбарсан, рангин, мўтадил. Аслиятдаги будс ат Май – (Май ойида ғунчалар) мисраси русча таржимада «майские свети» (май гуллари) деб, Й.Шомансур таржимасида “май гули” деб берилган. Шайхзода таржимасида эса бу сўз “ёз гуллари” кўринишини олган. Аслиятда конкрет

кўрсатилган “май ғунчаси” ҳар таржимада умумлашиб борган. Бу ҳолга таржима трансформацияларидан “генерализатсия қўлланган” дея баҳо бериш мумкин. Аммо мазкур трансформациядан аслият ғояси учун аҳамиятга молик бўлмаган сўзлар таржимасидагина қўллаш мумкин. Бу табдил усулидан шеъриятда асосан оҳанг ва ритмни ҳосил қилиш мақсадида фойдаланилади. Шайхзода таржимасида “ёз гуллари” бирикмасидаги “ёз” сўзи кейинги мисрадаги “ёзимиз” сўзи билан биргаликда оҳанг жиҳатдан такрор ҳосил қилмоқда. Аввало, бир сўзнинг кейинги мисрадаги такрорланиши сонет қоидасига хилоф. Иккинчидан, Шайхзода таржимасидаги ёзимиз сонет ғоясининг мавхумлашишига сабаб бўлган. Аслиятга эътиборсизлик боиси, асар руҳиятини ҳосил қилувчи шоирона образлар ўзгариб кетган. Очилган гулда бокиралик йўқ. Ғунча эса бокира. Ғунча шеърга бокиралик, ёшлик ва навқиронлик руҳиятини бахш этиб турибди.

Демак, шеърий таржимада асар руҳиятини меъёрда сақлаш, таржиманинг аслиятга адекватлигини таъминлайди. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, таржима жараёнида, кўп ҳолларда ғоя ва маъно бой берилиши мумкин. Аслиятдаги ғоя ва маънонинг бузилиши, таржимадаги руҳиятнинг пасайишига олиб келади. Асар ғоясини аниқ ифодалаш учун фақатгина умумий мазмунга урғу бермасдан, мантиқ билан ҳам ҳисоблашиш зарур. Бу аслият руҳиятини таржимада аниқ акс эттиришнинг самарали ечимидир. Шунингдек, аслият руҳияти ва ғоясини таржимада акс эттириш мақсадида таржима тарихида қўлланган ибратли тадбирлар борки, билвосита таржимага жазм этган таржимон учун дастуруламал вазифасини бажариши мумкин.

Гап таржимада маъно ва мазмунни адекват ифодалаш муаммоси устида борар экан, уни очишга хизмат қиладиган бадий тасвир воситалари, тил хусусиятлари ва миллий ментал тафаккур нозикликларига тўхталмасликнинг иложи йўқ.

В.Шекспирнинг 81-сонетида lie феъли сонетда кўчма маънода қўлланган бўлиб, ўзининг луғавий маъноси бўлган ётмоқ, ёйилмоқ каби тушунчаларни эмас, балки in mens eas (инсонларнинг кўзида) бирикмаси билан – инсонларнинг кўзида сақланасан деган маънони англатади. Шекспир бу иборани қўллар экан, дўстнинг эзгу ишлари, унинг жамоли ва хулқи кишилар ko‘zida butun umr o‘chmas хотирага aylanib, saqlanishini nazarda tutadi:

Your name from hence immortal life shall have,
Though I, once gone, to all the world must die:
The earth can yield me but a common grave,

When you entombed in men’s eyes shall lie.

Маршак ушбу иборани таржима қилишда ўзига хос услуб билан шеър маъносини таъминлаган. Аслиятдаги *in mens shall live*, яъни инсонларнинг кўзида яшайсан жумласидаги маънони тўғри англаган ҳолда *A твой приют – открытая гробница* тарзида рус тилига таржима қилади. Шоир айтмоқчи бўлган “мен қабрда унутилиб кетаман, сен эса (вафотингдан сўнг) кишилар кўзида, хотирасида яшайсан” фикрни ўз тилида тушунарли ифода эта олган. Гарчи ҳарфий адекватлик бузилса-да, руҳ ва маъно адекватлигига эришилган. Зеро, рус тилига бу иборани сўзма-сўз – ти будеш лежат в глазах людей деб таржима қилганда бадиият сийқалашган бўлар эди. Й.Шомансур шу мисрани (*A твой приют – открытая гробница*) Сенинг манзилгоҳинг очик мақбара деб таржима қилади. Бу жумла ўзбек тилида ҳеч қандай маъно бермайди. Аслиятдаги “инсонлар кўзида яшайсан мангу” сўзларининг айнан ўзини таржима қилиш кифоя бўлар эди, аммо воситачи тил туфайли асл матн маъносига путур етган. Шунингдек, аслиятдаги граве (қабр) сўзи рус тилига кладбише, ўзбек тилига рус тилидан –лаҳад деб таржима қилинган. Биринчидан, лаҳад сўзи аслиятда йўқ ва бу сўзни европа шеърляти учун кладбише сўзига анолог сифатида қўллаб бўлмайди, сабаби лаҳад исломга хос тушунча. Албатта таржимада прагматика яъни рецепторнинг ахборотни қабул қилиш даражаси асосий ўринда туради. Аммо таржима тилида аслиятга хос бўлмаган, фақатгина таржима тили миллатига мансуб реалиялар ёки миллий колоритдаги сўзлар иштироқи яна ўша рецептор онгида тушунмовчиликни келтириб чиқариши мумкин. Таржимон русча таржимадаги кладбише сўзига нейтрал эмотсионал бўлган қабримда, мозоримда каби эквивалентлардан бирини танласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар таржимоннинг аслиятдан хабари бўлганда, сонет таржимасида миллий колоритдаги сўзларнинг қўлланиши камроқ кузатилган бўларди. Шекспирнинг дўстга бағишланган туркум сонетлари таржимасида ҳам маъно бузилиши мавжуд

Бадиий таржимада энг кўп учрайтиган ички лингвистик муаммо бу когнитив – диссонансдир. Когнитив диссонанс – мусиқий номуқобиллик деб таржима қилинади. Аммо когнитив диссонанс фақатгина таржимада оҳангнинг бузилиши натижасида ҳосил бўлмайди. Когнитив диссонанснинг кўплаб турлари ва даражалари мавжуд. Когнитив диссонансни асосан аслиятдаги ахборотни таржима қилиш жараёнида юзага келадиган чекловлар ҳосил қилади. Биз юқорида таржима прагматикаси, миллий менталитетга оид сўзлар, стилистик характердаги тасвирий ифодаларни таржима қилиш жараёнида учрайдиган муаммоларни кузатдик ва қиёсий таҳлил қилдик. Юқоридаги муаммоларни имкон қадар бартараф қилиш когнитив диссонанс даражасини пасайтиради. Диссонанс ҳосил қилувчи асосий фактор бу индивит учун аҳамияти катта бўлган когнитив диссонансни юзага келтирган

элементларнинг(яъни аслиятдаги тасвир, оҳанг, стилистик бўёқлар) таржимада кам учраши бўлиб, бу АТ ва ТТ орасидаги диссонанс даражасини оширади.

Шеърый таржимада когнитив диссонансни бартараф этиш учун шеърятда кЭнг қўлланувчи фонетик эвфонияларни таржимада қайта яратиш яхши самара беради. Матн мазмуни, ғоясини ифода қилишда маълум товушлар тингловчи руҳиятига таъсир қилиб, баъзан ғам-ғуссани хис қилишга мажбур этса, баъзан уларда қувноқ кайфиятни уйғотиши мумкин. Фонетик услубий воситалар сирасига фонетик Аллитерация , ассонанс, ономатапия каби услублар кирадики, шеърятда шоир лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини бу усуллар орқали китобхонга етказишга ҳаракат қилади.

Аллитерация – ундош товушларнинг такрори. Шеърятда аллитерация шиддаткор, тезкор руҳий ҳолатни ифодалаш учун қўлланади. Бу усулда руҳиятни бериш мақсадида бир неча товушлар танлаб олиниб улар иштирокидаги сўзлар шеърда кўп қўлланиши мумкин. Олима Д.Султонова Брауннинг “The Piper of Hamelin” поэмасидан парчасида аллитерациянинг берилишини қуйидагича таҳлил қилади: Бу парчада каламушларнинг шаҳарни шоша-пиша тарк этишлари тасвирланган/

And the muttering grew to a grumbling
And the grumbling grew to a mighty rumbling,
And out of the house the rats came tumbling,
Great rats, small rats, lean rats, brown rats,
Brown rats, black rats, gray rats, tawny rats ...

(Browning)

Олдинги уч мисрада [гр], [бр] ва титровчи товуш, сонор товуш [р] нинг такрорланиб келиши шовқин – суронни ифода этишда хизмат қилган. Тўртинчи ва бешинчи мисраларда “ратс” сўзининг 9 марта такрорланиши, каламушларнинг саросимада қолишганларини ифодалайди[4].

Таниқли ўзбек шоири эркин Воҳидов қаламига мансуб:

Қийиқ қошинг, қалам қошинг,
Қийиқ қайрилма қошинг қиз
Қилур қатлимға қасд қайраб
Қаро қошли қарошинг қиз.

Шоир яратган ритм [к] товушининг такрори асосида яратилган бўлиб лирик қаҳрамоннинг кечинмаси, яъни қизга нисбатан гинаси ушбу тўртликда чиройли ифодалаб берилган. Аллитерация қўлланган шеърый парчаларни

инглиз тилига таржима қилиш жараёнида бу усул(аллитерация)ни таржимада берилиши биров мураккаб жараён. Чунки аслиятдаги танланган маълум жарангли ундошлар таржимада жарангсиз ундошларга айланиб қолиши мумкин. Баъзида таржимонлар аллитерация усули қўлланган шеърни таржимада бошқа шеърини усулда ўгириб шеър руҳиятини бузиб юборишлари мумкин. Масалан, рус таржимони ва шоираси Р.Казакова томонидан ўзбек шоири Шукрулло қаламига мансуб шеърлар таржимасида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Шукруллонинг куйидаги тўртлигига назар ташласак:

Сен қилганни ҳар ким қилар, кибрланиб нетасан!
Халқ мақтаса хизматингни, мурудинга етасан.

Ўз-ўзинга етмоқ бўлиб кўкка қанча сакрасанг,
Фақатгина ерни ўйиб, шунча тубан кетасан.

Р.Казакова эса буни куйидагича таржима қилади:

Похвала, похвала, похвала...
Закружила, как лист, – ветер осени.
Позвала, за собой повела,
Поводила лиш за нос и бросила!

Очиқ кўриниб турибдики, таржима шеърдаги руҳият ва ғоя Шукруллоникидан анча узок. Тўртликда камтаринликка даъват, беминнат хизмат улуғланмоқда. Таржимада эса хушомадга таъриф берилмоқда. Ўзбек шоири тўртлигидаги Шарқона насихат руҳи сўниб, фалсафий мушоҳада кўринишини олган. Шеър муаллифи аллитерациядан фойдаланган бўлса, таржимон аслиятда учрамайдиган анафора (бир жумланинг икки-уч марта такрорланиши)усулидан фойдаланиб, аслият ритми ва руҳиятини бузиб юборган. Натижада эса когнитив диссонанс юзага келган. Онда-сонда учрайдиган ана шундай ҳодисалар таржимон масъулияти тўғрисида жиддийроқ фикр юритишга ундайди. Таржимон аслият ғояси ва мазмунини теран таҳлил қилиб, асар руҳиятини таржимада бериш йўллари излаши лозим. Шоир овози ҳамда услубини сақлаш уни юзага чиқарувчи асосий омилдир. Базида эса таржимонлар АТдаги шиддаткор руҳиятни таржимада акс эттириш учун аслият матнида учрамайдиган Аллитерация дан фойдаланадилар. Аммо баъзида хушоҳанглик яратилиши эвазига маъно ва мантиққа зарар етиши ҳам мумкин. Масалан Й.Шомансур Шекспирнинг 19-сонетини таржима қилар экан, унинг вақт бешафқатлигидан норозилик ва унга нисбатан исённи ўзида жамлаган шиддаткор руҳда ёзилганлигини чуқур

англайди ва ана шу руҳиятни таржимага кўчириш мақсадида қ товушига урғу бериб, уни кучайтиришга ҳаракат қилади ва имкон қадар қ ҳарфи билан бошланадиган сўзлар тизмасини шакллантиради:

Шернинг панжасини қирқ, майли, замон,
Суғур қоплонларнинг қозик тишини.

Мавжудотларни кул қил майли қил тўзон,
Ўз қонида ёндир қакнус қушини.

Бу таржима ҳақида Барот Бойқобилов шундай дейди: “Таржимон маҳорати шундаки, ҳеч ким ушбу сонетни рус тилидан қилинган таржима деб ўйламайди, балки ўзбек тилида ёзилган сонет сифатида қабул қилади.... Чунки таржимон сонетнинг асл моҳиятини чуқур идрок этган ҳолда унинг бутун руҳиятини сақлаб қолади ва шекспирона куйлайди...[5]. Таржимон Қирқ, қоплон, қозик, қил, қонида, қакнус, қуши каби сўзлар орқали вақт билан мардонавор жангга шайланган лирик қаҳрамон руҳиятини таржимада қайта тиклайди.

Й.Шомансур 19-сонетни русчадан ўгирган. Гарчи таржима аслиятга руҳият жиҳатидан мувофиқ бўлса-да, уни бутунлай адекват деб бўлмайди. Таржимада руҳият ва маъно уйғунлигини бирдек ушлаб туришнинг иложи бўлмаган. Бунга унинг аслият тилини билмаслиги ва русча таржимага асослангани сабаб бўлган бўлиши мумкин. Русча таржима муаллифи С.Маршак Девоуринг Time, blunt thou the lions paws мисрасини Ти притупи, о время, когти лва тарзида ўгирган. Й. Шомансур Шернинг панжасини қирқ, майли, замон, деб таржима қилади. Бир қарашда шернинг панжасини ”қирқиш” ва “ўтмаслаштириш” ўртасида катта тафовут йўқ. Аммо вақт ғилдираги айланаверар экан, бир кун келиб у ваҳший шернинг панжаларини қирқмайди, балки тирноқларни ўтмаслаштиради, мустаҳкам тишларини тўқади ва ёшлигидаги шафқатсизлик аста-секин сўниб боради деган мантикий мулоҳазани ҳисобга олиш лозим. Мисрада ўтмаслаштир сўзи ўрнига қирқ қўлланган. Руҳият ва оҳанг яратиш мақсадида ғоя ва маъно бой берилган. Албатта, ўзбек тилидаги таржимага ўтмаслаштир сўзини киритиш, шубҳасиз оҳанг ва руҳиятга путур етказган бўлар эди. Агар таржимон аслият матни билан иш кўрганда эди, бу сўзни вазилавий эквиваленти билан алмаштириб руҳ ва маъно уйғунлигига эришган бўлар эди. Мазкур сонетни аслиятдан таржима қилган Жамол Камол айнан шундай йўл тутган (Шернинг тирноғини синдир, эй замон!). Жамол Камол шеърдаги жарангдор оҳанг ва исёнкор руҳни сақлаб қолиш мақсадида аслиятдаги ўтмаслаштир сўзини синдир сўзига алмаштиради. Мазмунни йўқотмаслик учун эса панжа сўзини тирноқ сўзи

билан ўзгартиради. Натижада аслият мазмуни ва руҳияти тЭнг равишда таржимада ўз аксини топган. Аллитерация инглиз адабиётида асосан мақолларда, асарларнинг номланишида кўплаб учрайди: Sense and sensebility (Ж.Аустин), Pride and Prejudise (Ж. Аустин) The school Scandal (Шеридан).

Ассонанс – унли товушларнинг такрорланиши. Айнан бир хил ёки оҳангдош унли товушларнинг муайян мисра, банд, шеър давомида тез -тез такрорланиши “ассонанс” дейилади[6]

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур
Не ажабким сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур,

Деса бўлғайким яна ўн саккиз йил ҳусни бор
Ўн саккиз ёшинда шунча фитнаким бошиндадур.

Бу ғазалда ў, и, о унли товушлари кетма-кет такрорланиб келиб ғазалнинг жарангдорлиги ва такрорланмас оҳангини яратган.

Ассонансда фақат бир унлининг такрори ҳам кузатилиши мумкин:
Олти ойга олма отар Ойбодом
Ойботарда йиғлаб ётар Ойбодом
Ойқизларнинг ойпариси Ойбодом..(Е.Шукур)[7]

Инглиз шеърлятида баъзида аллитерация ва ассонанс биргаликда қўлланиши мумкин. Масалан, қуйидаги тез айтишда [п] ундоши, [и] ва [е] товушлари такрори кузатилади:

Peter Piper pickled a peak of pickled pepper
A peak of picled pepper Peter Piper picked.

If Peter Piper pickled a peak of pickled pepper
Where is a peck of pickled pepper Piter Piper picked?

Бу тез айтишда [п] товуши 35марта, [и]29 марта, [е]14 марта такрорланган. Мазкур товушларнинг такрорланиши тез айтишда қувнок хушоҳанглик кайфиятини уйғотади.

Ономатапия – товушга тақлид қилиш. Шеърый ва насрий асарларда маълум товушларга тақлид сифатида баъзи товушлар бирикмалари қўлланади. Масалан: динг-донг, пинг-понг, чукоо ва ҳк.з каби.

Here the sledges with the bells, silver bells,
What a world of merriment their melody foretells,
How they tinkle, tinkle, tinkle
In the icy air night...

Назорат саволлари:

1. Муаллиф услуби таржимада қандай берилади?
2. Поетик маънони узатишда таржимон маҳоратининг ўрни қандай?
3. Рухият ва ғояни таржимада тўнг акс эттириш учун нималарга эътибор бериш керак?
5. Шеърин таржимада оҳангни қайта яратиш қандай амалга ошади?
6. Фонетик эвфониялар нима?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Ш. Диллардан дилларга. – Тошкент, 1980. – Б. 128-129.
2. Саидов С. Давр тақозоси / Таржима санъати. 3-китоб. Тўпловчи Т.Жўраев. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 203-204.
3. Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 18.
4. Султонова Д. Шеър ва таржима. – С.: СамДЧИ, 2009. – Б.25
5. Бойқобилов Б. Сонет мулкига саёҳат // В.Шекспир. Сонетлар / Русчадан Ю.Шомансур таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 181.
6. Худойбердиев Э. “Адабиётшуносликка кириш” Т. , Ўқитувчи . 1995. 180- бет.
7. Д.Қурбонов, З.Мамажонов, А Шералиева. Адабиётшунослик терминлари луғати. Т., Фан.2010 – Б. 39.

5-маъруза: Ўзбек мумтоз шеърининг бадий таржима қилиш муаммоси (2 соат)

Режа:

1. Таржимада оҳангни беришнинг аҳамияти.
2. Шарқона арузий оҳанг ва силлабо-тоник системаси.
3. Қофиянинг таржимада берилиши.
4. Таржимада аслиятдаги шеъринг вазни қайта яратиш зарурияти.
5. Шарқона шеъринг санъатлар ва уларни инглизча таржималарда бериш муаммоси.

6. Фалсафий мазмундаги образли ифодаларни бадий таржима қилиш.

Таянч тушунчалар: *аруз, силлабо, тоник, қофия*

Ўзбек мумтоз шеърятининг дурдоналари бўлмиш Алишер Навоий ғазалиёти Ғарбу Шарқни бирдек мафтун этиш даражасида гўзал. Ана шу бойликни бор ранглари билан кЭнг хориж аудиториясига тақдим этиш таржимонларимиз олдига муайян вазифалар қўяди. Ўзбек классик назми ўзининг бадий бутунлиги, мусиқий оҳанги ва кЭнг фалсафий қамрови билан Ғарб китобхонларида ҳамон жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Аммо шу пайтгача Навоий шеърятидан инглиз тилига қилинган таржималар саноклидир. Бу йўналишдаги илк тажриба сифатида 1958 йили Москвада нашр этилган “Uzbek poetry” номли таржималар тўпламига киритилган В. Левлева ва Д.Роттенберг ишларини кўрсатиш мумкин. Унда Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан Фарҳод ва Хусрав диалоги ва ҳикматли сўзларидан ташқари учта ғазал таржимаси киритилган. Кам бўлишига қарамай, шуларнинг ўзиёқ таржима савияси ҳақида умумий хулоса қилишга асос бўлади.

Алишер Навоий ғазали В.Левлева таржимасида:

With the fever of parting my hand is so burning I fear,
That my healer’s kind fingers it may inadvertently sear.

Songs of love are no fountain, but destiny’s hopeless lament.
Do you hear how it weeps, how it whispers of grief in my ear?

May the torrent of tears wash my eyes away in their course,
Nights of sorrow are dark, and the sun to my sight is a sneer.

Glowing sights take their flight to the darkened and velvety skies,
Lightening star after star in dome of the heavenly sphere.

“Bear your burden in silence!” you tell me. I know it –alaas!
Can a reed stay unbroken with a mountain to carry and steer?

Do not trust this abode. Many wanderers did it attract,
But they left it again, disillusioned and saddened I hear.

Navoi sends his message, but vainly awaits a reply
From his cruel tormentor he holds so so eternally dear

(Сўзма-сўз таржимаси:

“Хайрлашув видолашув иссиғидан қўлим куйиб кетди деб кўрқаман.
Бу менинг табибимнинг мЭнга бўйсунмас бармоқларининг олови,

Севги куйида маъно йўқ лекин қисматим умидсиз қайғули.

Эшита оласанми у қандай кўз ёш тўқмоқда, қандай қилиб у қулоғимга
қайғудан шивирламоқда.

Дарё кўз ёшлар менинг кўзларимни ювиши мумкин
Қайғу тунлари қора ва мен томондаги қуёш масхараомуз (яъни нур сочмайди)

Ёрқин кўринишлар қора ва қуюн осмон томонга ўзгарди
Осмон гумбазида юлдуз кетидан юлдуз нур сочади

“Бу ғамингни сукунатга яшир!” дегандинг мЭнга. Ох, мен буни биламан.
Қамишли том, устида тоғдек юк билан ўз маромида тура оладими?

Бундай кулбага ишонма, у кўп сайёҳларни ўзига жалб қилган.
Лекин улар уни яна ихлослари қайтиб, ғамга ботиб ташлаб кетганлар.

Навоий нома жўнатди, лекин бефойда умидворлик билан жавоб кутади
У умрбод севувчи жафокаш бағритошдан.”)

Ғазал байтларидаги ўзаро қофиядошлик ва оҳанг мутаржимларнинг шеър аслиятига хос жарангдан бохабар бўлганлигидан далолат беради. Аммо таржималарда радифли жумлаларнинг йўқлиги ва ғазаллар сарлавҳаси ёхуд қайси девондан олинганлиги кўрсатилмаганлиги сабабли бизда мазкур таржималарни аслият билан қиёслаш имконияти йўқ. Мазкур ғазал таржимасида Шарқона оҳангни берувчи куйидагича қофияланишни кузатиш мумкин:

А-а; б-а; в-а; г-а; д-а; е-а; ж-а.

Ушбу таржиманинг инглиз тилидаги жаранги Навоийга хос оҳангга эга ва бу ишда таржимоннинг машаққатлари сезилиб турибди, чунки инглиз тилида қофияси ўз ўрнига қўйилган. Аммо ғазал аслиятини кўрмай туриб, уни сўзма-

сўз таржима қилганда, ғазал дунёвий ишқ ҳақида эканлиги маълум бўлди. Навоий ғазалларида учровчи суфиёна қарашлар мазкур таржимани четлаб ўтган. Албатта, мураккаб фалсафий характерга эга Навоий ғазалларини инглиз тилига яхлит таржима қилиш мушкул. Ишнинг зоҳирий томондан гўзал чиқиши ҳам ғазалларни инглиз тилига таржима қилишдаги илк кичик муваффақият деган эътирофга лойиқ.

2009 йилда Германиянинг Фрае университети туркологлари ташкил этган симпозиумда Берлин, Франкфурт, Халле, Лайпсиг, Лондон, Майнс, Вена шаҳарларидан ташриф буюрган шарқшунос олимлар маърузалар ўқишди. Маърузалар асосида ташкил этилган “Mir Alisir Nawai” номли тўпламга тўққизта мақола киритилган[1]. Унда Б.К.Ҳайнкле, Й.Паул, К.Шўнинг, Э.Таубе, К.Рўмер, М.Кирхнер, З.Клайнмихел, Й.Гирлихес, Ҳамид Исмоиловларнинг мақолалари билан танишиш мумкин. Тўпламдаги энг йирик мақолалардан бири З.Клайнмихелнинг “Навоий-бенаво” номли мақоласи бўлиб, унда тадқиқотчи Навоий ижоди, кундалик турмуши, Навоийнинг таҳаллуси, ғазал ёзиш қонуниятлари, шарқона ғазал оҳанги каби муаммоларни еттига фаслга бўлиб ўрганади. Гарчи Навоий ғазалиёти немис, франсуз тилларида бир қадар ўрганилган бўлса-да, инглиз тили бу борада бироз орқада.

Шарқ нашриётида 2000 йил чоп этилган “Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар” номли тўплам Навоий шеърятини хорижий ўлкаларга тарғибот қилишда навбатдаги қутлуғ қадам бўлди. Унда Навоий ижоди намуналари аслиятда ҳамда инглиз ва немис тиллардаги таржималарида берилган. Шоир ғазаллари инглизчага таржимонлар Л.Кметюк ва Қ.Маъмуровлар томонидан ўгирилган. Ушбу тўплам Навоий шеърятини таржима қилиш ишларидаги жиддий ҳаракатнинг дебочаси сифатида эътироф этилишга лойиқ. Ҳеч шубҳасиз, келажакда амалга ошириладиган таржималар ушбу тажрибага суянади. Шунинг учун ҳам бу таржималар таҳлили бўлғуси таржималарнинг сифатли чиқишига доир тавсиялар ишлаб чиқишимизда ягона манба сифатида муҳимдир. Маълумки, Навоий лирикасининг жозибаси шеърый матнда бадий санъатларнинг устакорлик билан ишлатилгани, шоир тасвирлаётган объект олами нечоғли муваффақиятли очиб берилганлигига боғлиқ. Бадий санъатлар ўқувчида шеърый матндан муайян эстетик завқ олишга замин яратади. Таржима адабиётлари таҳлили, хусусан, Алишер Навоий ғазалиёти таржималари устида олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Шарқ бадий санъатларини инглиз тилида қайта яратиш муаммоси шу давргача мутлақо ўрганилмаганлиги туфайли жиддий таҳлилга муҳтож ва таржимачилик соҳаси олдидаги ҳал қилиниши лозим долзарб масаладир. Тўпламдан ўрин олган “Қизил, сориғ, яшил” радифли ғазал

матлаъси куйидагича:

When my beauty decks herself in red, yellow and green
My sighs go flying like sparks of red, yellow and green

(Сўзма-сўз таржимаси: “Қачонки менинг гўзалим ўзини қизил, сариқ яшилга безаса, нафасим ҳам қизил, сариқ, яшил рангли учкунлар каби учади”)

Ушбу мисралар Навоийнинг :

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил[2]. байтининг таржимасидир.
“Қачонки менинг гўзалим ўзини қизил, сариқ, яшил билан безаса, менинг оҳим ҳам қизил, сариқ, яшил учкунлар каби учишни бошлайди” – деб сўзма-сўз таржима этиладиган байтда аслиятдаги бадий тасвир аниқ узатилган. Аммо Ғарб китобхонига байтдан завқланиш учун яна нимадир етишмайди. Назаримизда, бу – Навоий маҳоратидан таъсирланиш ҳисси йўқ. У байт замиридаги кучли дардни идрок эта олмайди. Навоий байтларида кўплаб санъатлар қоришиқ келади. Уларни шарҳлаб кетиш Навоий маҳорати, буюклигининг тарғиботи сифатида жуда долзарбдир. Юқоридаги байтга изоҳ сифатида бир неча санъатларнинг ишлатилганлиги кўрсатиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлган бўларди. Навоий айтмоқчи, унинг маҳбубаси қизил, сариқ, яшил рангли либосда кўринса, бундан ишқи ўртанган ошиқнинг охи қизил, сариқ ва яшил тусда осмонга бўралаб кўтарилади. Шоир охи мисоли гулхандан кўтарилаётган шуъладек. Маълумингизким, гулхан шуъласи турли рангларда жилоланади. Бу ерда шоир қалб оташининг шундай кучли эканлигини ифодамоқдаки, ундан кўтарилган оҳ-фиғон бамисоли гулхан устида товланаётган шуълага мЭнгзалади. Бу ташбиҳ санъатидир.

Шоир бўғзидан нафаснинг оловланиб чиқиши шу даражада ғайритабiiйки, тасаввурга сиғмайди. Бу муболаға - “ғулув” санъатига мисолдир. Шу билан бирга, шоирнинг фикрини аниқ-равшан ҳис этиш имконини беради. Шундай экан, Навоий ғазали таржимаси ёнида муайян изоҳлар берилса, шоирнинг маҳорати, ғазал ғояси ўқувчига равшан бўлади. Изоҳлар устида ишлаш таржимон учун ўз хатоларини кўриш имконияти ҳамдир. Буни куйидаги мисол воситасида кўрсатиш мумкин:

I have cultivated the desert of love so the hot breath of my sighs
Has turned the barrenness into a flowering red, yellow and green.

2-байт:

(Сўзма-сўз таржимаси: “Мен ишқ саҳросини ободонлаштирдим, шундай экан, менинг қайноқ нафасимдан, яланғочлик (яъни чўл) гуллаб яшнаётган қизил, сариқ, яшилга айланди.”)

Ушбу байтнинг аслияти қуйидагича:

Гулшан этдим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил сориф, яшил.

Бу байтда ҳам ғулув ишлатилмоқда. Инглизча таржимада “Мен ишқ саҳросига ишлов бердим, шундай экан, менинг қайноқ нафасимдан яланглик гуллаб яшнаётган қизил, сариқ, яшилликка айланади” дейилиши ўқувчида Навоий байтини тескари тушунишга хизмат қилади. Аслида Навоий “Менинг оҳим шу даражада кучлики, у гармсел мисолидир. Саҳрода гармсел шундай чанг-тўзон кўтарадики, унинг гирдобида қолган одам улкан чанг оқимининг куёш шуълалари таъсирида турли рангларда жилоланишини кўради, гўё бутун саҳро назарида турли ранглар билан қоплангандек туюлади”, – демоқчи бўлади. Бу ўхшатиш Навоийнинг юксак бадий маҳоратига далилдир. Бундан ташқари, Навоий байтлари мақтаъдан олдин келувчи шоҳбайтгача изчил ривожланиб боради. Таржимада ана шу изчиллик кўзга ташланмайди. Биринчи байтдаги оҳ билан иккинчи байтдаги гармселнинг боғлиқлик даражаси ифодаси, ҳис-ҳаяжоннинг яна бир пардага кўтарилганлиги сезилмай қолган. Таржимада байт маъноси сийқалаштирилиб: “Саҳрога ишлов бериб, уни гуллаб-яшнаган воҳага айлантирилгани” баён этилган. Самум, яъни гармсел образи бутунлай таржимада тушиб қолган. Байтда ишлатилган “ғулув” санъати “таблиғ” санъатига айланиб қолган. Таблиғ эса муболағанинг энг қуйи, заиф даражаси бўлиб, ишонса бўладиган туридир. Ошиқнинг саҳрога ишлов беришини ва уни гулзорга айлантиришини тасаввур қилиш мумкин, гарчи у ишқ саҳросини назарда тутган бўлса ҳам. Бундан шундай хулоса қилса бўладики, таржимон мумтоз бадиият сирлари, Шарқ бадий санъатлари борасида тегишли маълумотга эга бўлиши лозим.

3-байт:

When I recall your grace, the mirror of your soul reflects

As from the strained glass mosaic of my window the colors red, yellow and green...

(Сўзма-сўз таржимаси: “Қачонки сени ёдга олсам, қалбинг кўзгусида акс

пайдо бўладиким, деразамнинг ойнасида таранг тортилган мозаикага ўхшаб қизил, сариқ, яшил...”)

Навоий байти оригиналда қуйидагича янграйди:

Шишадек кўнглимдадир гулзори хуснинг ёдидан,
Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сориг, яшил.

Байт мазмунидан англашилишича, ошиқ маъшуқасининг беқиёс гўзаллигига шунчалар мафтунки, уни эслаганда тобадон, яъни ўрта асрларда Шарқ ўлкаларида дераза ўрнини ўтаган туйнук шишасидан қоронғу уйга тушаётган қуёш нурлари турли рангларда жилолангани мисол қалбига оқиб кираётган хусн тасаввури ранг-баранг рангларда товланади. Шиша ва тобадон, кўнгил ва тобадон акси зоҳир бўлган макон, гулзор ва алвон - ранг-баранглик, хусн ва қизил, сариғ, яшил ранглар бир-бирига мутаносиб равишда “ташбиҳи малфуф” санъатини намоён этади.

Таржимадан қуйидагича маъно англашилади: “Қачонки мен сенинг хуснингни ёдга олсам, сенинг руҳинг акси кўринар, худди деразанинг рангли ойналаридан тушаётган қизил, сариқ ва яшил ранглар акси каби”.

Таржимон байтнинг маъносини ўз тилида тушунарли етказиб бериш мақсадида муносиб ифода шаклини танлаган. Нур ранг-баранглигини янада аниқ чизиб бериш мақсадида ғарбликлар архитектурасида маълум бўлган “мозаикали дераза”дан фойдаланади. Таржимоннинг ижодий ёндашувини маъқуллаш мумкиндир. У ҳолда байт мазмунига путур етказмасдан “кўнгил шишаси ва тобадон” мутаносиблиги адекватлигини таъминлаш ҳақида ўйлаб кўриш керак эди. Ўшанда шарқона ташбиҳ санъати инглиз тилида қайта яратилган бўлар эди.

4-bayt:

The very thought of your face, of the dark shadow above the lip,
Makes the world sparkle a bright red, yellow and green.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Юзинг ҳақида кучли ҳаёлнинг ўзи – бу лабинг тепасидаги қора соя бўлиб, бутун дунёни қизил сариқ ва яшил нурга тўлдиради.”)

Аслият :

Оразу холинг била хаттинг хаёлидан эрур,
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.

Ёр гўзаллиги ва ошиқ беҳаловатлиги васфи шу байт билан ниҳоясига етади. Таржима маъно ва рухият жиҳатидан аниқ адекватлик касб этган. Байтда тилга олинган Шарқ гўзали васфининг асосий компонентлардан бири - “хат”, яъни ёр лаби устидаги “чизик” (нозик қора мўй) ни дарк шадow сояга қиёслаб таржимон ўз тилида муносиб бадий муқобил топа олган. Байтда тилга олинган Шарқ гўзали васфининг асосий компонентлардан бири - “хол”, образи таржимада тушиб қолган. Бунинг сабаби таржимоннинг ушбу нозик тасвир объектга аҳамият бермаганида ёхуд уни инглиз тилида қайта яратиш муаммо бўлганида бўлиши мумкин. 4-байтда Навоий конкрет инсоний белгиларда заминий гўзал суратини чизади. Бундан ғазал фақат зоҳирий ишқ тавсифига бағишланган деб ўйлаш юзакилик бўлади. Кейинги байтларда зоҳирий маъно билан бирга ботиний, яъни тасаввуфий талқинга имконият яратилади:

5-байт:

Pour red wine into a golden goblet in Spring,
For where else are combined in such a harmony the colours red, yellow and green.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Баҳор фаслида оч қизил рангдаги вино олтин қадаҳда яна қаерда қизил, сарик, яшил рангларнинг бу қадар уйғунлашгани бўлиши мумкин.”)

Аслият:

Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Турфа шуълалар ила лим тўла кўнгилнинг муроди эса ваҳдат майи. Киши ҳали ёш (сабза) экан, олтин (асл) жомда лаългун май – ҳақиқий ишқ ва эътиқод шаробини ичса, не хуш? Борлиқ турфа хиллиги, сир-синоатига ошно бўлишнинг бундан яхшироқ имкони бўлурми?

Аслиятдаги сабзада сўзи, таржимада in spring, яъни баҳорда деб ўгирилган. Албатта, сабза сўзининг кўплаб маънолари мавжуд, у “яшиллик”, “баҳор”, “яшариш” маъноларини ҳам беради, аммо ғазалда ёшлик назарда тутилган. Бу сўз in spring тарзида келтирилганда инглиз ўқувчиси ундан мурод ёшлик эканлигини англаши учун изоҳ лозим бўлади.

The poor can hardly afford clothing even of a single shade,
Still they can easily sew into their robes stripes of red, yellow and green.

Сўзма-сўз таржимаси: “Камбағаллар ёлғиз ўзларинигина кийим билан

зўрға таъминлайдилар, шунинг учун улар ҳирқа, яъни чакмонларига қизил, сариқ ва яшил ямоқларни осонлик билан тикадилар.”)

Аслиятда “муқобала”, яъни қаршилангириш санъати қўлланган бўлиб, бу санъат бир-бирига зид тушунчалар орқали муайян ғояни таъкидлаш, таъсирчан ифодалаш мақсадида ишлатилади. Таржимон “фақр”даги “беранглик” ва ҳирқадаги “ранг-баранглик” тушунчалари орқали ишлатилган “муқобала” санъатига эътибор бермагани учун байт маъносини жўнлаштириб юборган. Натижада, таржимада навоиёна чуқур фалсафий ҳикматга эга шохбайт оддий мулоҳазага ва маъносиз мисраларга айланиб қолган. Фақр (фақирлик) сўфийлик мартабасидаги бир мақомдир. Абдурахмон Жомий фақрни икки турга бўлади: расмий ва ҳақиқий. Расмий фақр деб мол-дунёга эга бўлмаслик ва фақир яшашликка айтилади. Ҳақиқий фақр эса ҳар қанча давлати бўлса ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам мол-дунёга берилмаслик ва ниҳоятда оддий яшашга айтилади. Баъзи шайхлар халқни Ҳақ йўлига эргаштириш учун фақир суратида тарғибот ишларини олиб борганлар. Улар бой бўлсалар ҳам дунё хою ҳавасларига лоқайд қараганлар (беранглик шунга ишора). Инсон нафс исканжасидан халос бўлар экан, Илоҳий моҳиятни чуқурроқ идрок эта бошлайди. Зоҳирдаги фақр аломати бўлмиш турли ямоқли либос ботинан фақирга айланганлик далолати эмас, дейди Навоий. Бу ўринда таржимон “фақр” сўзини “поор” деб эмас “фақир” деб берса бўларди. Инглиз тилига дастлаб транслитерация қилиб келинган бу Шарқ реалияси эндиликда инглизча изоҳли луғатларда – “фақир – Мослем ҳолӣ беггар[3]”(қаландар ёки дарвеш маъносидаги мусулмон муқаддас тиланчиси) тарзида учрамоқда. Демак, фақир сўзининг лексик маъноси инглиз китобхонига таниш. Таржимада фақр сўзининг тасаввуфий маъноси ва байтдаги мазмуни, яъни Навоий ҳақиқий фақир бўлиб яшаш мушкул эканлиги, аммо чакмондаги ранг-баранг ямоқлар орқали фақирликка даъво қилиш осон эканлигига ишора қилаётганлиги ва риёкорликни қоралаётгани қисқа изоҳда тушунтириб кетилса, байтнинг ботиний мазмуни инглиз ўқувчисига аён бўлган бўларди.

7-байт:

Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.
Инглизча таржимаси:

I say, Navoiy, seek no longer for brilliant gold, scarlet and green
colors,

For the flowers of your poetry have tinged this divan red, yellow
and green.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Ей Навоий олтин қизил ва яшил ранглари қидирма,
сенинг шеърий гулларида бу девонинг қизил, сариқ ва яшилга бўялди.”)

Навоий ғазаллари таржималарини кузатар эканмиз, мутаржимлар,
асосан, шоирнинг фалсафий мазмундаги ички ва ташқи маъноларга эътибор
қаратган, шарқона шеърий санъатларни ўзида мужассам этган ғазаллар
таржималарида биров оқсаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Яна бир ғазални кўриб чиқсак:

Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач[4].

Шоир гўзалнинг юздаги зулфини “анбарафшон” этиши, яъни атир сепиб
тарашининг хуснига хусн кўшишини таъкидламоқда. Ўз сўзини кучайтириш
мақсадида шамънинг “тори”, яъни ўртасидаги пиликни “паришон” қилиш,
яъни титганда янада кучлироқ шуъла таратишини мисол қилиб келтиради.
Ушбу байтда таносиб санъати қўлланган. Жамъ санъати ҳам мавжуд. Жамъ -
нарс ва тушунчаларни бирон белги бўйича байтда жамлаб, улар ўртасидаги
муносабат асосида бирон образли фикрни ифодалаш санъатидир[5]. Шоир
биринчи мисрада хусн ва шамъ, зулф ва торини ташқи гўзаллик белгиси
сифатида жамлайди. Шоир бу рамзларни ёр гўзаллигининг тасвири учун
ишлатган.

Шу байтни инглизча таржимасида кўрамиз:

Your beauty shines brighter when your tresses fall free, breathing
the scent of ambrosia...
So candle burns brighter when the treads of the wick have been
loosened.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Сенинг гўзаллигинг янада ёркинроқ ифода топади,
агар сен сочларингни эркин ташлаб, муаттар ҳидларни таратиб юрсанг... Шамъ
ҳам ёркинроқ ёритади, агар пиликнинг фаолияти тугатилса яъни, пилик
тугаса”)

Инглизча таржимада гапнинг маъно жиҳатдан тури ўзгариб кетган.
Аслиятда шоир ёрини кўз олдида келтириб, унинг гўзаллигини мадҳ этмоқда.

Аммо таржимада, *your beauty* - (“сенинг гўзаллигинг”) дея ёрга мурожаат этилиши ва “сен сочларингни ёйганда ва хушбўй хидлар таратиб юрганинда чиройлироқ кўринардинг” деб маслаҳат берилиши, гапнинг семантик, синтактик ва услубий қурилишини ўзгартириб юборган. Ёр ҳақидаги хаёл ёрга мурожаат тусини олган. Инглизча *have been loosened* ни ҳар хил талқин қилиш мумкин “тугатиш”, “бўшатиш” “отиб ўлдириш” каби. Бу ўринда *let off the leash of wick*, яъни шам пилигини тортиб қўйиш деб ўгирилса “шамни паришон қилиш”га мос эквивалент ҳосил бўлар эди. Шам пилигини титиб, тўзғитганда яхшироқ ёниши билан боғлиқ ҳодиса инглиз тилига бироз нотўғри ўгирилиб, мантиқ бузилган. Чунки пилик тугаганда шам яхшироқ ёниш ўрнига ўчиб қолади. Пиликни бўшатганда эмас тортиб қўйганда шамъ яхшироқ нур таратади. Таржимада биринчи ва иккинчи байтни ўзаро боғлаш учун *so* (“шундай қилиб”) ўрнида *as* (“тўё; дек; дай”) ишлатилса, адекватлик сари кадам қўйилган бўлар эди. Шунингдек, ушбу байт таржимасидаги баъзи олмошлар ва сўзларга қуйидагича ўзгартириш киритилса, таржима аслиятга яқинроқ чиқарди:

*Her beauty shines brighter when her tresses fall free, breathing the
scent of ambrosia...*

As the candle burns brighter when let off the leash of wick.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Унинг гўзаллиги ёркинроқ ифода топади, сочларини эркин ёйиб, хушбўй хидлар таратиб юганда. Худди шам пилигини тортиб қўйганда яхшироқ ёнгани каби.”)

Кейинги байтни кузатамиз:

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,

Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Шоир маъшуқаси жамолига ҳайрат ила боқиб, қурбон бўлмоқда ва бу гўзалликнинг сабаби ёр юзини гуллар билан безаганидами? Ёки ошиқ қурбон бўлаётганда ундан сачраган қонлардан қизил бўлганми, деб савол бермоқда. Шу ўринда шоир шибҳи ҳусни таълил[6] санъатини қўллаган. Чунки маъшуқанинг юзи атрофидаги гулни қонга ўхшатган ҳолда унинг ёр чехрасига тегиш сабабини қатъий қилиб эмас, балки гумон қилиб айтади. Айни дамда бу байтда мадҳ санъатининг ўзига хос кўринишларидан бўлган “таъкид ул-мадҳ бимо яшбахуз-зам” санъати мавжуд. Ушбу санъат турида бирор айбни кўрсатиш орқали объект мақталади. Юқоридаги байтда шоир ёрни жаллод, котил деб айблаш асносида унинг гўзаллигига ишора қилмоқда, уни мадҳ

этмоқда. “Қурбон бўлмоқ”нинг маъноси мусулмон киши учун тушунарли. Ушбу байтда қурбонликнинг тиғ билан бажариладиган маросим ва бунда қон сачрашига ишора этилмоқда. Мазкур маъно инглиз тилига таржима қилишда ҳисобга олинмагани оқибатида қуйидагича ноаниқлик келиб чиққан:

Have you adorned your beauty with flowers for the sacrificial rite
Or has your beauty been enhanced by the blood you were spattered
with when you sacrificed us?

(Сўзма-сўз таржимаси: “Сен ўз гўзаллигингни қурбонлик маросими учун гуллар билан безатдингми, Ёки сенинг гўзаллигинг бизни қурбонлик қилгандаги қондан кучайиб кетдими (яъни гўзаллашдими?)”)

Аслиятда ошиқ ёрига уни кўриб қурбон бўлганлигининг сабаби сифатида гўзал юзнинг мафтункорлигини янада оширган қизил гулларга ишора этган бўлса, таржимада эса, маъшуқадан қурбонлик маросими ўтказиш учун “гуллар билан безатдингми?” дея сўралади. Бундай талқин инглиз ўқувчисида “Шарқда ошиқ ва маъшуқа ўртасида қандайдир қурбонлик маросими ўтказиладики, бунинг учун қиз гуллар билан безаниши керак бўлади” деган фикрни пайдо қилиши эҳтимолдан холи эмас. Шу ўринда “қурбонлик” фақат ёр учун қилинади, деган тушунча ҳам юзага чиқади. Бу эса, ғазалдаги юксак бадииятнинг саёз талқин этилишига олиб келади. Таржимоннинг нотўғри йўлдан бориши натижасида шоир қўллаган ”шибҳи ҳусни таълил” санъати таржимада учрамайди. Мазкур байтда “қурбонлик маросими” (сасрифисе) жумласи ва унинг нима сабабдан байтга киритилганлиги қисқача изоҳда бериб ўтилмаса, инглиз ўқувчисига у қадар тушунарли бўлмаслиги мумкин. Биринчи мисрадаги for the sasrifisial rite (қурбонлик маросими) жумласини when you sasrifised us? тарзида ўзгартирилса, Навоий қўллаган шеърий санъат таржимада қайта тикланади:

Have you adorned your beauty with flowers when you sacrificed us?
Or has your beauty been enhanced by the blood you were spattered
with when you sacrificed us ?

(Сўзма-сўз таржимаси: “Бизни қурбон қилиб чиройингни гуллар билан безадингми, Ёки сенинг гўзаллигинг сачраган қондан кучайиб кетдими биз қурбонлик қилганда?”)

Ҳар бир таржима тил имкониятлари ва мезонлари даражасида амалга

оширилади. Маънони сақлаб қолишга уриниш, оҳанг, бадиият, қофиянинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Албатта, таржимоннинг мумтоз адабиётимиз дурлари саналмиш Навоий ғазаллари таржимасига кўл уриши, яъни ”Навоий панжасига панжа уриши” фахрли. Таржималарга назар солсангиз, мутаржим Л.Кметюк ғазалнинг умумий ғоясини бериш мақсадида ўз тилида турли эквивалентлар қидирганлиги ва тинимсиз изланганлигини сезасиз. Аммо таржимон аслиятни ўзи тушуниб олиш билан бирга, бу тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдиришнинг йўлини излаши керак. Бу жараён учун неки талаб қилинса, чорасини кўриш унинг чекига тушади. Энди яна бир ғазалга назар ташласак:

1-байт (матлаъ):

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида келу мардум киби ватан қилғил[7].

Байтларнинг мазмунини теран тушуниш бадий санъатларни қайта яратишнинг асосий омилидир. Юқоридаги байтда зоҳирий, дунёвий моҳиятга кўра, лирик қаҳрамон висол илинжида маҳбубага илтижо қилаётир: “Қора кўзли гўзалим, келсанг-чи, мурувват ва вафо йўлини, одамийлик расмини тутсанг-чи”. Одамнинг кўз қорачиғида кўз гавҳари жойлашган бўлади, кўз мана шу гавҳар воситасидагина борлиқни кўра олади. Ана шу табиат қонунини назарда тутиб, шоир иккинчи мисрада яна илтижо қилади: “Кўзимнинг қорачиғида гавҳар каби ватан тутсанг-чи, токи мен кўзим ёришиб, олам гўзалликларидан баҳраманд бўлсам.”

Л.Кметюк шеърий парчани инглизчага қуйидагича таржима қилган:

Come my dark eyed one come and show your kindness,
Weave a nest for yourself, in the depth of my pupils.

(So‘zma-so‘z tarjimasi: “Kel, qora ko‘zligim kel va insoniyligingni ko‘rsat, Ko‘zlarimning qorachig‘ida o‘zing uchun in to‘qib ol.”)

(Сўзма-сўз таржимаси: “Кел, қора кўзлим кел ва инсонийлигингни кўрсат, Кўзларимнинг қорачиғида ўзинг учун ин тўқиб ол.”)

Адабиётшунос олим Нусрат Жумахўжа “Қаро кўзум...” ғазалининг қиёсий таҳлили” мақоласида ғазалнинг муфассал шарҳини баён қилган. “Қаро кўзум” ундалмаси икки хил, илоҳий мазмунда Оллоҳни, дунёвий маънода эса севикли гўзал маҳбуба, ёр, дўстни англатади. Мардум сўзи эса машҳур икки

маъносида, ушбу байтда ҳам собит: 1) одам, одамлар, халойиқ; 2) кўз қорачиғи – гавҳари (мардумак, гавҳарак шаклида ҳам қўлланади). Мардумлуғ – одамгарчилик, инсонийлик, мурувват, марҳамат, лутф – илтифот, раҳм – шафқат, инсонпарварлик.

Мардум ва мардумлуғ орасида шакл ва маъно муносабати асосида тажнис санъати яратилган. Мисраларнинг қаро кўзум ва кўзум қаросида бирикмалари билан бошланишида тарду акс (терс такрор) санъати мавжудки, бу эҳтиросли назмий оҳангни юзага чиқаришда муҳим эстетик хизмат ўтаган[8].

Кўриб турганимиздек, иккинчи мисра таржимаси тўлақонли аслиятни очиб бера олади. Яъни ғазалдаги ошён, истиқомат маъноларини англатувчи ватан сўзига маъно жиҳатдан мос эквивалент нест (“ин”) сўзи қўлланган, яъни “кўзларимнинг тубида ўзингга ватан, ин қилиб олгин” маъносининг англашилиши аслиятга мувофиқ тушган. Таржимадаги бу мисрани ботиний ва зоҳирий жиҳатдан таҳлил қилсак, ҳар иккала маъно сақланиб қолганлигини кўрамыз.

Аслиятда, ошиқ Гўзалдан мурувват ва вафо йўлини тутишни, одамийликни одат қилишини сўрайди (фан қилмоқ – одат (касб) қилмоқ).

Ҳар иккала сўзнинг қўшилуvidан юқоридаги маъно ҳосил бўлган ва бунда дунёвий жиҳатдан ошиқ ўз маъшуқасига “енди узоқ айрилиқдан сўнг одамгарчилик қилиб, вафо қилишни сўрайди. Сўфиёна талқин этилганда эса – илтижо, жамол орзуси, яъни Оллоҳнинг лутфу эҳсони тажаллисидан умидворлик. Сўфий учун ўз нигоҳида, қорачиғида илоҳий нур жилваланиши, оламни шу муборак нур орқали кўриш олий бахт. Аммо таржимада фан қилғил ундалмаси ўрнига шоу ёур киндесс (олижаноблигини кўрсат) буйруқ гапи берилган. Ваҳоланки, ошиқ ёр васлига ета олмай гиналаб, маъшуқадан инсоний олижаноблик, сўфий эса Аллоҳдан васлидан бенасиб қилмасликни сўрайди. Таржимада қўлланган эквивалент бунга қарама-қарши маъно касб этган. Маъшуқанинг олижаноб эмаслигидан изтироб чекаётган ошиқ ва Аллоҳнинг назаридан четда қолаётган сўфий таржимада учрамайди.

Навоий байтда Шарқ бадий санъатларидан тарду акс (қаро кўзум ва кўзум қаросида), тажнис санъатидан (мардум ва мардумлиғ) унумли фойдаланади. Таржимада шоир фойдаланган шеърий санъатлар Шарқ шеърияти учун характерли эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг таржимада учрамаслигини табиий ҳол деб баҳолаш мумкин. Аммо байтлар орасидаги қофиядошликнинг йўқлиги ғазал оҳангининг услубий жиҳатдан бузилишига олиб келган. Ушбу байтни қуйидагича таржима қилганда таржимада адекватлик юзага келган бўлар эди:

Come my dark eyed one come and learn then kindness
In the depth of my pupils, weave for yourself a nest

2-байт:

Юзунг гулига кўнгил равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Н.Жумахўжанинг кузатишлари айни биз тадқиқ этаётган мавзуга бевосита дахлдор бўлгани учун, уларга яна мурожаат этамиз: Мазкур байтда тасвир анча содда ва муайян, бироқ бу байт ҳам бир қанча рамзий иборалардан таркиб топган бўлиб, уларни шарҳламасдан мазмун-моҳиятини англаб етиш қийин: 1. Юзунг гули - зоҳирий маъноси – “ёр чехраси”. Ботиний маъноси – “Ҳақ жамоли”. 2. Кўнгул равзаси – кўнгил боғи, инсон руҳият олами. 3. Қадинг ниҳоли ёрнинг ниҳолдек қадди-қомати, жон сўзи таркибидаги (араб ёзувида) алиф ҳарфи, илоҳий маъшук қомати. 4. Жон гулшани ошиқнинг вужуди, бағри, алиф (1) ҳарфининг маскани бўлмиш жон сўзи – манзурнинг жавлонгоҳи. Биринчи мисра “сенинг юзинг менинг кўнглим боғида гул очсин” маъносидаги висол илинжини таъкидлаб келади. Шунингдек, бу мисрада биринчи байтнинг мантиқий давоми ҳам англашилиб турибди. Маълумки, кўз – кўнгилнинг ойнаси. Ёр жамолига муяссар бўлган кўнгил ёришади. Кўз қорачиғида макон курган ёр жамоли чуқур томир ёзади, кўнгилда акс-садо беради, кўнгил боғида ишқ чечаклари гуллайди, бўстонга айланади. Шунинг учун лирик қаҳрамон “Сенинг алифдек қоматинг ниҳоли менинг жони дилим боғида яшнасин ва юзинг гули бу боғни гулшанга эвирсин, ” - дея илинж-илтижо изҳор этмоқда[9].

2-байтдаги 1-мисранинг инглизча таржимаси:

Turn the garden of my heart into a flowerbed, for the blossom that is your face,
Таъкидлаш лозимки, мазкур мисра сўзма-сўз таржимада аниқ ифода этилган:

(“Юзингдаги гулгун яшнашингдан кўнгил боғимни гулзорга айлантир.”)

Таржимон аслиятдаги мазмунни маҳорат билан сақлаб қолган, шу байтдаги иккинчи мисрада араб ёзувигагина хос бўлган ҳарфий санъат, ташбеҳи измор, яъни яширин[10] ташбеҳ қўлланган. Жон сўзи уч арабий ҳарфдан, яъни “жим”, “алиф”, “нун” дан иборат. Алиф ҳарфи жоннинг ичида (марказида) жойлашган. Бу ерда чаманнинг ичида экилган ниҳолга ўхшатиш

мавжуд:

Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Кўришиб турибдики, бундай сўз ўйинини инглизчада бериш қийин. Инглиз тили ҳинд-европа оиласининг герман гуруҳига мансублиги ва ёзувнинг туркий имло қоидаларига мос тушмаслигини ҳисобга олиб, инглиз тилида бу санъатнинг қўлланмаслиги таржима хатоси ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай ҳолларда мисранинг шарҳи ҳаволада берилиши мақбул ечимдир. 2-байтнинг 2-мисраси:

And the rest your slender form so like the sapling in the garden that is my heart
(Сўзма-сўз таржимаси: “Қолган чиройингни худди кўнглим боғида ниҳол каби ростлагин.”)

Бу мисра грамматик жиҳатдан ҳам аслиятга мувофиқ, байтдаги икки мисра анд (ва) боғловчиси билан боғланган. Гапнинг маъно жиҳатдан тури – буйруқ оҳангидаги гап ва бу гап таржимада ҳам ўз грамматик шаклини сақлаган. Биз юқоридаги аслиятда шу мисрада ташбиҳ санъати қўлланганлигини кузатдик. Алифнинг ниҳол – қадга ишора қилиниши, ёрнинг жон гулшанида қаддини тик тутиши, яъни алифдек тик қадди-қомати билан туриши кўзда тутилган. Инглиз тилидаги форм сўзининг ишлатилиши бунга жуда мос келади:

Форм сўзи асосан икки хил маънони билдиради:

- 1)от (шапе, аспест) кўриниш, шакл, қад-қомат;
- 2)феъл (то форм), яъни бир кўринишга келтириш, тартибга солиш.

Мисрада форм сўзи ин предлоги билан берилган бу ҳолатда сўз “қаддини бирор ерда ростламоқ” маъносини беради. Масалан: Тхе троопс were формед инто лине. [11] Солдатларни бир чизикда ростлашди.

Таржимоннинг форм сўзини қўллаши Навоий кўзда тутаётган “Қадди қоматни тик тутиб, кўнгил боғида кўним топиш”ига мос тушади.

3-байтнинг, 1-мисраси:

Таковарингга бағир қонидин хино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Таковар, яъни тез юрар йўрға от мумтоз шеърятдаги анъанавий тимсоллардан. Ғазалларда маъшуқа отлиқ киёфада чиройли назмий мисраларда тасвирланади. Севиклининг отига илтифот кўрсатиш орқали ўз муҳаббати ва садоқатини изҳор қилиши барча мумтоз шоирларимиз учун умумий хусусият. Масалан, Навоий лирик қаҳрамони маъшуқа от елдириб, унинг ёнидан ўтиб кетишини, ҳижрон балосига яна мубтало бўлишини истамайди (Н.Жумаев шарҳи-Г.О.). Ошиқ ўзининг бағир қони от оёғига хино бўлишини, ғамзада жони Маҳваш ёнида елиб юрган ити бўйнида арқон бўлишини орзу қилади. Хино боғлаш удуми Европа учун мутлақо ёт. Табиийки, инглиз ўқувчисига шоирнинг ёрга, отига “хино боғлаши”ни сўраганда, нимага ишора қилаётгани тушунарсиз туюлиши мумкин. Оёғига хино боғланган кишининг тез юра олмаслиги, инглиз ўқувчисига маълум эмас. Аммо ёр отига инсонга хос удумни бажартириш, ошиқнинг юрак бағридан олинган қонни ёрнинг отига хиноликка садқа қилишдек буюк хурмат, Шарқона севги ва илоҳий ишқни ўзга миллат ўқувчисига шундайлигича кўрсата олиш Навоий ғазалларидаги беқиёс жилони ёрқинроқ англаш имкониятини берарди. Миллий колоритга хос Хино сўзи матн ичида транслитератсия қилиниб, эквивалентсиз лексикани узатиш усулларида бири ҳисобланган изоҳли таржимадан фойдаланилган ҳолда, бу сўзга матн сўнгида изоҳ берилиши мумкин эди. Аммо бу байт қуйидагича таржима қилинган:

3-байт 1-мисрасининг инглизча таржимаси:

Splash the hooves your brave steed in me heart's blood.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Юрагимдан олинган қонни отингга сачрат.”)

Бу таржимада хино қўйиш билан боғлиқ тасвир йўқ. Унда “юрак қони”ни ёр отига сачратиш сўралмоқда. Таржимон навоиёна мулоҳазани англамаса-да, ундаги тасвирни беришга иштиёқи кучлилигидан отни жайрон отга айлантиради. Дарҳақиқат, жайрон отнинг бадани қон сачрагандек туюлади. Хино эса отнинг оёқ қисмини бўяш учун ишлатилади. Адекватликни таъминлаш учун бундай йўлдан бормасдан хино сўзига ва унинг нима сабабдан байтда қўлланаётганлигига қуйидагича алоҳида изоҳ бериб ўтилса, гўзал миллий колорит анъанаси таржимада акс этарди ва бу Навоийнинг ўзига хос услубини ёрқинроқ намоён бўларди:

3-байтнинг 2-мисраси:

Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Маълумки, ит – инсоннинг ҳамроҳи, унинг кўриқчисидир. Шоир, шу маънода, ёрнинг кўриқчиси бўлишга ҳавас қилади. Навоий ўзини ўша ит ўрнида, ҳеч бўлмаса бўйнидаги арқони бўлишни хоҳлайди.

Инглизча таржимаси:

Bandage a henna* under your steeds feet,
And weave a leash for your dog from the tendons of my sad soul, indeed.

Henna*- is a flower in dark red color which grows in Central Asia region and uses for medicine. The man who bandages henna the herb under his foot can't walk quickly. Poet asks his sweet-heart "to bandage henna under her horses feet" because after it one isn't be able to pass quickly, so that the lover could enjoy sweet time with his sweet-heart.

And weave a leash for your dog from the tendons of my sad soul.

(Мисранинг инглизчага сўзма-сўз таржимаси куйидагича: “Зада қалбим тўқималаридан итинг учун арқон қил.”)

Бу мисралар семантик жиҳатдан аниқ таржима қилинган. Итга илтифот қилиш нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам мавжуд. Лове ме лове мй дог инглиз халқ мақоли (“Мени севсанг, итимни ҳам сев”) да ит сўзи рамзий маънода қўлланган бўлиб: 1) “ёмон одатларимни ҳам сев”; 2) “мЭнга тегишли бўлган ҳамма нарсани сев” маъносини англатади. Ушбу ибора орқали Навоий ғазалидаги образ (яъни ёрнинг итига илтифот) Ғарбда ҳам севган инсонига бўлган хурмат ифодасидир. Бу орқали Шарқ ва Ғарб лирикасининг уйғун семантик жиҳатлари намоён бўлади.

4-байт:

Фирок тоғида топилса тупроғим, эй чарх,
Хамир этиб, яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Кўҳкан “тоғ қазувчи” деган маънони англатади. Фарҳод Шириннинг юртига бориб, тоғни қазиб сув чиқаргани учун ҳам кўҳкан лақабини олган. Шунингдек, “фирок, рашк, ҳажр, оҳ ила дард” Фарҳод номини англатади. Ушбу байт инглизчага моҳирона ўгирилган:

Таржимаси:

O Heaven, if at the foot of the mountain of separation my dust is discovered,
Knead it into the dough and sculpt from it powerful stone mason.

Таржимада барча мезонларга мос адекватлик мавжуд.

(Сўзма-сўз таржимаси: “О фалак, ёлғизлик тоғида тупроғим топилса, Ундан хамир қоринг ва яна бир кучли тоғ қазувчи ясанг.”)

5-байт:

Юзинг висолига етсун десанг кўнгилларни,
Сочингни бошдин-аёғ чин ила шикан қилғил.

“Бир қарашда бу байтда мураккаб ибора ва тимсоллар йўқ”, – дейди ушбу байт талқинида Н.Жумахўжа, – “масалан, юз дунёвий маъшуқа чеҳрасини, айна пайтда Аллоҳ ҳусн-жамолини англатади...Кейин кўнгиллар деганда ошиқлар образи тушунилади...Мутолаада мухлисни чин ила шикан сўзлари кўпроқ ўйлантиради. Ўзаро маънодош бу форсий сўзлар ўрам-ўрам, ҳалқа-ҳалқа, занжирсимон-силсилавий, қат-қат, печу тобли, қармоқсимон, илгаксимон сифатларини маъшуқа сочларига нисбатан ифодалаётир... Ғазалдаги маъшуқа образи – бениҳоя юксак, улуғвор, етишиб бўлмас сиймо. Ошиқ кўнгиллар эса хокисор ва нотавон. Ошиқ кўнгиллар билан маъшуқа жамоли оралиғида соч – поёнсиз ҳижрон тимсоли ётибди. Шунинг учун лирик қаҳрамон маъшуқадан мадад сўрайди: “Агар ошиқларингга раҳминг келса, улар висолингдан баҳраманд бўлишини истасанг, сочингни бошдин-оёқ қармоқ, илгак ва ўрамлар каби жингалак қил, токи афтода ошиқларинг шу “чин” ила “шикан”лар воситасида оёғингдан бошингга кўтарилсин, “юзинг висолига етсун”. “Чин ила шикан” образлари орқали Ҳақнинг дийдорини излаб сўфийлар босиб ўтадиган сўфийлик сулуки силсилалари назарда тутилган бўлса ҳам ажаб эмас”[12]. Таржимада чин ила шикан қилғил бирикмаси орқали “сочни жингалак қилиш” маъноси берилган бўлиб, ўқувчида фақат “маъшуқа сочларининг узунлиги ва ошиқ кўнгулларга яхши кўриниш учун сочни бошдин оёқ жингалак қилиш” ҳақида тасаввур пайдо бўлади.

Байтнинг инглизча таржимаси:

If you wish to encapture hearts in loving with you,
Curl your long hair into ringlets.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Агар кўнгуллар сени кўргач, уларнинг севгида маҳв қилинишини истасанг, узун сочларингни бутунлай жингалак, гажак қилиб ўраб чиқ.”)

Бу ўринда ринглет (“жингалак”, “гажак”) “чин ила шикан қилмоқ” бирикмасининг маъносини тўлиқ очиб бера олмайди. Аслиятдаги “бошдин-оёқ” сўзлари ҳам таржимада учрамайди. Бу сўзларнинг тушиб қолиши маъшуқа сочларига берилган сифатнинг йўқолишига олиб келган. Сочни бошдан-оёқ жингалак қилишдан мақсад ҳам ёрқин ифода этилмаган. Байтнинг биринчи мисраси эса аслиятга зид. Ҳазалда, юқорида таъкидланганидек, ёр васлига етишишга зор ошиқлар (яъни ёрнинг ишқида аллақачон адо бўлганлар) нинг ноласи баён этилса, таржимада ёрга уни севиб қолишлари истаса, сочларини жингалак қилиш маслаҳат берилмоқда. Бу ўринда Иф ёу виш то энсаптуре ҳеартс ин ловинг витҳ ёу ни Иф ёу виш фор ёур ловеерс геттинг меет витҳ ёур фасе га алмаштирса, маъно адекватлиги юзага келган бўлар эди. Шунда байт инглизчада қуйидаги кўриниш касб этган бўларди:

If you wish for your lovers to meet with your face,
Curl your hair up to down into rod like chains.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Агар ошиқларингнинг чеҳранг билан кўришишларини истасанг, сочларингни бошдин-оёқ қармоққа ўхшаш занжирдек товлаб чиқ.”)

6-байт:

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монёъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Олтинчи байтда шоир боғбон ва боғ сўзларини рамзий – яратувчи ва борлиқ маъносида қўллайди. Меҳрсиз маъшуқа жамолига етишиш орзусида умри хазонга соврилишига ишора қилади. Боғбон ўз боғини ҳар қандай хавф-хатардан муҳофаза қилиши мумкин, аммо ёвга қарши боғ томига игна қадаб чиқса ҳам, табиат қонуни бўлмиш “хазон лашкари”, яъни фано вақти яқинлашгач, ташриф буюрувчи ўлимдан асрай олмаслигини таъкидлайди. Бу

лирик чекиниш орқали шоир, ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақида фалсафий мушоҳада юритади ва байт еттинчи байт билан узвий боғланган. Таржимада бу байт маъносининг бутунлай аксини кўриш мумкин.

Таржима:

There is little the gardener can do stop the advance of the fall,
Should he even spike the roof of his garden with pine needles.

(So‘zma-so‘z tarjiması: “Bir bog‘bon borki, u xazon to‘kilishini to‘xtata oladi. Agar u bog‘i tomiga archa ignasini qadab chiqishga to‘g‘ri kelsa ham.”)

(Сўзма-сўз таржимаси: “Бир боғбон борки, у хазон тўкилишини тўхтата олади. Агар у боғи томига арча игнасини қадаб чиқишга тўғри келса ҳам.”)

Кўриб турганимиздек, бу аслиятга мутлақо терс таржима бўлиб, инглиз ўқувчисида ғалати таассурот қолдириши аниқ. Чунки таржима кейинги байт таржимаси билан аслият семантикаси нуқтаи назаридан умуман боғланмайди. Шоирнинг нимага ишора қилаётгани мавҳумлигича қолмоқда. Шоирнинг “ёр васлига ета олмай умри хазон бўлиши мумкинлиги” ва кейинги 7-байтда айтилганидек, “агар шу йўлда вафот этиб кетса, маъшуканинг юзидаги тер “гулоб” билан ювилса, хазон бўлган умрига афсус чекмаслиги, сабаби, ўлимдан сўнг, кеч бўлса-да, ёр васлига етгандек ўзни ҳис қилиши” ҳақидаги гўзал тўқималар ўқувчи учун тушунарсиз ҳолатга келиб қолган. Шу байт қуйидагича таржима қилинса, таржимада бадий адекватликни сақлаб қолиш мумкин, яъни қуйидагича:

No gardener can stop the advance of the fall,
Even he spikes the roof of his garden with pine needles all.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Боғи томига арча игналарининг барини қадаб чиқса ҳам, хазон тўкилишини тўхтатишга қодир боғбон йўқ”).

Кейинги байт юқоридаги лирик чекинишни давом эттирмоқда.

7-байт:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени

Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Яна Н.Жумахўжа талқинига мурожаат этамиз. Байтда шоир тирикликнинг омонат ва ғаниматлиги, ўлимнинг муқаррарлиги ҳақида ўй сурган эди. Шундай маҳзун кайфиятдаги лирик қаҳрамоннинг армони битта – маъшуқа висоли. Биринчи мисра мазмуни “юз” ва тер” образлари орқали ифодаланган эди. Иккинчи мисрада бу образларга мувозий равишда “гулоб” ва “гул барги” образлари қўлланади. Гулоб маъшуқа юзидаги тер тимсоли бўлса, гул барги юзнинг рамзи. Ошиқ маъшуқа теридан тайёрланган гулобда чўмилтирилиш ва унинг гул юзига бурканиш учун ўлимдан сўнгги висолни орзу қилади. Бу мураккаб рамзий ифодаларга таржима жараёнида қисқача изоҳ бериб ўтиш жоиз. Инглизча таржимада “ей, рафик”, яъни дўстга мурожаат О мй фриенд (“О дўстим”) ундалмаси билан берилган. Муаллиф гапи дўстга қаратилиб таржима қилинган:

O my friend, should I suddenly die at the sight seeing of perspiration on your face...

(Сўзма-сўз таржимаси: “О дўстим, сенинг юзингдаги терни кўриб, агар тўсатдан ўлиб қолсам...”)

Кўриб турганимиздек, youг (сенинг) эгалик олмошининг қўлланилиши орқали гўё ошиқ дўстининг юзидаги терни кўриб, бандалиқни бажо келтиришини айтаётгандек маъно вужудга келган. Аслиятда эса шоир юзида деганда маъшуқа юзини назарда тутган. Н. Комилов ушбу ғазални таҳлил қилар экан, тер сўзи воситасида вужудга келиш эҳтимоли бўлган барча ишора ва ифодаларнинг мазмунини аниқ мисоллар ёрдамида санаб ўтади ва шундай хулосага келади: “Хулласи калом, байт мазмунини бундай баён этиш мумкин: Ёр юзидаги тер томчиларидан ҳосил бўлган муборак сув - гулоб билан ювгинда, ўша гўзал юзни эслатувчи гул баргларига ўраб кўмгин”. Бу айни вақтда ошиқнинг армони ва “Қаро кўзим” ғазалида куйланган садоқат ғоясининг чўққиси!”[13]. Агар таржимадаги ёур эгалик олмошининг ўрнига ҳер – унинг (аёл киши учун) эгалик олмоши ишлатилса, таржима аслиятдаги айни маънони очиб берарди:

O my friend, should I suddenly die seeing perspiration on her face...

(Сўзма-сўз таржимаси: “Е, дўстим, унинг юзидаги терни кўриб тўсатдан ўлсам...”)

7-байтнинг 2-мисраси инглизча таржимаси қуйидагича:

Bath me in rose water and lay me to rest in a shroud made
of rose petals.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Мени гул сувида чўмилтиринг ва гуллардан ясалган саван (Европада ўликлар ётқизиладиган гул билан безатилган тобут) га ётқизинг.”)

Иккинчи мисра семантик жиҳатдан аслиятга мос, аммо rose water ва rose petals сўзларига изоҳ берилса, ғазал маъносини аниқроқ англашга хизмат қилади.

Ғазалнинг мақтаъси қуйидагича:

Навоий, анжумане шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Байт мазмун-маъносини шундай тушуниш ва шарҳлаш мумкин: “Жон” марказида “алиф” турсагина, жон бўлади. Алиф эса Аллоҳнинг яккаю ягоналигини билдирувчи тимсолдир. Агар Оллоҳ васли (Уни англаш) дан завқ олмоқчи бўлсанг, жон (инсон ва коинот руҳи) маркази ва манбаси бўлган Оллоҳни қалбинг марказига қўй”. Байтнинг зоҳирий маъноси шундай тасаввурга асосланади: Анжуманда шам ёқилади. Агар сен шавқ анжумани ташкил этмоқчи бўлсанг, жоннинг бошоғли ўқини марказга қўйиб уни шамъ сифатида ишлат. Демак, жоннинг ўқи шамдек ёниб атрофни ёритиш хусусиятига эга экан.

Инглизча таржимаси:

Navoi, if you can put your heart all into a bouquet of joy,

Pick a sheaf of water of wheat and touching a flame to it let this candle be the
revelation of the nosegay.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Навоий агар сен юрагингни шод- хуррамлик гулдастасига қўя олсанг, Буғдой бошоғин йиғгину ундан гулхан қил ва бу шамнинг гуллар боғламида очилишига рухсат бер.”)

Кўриниб турибдики, ушбу мисра инглиз тилига аниқ, семантик жиҳатдан тўлиқ таржима қилинган.

Кўплаб таржималарда кўриниб қоладиган қусурлардан бири-

истилоҳлар, тарихий номлар ва оригинал матн мансуб бўлган халк менталитети, кадриятларига хос бўлган элементларнинг таржима қилмасдан қолдирилишидир. Масалан, И десире, О Ҳизр, то маке а пилигримаге оф тхе соул то Кааба[14] деб таржима қилинган мисрани ўқиган инглиз китобхони ўзининг ғарбона дунёқарашидан келиб чиқиб лирик қаҳрамоннинг қандайдир “Ҳизр” га мурожаати моҳиятини тушунмайди. Шунингдек, баъзи ғазалларда учрайдиган машҳур тарихий шахслар, адабий қаҳрамонларнинг номлари нотаниш бўлгани боис Ғарб китобхони ушбу таржимадан тўлиқ қониқмайди.

Алишер Навоийнинг заковати, истеъдоди фавқулодда бой ва ранг-баранг. Шоир тасвирий воситалардан фойдаланишда ажойиб намуналар яратадики, бадиий маҳоратнинг бу ўзига хос томони Навоий даҳосига сидқидилдан хизмат қилган ва хизмат қилаётган таржимонлар олдига тил, услуб ва миллий анъаналар билан боғлиқ кўпдан кўп муаммоларни дадил, мустақил ҳал қилиш вазифасини кўндаланг кўяди. Алишер Навоий асарларининг классик услуби ва оҳангини бошқа тилда қайта яратиш учун ўша тилнинг Навоий замонасига параллел давридаги архаик сўзлар луғатидан фойдаланиш самарали натижа беради. Масалан Навоий ғазалиётини инглиз тилига ўгиришда, унга даврий жиҳатдан мувофиқ келувчи Шекспир асарлари лексикасидан фойдаланилса юксак услуб, давр руҳияти таржимада ёрқинроқ ифода этилиши мумкин. Бундай тажриба “Фарҳод ва Ширин” достонини рус тилига таржима қилишда амалиётда қўлланган бўлиб, рус поэзияси тарихи бисотидан сей, узрет, очи, властелин, владика, всевишний, творетс, небо, (худо маъносида) архангел, чело каби сўзларнинг танлаб олиниши ва бу ишнинг натижаси ўлароқ асар таржимасидаги услуб, қадимийлик, шартли архаика жилосининг берилиши ва Навоий даври колоритининг таржимада қайта яратилиши тажрибанинг муваффақиятли эканлигидан дарак беради[15].

Навоий даҳосини хорижий ўлкаларда тарғиб этиш, унинг бадиият оламидаги ўзига хос улушини кўрсатиб бериш – кун талаби. Лирик таржиманинг ўзи кифоя қиладими? Алишер Навоий бадиияти шу қадар баркамолки, уни англаб етиш юксак комилликни талаб қилади. Баъзида ўзбек тилида тушуниш мушкул бўлган Навоий ғазалиёти сирларини чет тилида аниқ ифода этиб бўладими? Бу савол Навоий ижоди тадқиқи билан боғлиқ кўпгина соҳалар учун янги йўналиш ва вазифалар тизимини белгилаб беради. Ғарбнинг Алишер Навоийга меҳр қўйиши нафақат таржимоннинг касбий маҳоратига, балки унинг Навоийни кашф этишга бўлган улкан фидоийлигига ҳам боғлиқдир. Алишер Навоий бадииятини чет тилида аниқ акс эттиришнинг икки йўли мавжуд: 1. Инглиз таржимонида Навоийни ҳис этиш инстинктини шакллантириш лозим. Бунинг учун кЭнг тармоқли ишларни амалга ошириш (Навоий асарларининг инглизча изоҳли луғатлари, Навоий асарлари

образларининг генезиси, шарқона шеърӣ санъатлар, оҳанг ва қофия ҳақидаги илмий адабиётларнинг инглизча таржималарини яратиш, атоқли навоийшуносларнинг Навоий ғазалларига берган шарҳларини тўплаб таржима қилиш) лозим. 2. Инглиз таржимонлари навоийшунослар билан ҳамкорликда иш юритишлари зарур. Шундагина Навоий бадииятини бус-бутунлигича чет тилида тарғиб этиш мумкин.

Юқорида кўриб ўтилганлар асосида айтиш мумкинки, ғазалнинг фалсафий юки, ботиний ва зоҳирий маънолари таржимада акс этмас экан, таржимон юксак Шарқ фалсафасидан Ғарб китобхонини баҳраманд эта олмайди. Ғазалдаги санъатлар моҳияти тўла англаниб, таржимада қайта яратишга ҳаракат қилинса, Навоий даҳосини тушунтиришда самарали қадам бўларди.

Образли ифодалар адекватлиги

Образли ифодалар адекватлигини таъминлаш ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини инглиз тилига таржима қилиш ишларида ҳам ўзининг нозик жиҳатларига эга.

Алишер Навоийнинг кексалик лирикасига мансуб яна бир “Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур” матлаъси билан бошланувчи ғазал таржимаси хусусида сўз юритамиз. Асарнинг зоҳирий мақсад-моҳияти ўн саккиз ёшдаги манзур (назарда тутилган муайян сиймо) малоҳатини васф этишга қаратилган. Лекин бу васф инсон умрининг навқирон палласи ҳамда хусну жамоли ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган:

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур[16].

Ушбу байт таҳлилида Н.Жумахўжа: “Ўн сакиз минг олам” бадииятда тимсолга айланган турғун сўз бирикмаси бўлиб, у бутун борлиқ ўн саккиз минг оламдан иборат, деганда олам чексизлиги ҳақидаги афсонавий тасаввурлардан келиб чиққан. Шоир биргина сарвиноз аҳволига эмас, умуман инсоннинг ўн саккиз ёшига таъриф беради. Таъриф умуминсоний бўлганидек, назаримизда, шу ўн саккиз яшар сарвиноз ҳам умумлашма образ” [17], – дейди.

И.Ҳаққул бир қатор далиллар билан бу ғазални куйидагича таърифлайди: “...Навоий ғазалида таъкидланган ўн саккиз минг олам тасаввуф таълимоти заминида юзага келган бўлиб, Ҳақ ошиқларнинг сийратига, зоҳирий оламга эмас, ботиний оламга дахлдор. ” Ўн саккиз минг олам” тасаввуф шеъриятидаги поетик образлардан бири. Унга шунчаки “турғун сўз бирикмаси” деб қаралмаслиги керак... Навоий ғазалида “Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур” дейилиши –“ориф ошиқ”ларнинг “жон мулкида алам” тортишига ишора. Акс ҳолда, маъшуқи азалнинг боши “ўн саккиз минг

олам” ғул-ғулу ғавғосига гирифтор бўлмасди”[18].

Навоийшунослар бир фикрда яқдилдирлар: ғазал тасаввуфий маъно ва ғояга эга. Навоий ўз шеъриятида бирор бир сўз ёки образли ифодани бежиз ишлатмаган. Ҳар бир ишлатилган образли ифода муайян ғояни очишга йўналтирилган. Тасаввуфий ғазалларни инглиз тилига таржима қилишда образли ифодаларни қайта яратиш ёки маъно ва ғояни инглиз китобхонига етказиш масаласи жиддий изланишларни талаб қилади.

Юқоридаги ғазал Л.Кметюк томонидан инглиз тилига таржима қилинган бўлиб, матласи куйидагича:

Small wonder she is beset by tribulations of eighteen thousand
worlds

For my playful beauty is a mere eighteen years old[19].

(Сўзма-сўз таржимаси: “Не хайратки, у ўн саккиз минг олам ташвишлари билан қамраб олинган, Менинг шўх гўзалим атиги ўн саккиз ёшда бўлса ҳам.”)

Юқоридаги байт лингвистик ва лексик-семантик жиҳатдан адекват деб ҳисобланиши мумкин. Аммо байтда яширин маънони илғаб таржима қилиш биз фараз қилган адекватликни йўққа чиқаради. Эътибор беринг: таржимада ис а мере эигхтеен еарс олд, яъни атиги ўн саккиз ёшда бўлса ҳам ўн саккиз минг олам ташвишлари билан чулганган, деб берилмоқда. Аслиятда эса “ўн саккиз минг олами ғавғоси унинг бошига тушса ажабланишга ҳожат йўқ, чунки у ўн саккиз ёшда-да” дейилмоқда. Таржимани нотўғри деб ҳисоблашга асос, унинг ботиний маъносини илғамасдан ишга киришганликдир. Ушбу ғазал пароканда ғазаллар турига киргани учун ҳам ҳар бир байт тугал маънога эга бўлади. Буни назарда тутган таржимон ҳар бир байт таржимасида муаллиф кўзда тутган маънодан келиб чиқиб, таржимага киришиши керак. Акс ҳолда байт таржимада оддий ва юзаки тавсиф ёки эътирофга айланиб қолади. Юқоридаги байт мисолида айтиладиган бўлса, таржимон олдида турган биринчи масала ўн саккиз ёшли санамнинг бошида нега ўн саккиз минг олам муаммолари тушишини аниқлаштириш бўлиши керак: ўн саккиз ёшда инсонда ишқ куртак ёзади, ўн саккиз минг олам – бу, Оллоҳнинг мўжизалар билан тўлдирган борлиқлари. Иккаласи уйғунлаштирилганда Илоҳий ишқ мавзуси юзага чиқади. Инсон ишқ орқали Илоҳиётни, илоҳий борлиқларни ўрганади, Гўзаллик манбасини танийди ва ўзининг гўзал бўлиш сабабини англайди. Шоир шунинг учун ҳам унинг гўзали бошидаги олам ошубини ўн саккиз ёш билан боғлайди. Шундай экан, адекватликни таъминлашда фақат лингвистик ёндашув ўзини оқламайди. Айниқса, мумтоз лирикадан шеърий таржималарда маъновий ёндашув адекватликни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Байт:

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил хусни бор,
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Байтда “ўн саккиз йиллик хусн” марказий ўринга чиққан. Муаллиф бу билан нима демоқчи? Таржимага назар ташлаймиз:

I dare I say her beauty will last her another eighteen years
Since her mind is in such turmoil and she is a mere eighteen years

(Сўзма-сўз таржимаси: “Мен шуни айтишга журъат этаманки, унинг гўзаллиги яна ўн саккиз йил давом этади, Токи унинг онгида шунча ғавфо бўлиб, ўзи эса атиги ўн саккиз ёшда экан.”)

Таржима сўзларнинг эквивалентларини қўйишдан иборат бўлиб қолган. Албатта айтиш жоизки, бу байт таржимаси услубий жиҳатдан аслиятни эслатади. Оҳанг ҳам мавжуд. Лингвистик жиҳатдан эътироз уйғотмайди. Аммо ғоя ва муаллиф кўзлаган маъно жиҳатидан таҳлил этадиган бўлсак, таржима талабга жавоб беради дейиш қийин. “Ўн саккиз йиллик хусн” образли ифодаси инсон умрини ифодалаш учун ишлатилган. Бир балоғат ёши ўн саккиз ёш эканлигини назарда тутсак, шоир айтмоқчи, унинг гўзали ўн саккиз ёшда.

18 минг оламини боғлагувчи Гўзалликнинг бир марказига (тимсолига) айландими, унинг хусни Илоҳий Гўзалликдандир, яъни абадийдир. Албатта, тасаввуфий ғояларни шеърий таржиманинг ўзида адекват ифодалаш мушкул. Бундай ҳолатларда байт ёки ғазал билан бирга шарҳларни илова этиш, Навоий маҳорати, ғоя ва маънони очишга хизмат қиладиган образли ифодаларга глоссарий, изоҳли луғатлар илова қилиш муаммонинг ечимидаги оптимал йўллардан биридир.

Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур,
Хусн шоҳи, ул балоларким, кўзу қошиндадур.

Шоир ушбу байтда юқоридаги фикридан бир оз чекинган ҳолда ўз-ўзини ўн сакиз йил дема бирикмаси билан инкор этиб, “яна юз саксон йил ўтса ҳам, кўзу қошида турфа балолар жилва қилар экан, ул сарвиноз хусн шоҳи сифатида гўзаллик салтанатида ҳукмфармолик қилаверади” деган хулосага келади. Ушбу байтда шоир Шарқ шеъриясидаги ружуъ[20] санъатини қўллаган. Инглиз таржимони эса Шарқ шеъриясига хос бу санъатни таржимада қайта яратишга муваффақ бўлган:

Таржима:

Eighteen...? No, even when she grows to be eighteen hundred years old
Will she remain the queen among beauties and our doom lurks in
her eyes.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Ўн саккиз? Йўқ, юз саксон ёшга улгайса ҳам, у гўзалликнинг танҳо маликаси бўлиб қолади ва бизнинг аччиқ қисматимиз унинг кўзларига яширинади.”)

Кўринадики, таржимон биринчи мисрада шеърий санъатни аниқ ифодалаб берган. Иккинчи мисрада (аслиятда) сарвинознинг “кўзу қошида”ги ул балолар Шарқ ғазалиётида кўз ва қош мадҳида айтилган. Масалан, кўзнинг хунхорлиги, жаллодлиги, фитнагарлиги, кошнинг шамшир каби қаттоллиги, бирининг имо қилиб, бирининг жон олиши каби сифатлар назарда тутилган. Инглиз таржимони ҳам бу ўхшатиш маъносини англаган ҳолда оур доом луркс Ин ҳер эес, яъни “бизнинг қисматимиз унинг кўзларида завол топади “ деб таржима қиладики, бу сарвиноз кўзларининг жон олувчи эканлигига ишора.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, юз ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эзид таоло сунъи наққошиндадур.

Шоир маҳвашнинг ақл лол қолдирадиган даражадаги бир-бирига мос ва уйғун гўзаллигидан ҳайратга тушмайди. Чунки Навоийнинг қарашича, ҳар қандай бетакрор гўзалликнинг яратувчиси ва ижодкори наққошу санъаткор Оллоҳдир. Таржимада ҳам айна аслиятдаги ғоялар сақланиб қолган:

I marvel not at the queen among beauty of her features for all that is
so lovely in her,

Is the handiwork of that great artist – the Lord Almighty.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Мен у маликадаги барча гўзалликдан ҳайрат этмайман, Бу буюк яратувчининг, Худонинг кўл меҳнати дир.”)

Навбатдаги байт:

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Оллоҳ ўзининг санъати билан унинг сиртини кумуш, мағзини қалбдан иборат қилиб яратган. Маҳвашнинг қалб гўзаллиги ҳам шу даражада ташқи гўзалликка монандки, ақл бундай мукамалликдан ҳайратдадир.

Таржима:

Her body is silvery – white and conceals a heart that is stoney,
This silvery moon holds forth the promise of a hundred wonders to
the reasoning mind.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Унинг танаси кумушдек оқ ва унда тошдан бўлган юрак яширинган, бу кумуш ой ақлга юз минг ҳайрат улашади.”)

И.Ҳаққулнинг ёзишича, тасаввуфда тош ҳам Оллоҳ жамолини кўрсатувчи унсур сифатида эътироф этилган[21]. Байтдаги тош, сарвинознинг тошқўнгилигига ишора эмас, балки инсон сийрати қалб, рухдан иборатлиги ва у комиллик манбаси эканлигига ишорадир. Қалб ва тана гўзаллигининг бир-бирини тўлдириши нуқсонсизликни билдиради. Аммо мутаржимлар томонидан бу образ нотўғри тушунилган. Буни немисча таржимада ҳам кузатиш мумкин[22]:

Gekleidet in glitzerndes silber, das Antilitz-dem Vollmonde gleich,
Verbirgt sie im Busen ein Herz, dasswie Marmor so hart und kalt.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Ялтироқ кумуш либос кийган, кўриниши тўлин ойга тЭнг, кўксида мрамардек қаттиқ ва совуқ юракни яширган.”)

Кўриб турганимиздек, аслиятдаги “хусн шоҳи”нинг жамолини кўрсатадиган унсур тош инглизча таржимада ҳеарт тҳат ис стоней (“тошдан бўлган юрак”), немисча таржимада эса херз (“юрак”)га айланиб қолган. Натижада шоир тараннум этган ёр таржималарда бағритош, бераҳм ёр кўринишини олган.

Навбатдаги байт:

Май келтур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих,
Буль ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

Бу кўҳна дунё кўршапалаги (қалб) кўрсатган мўжизалардан Исо Масих ҳайратга тушди, яъни қалб ўзи кўр (тана ичида яширин) бўла туриб, инсоннинг зоҳирий ва ботиний кўзини очиши Масихни ҳайратда қолдирди.

Give me wine inkeeper, for in the midst of all those wonders the
Lord alone remains.

How strange that this sacred old temple – our world – has fallen
Trophy to the bats.

(Сўзма-сўз таржимаси: “МЭнга шароб (вино) бергил, эй соқий, бу ҳайратлар ичида Исо ёлғиз қолди. Нақадар ғалатики, бу кўхна илоҳий ибодатхона, яъни дунёмиз устига кўршапалаклар галаси қулади.”)

Таржимон ғазалга Исо ва кўршапалак образларининг нима сабабдан киритилганлигини тушунмаган ва бу образлардан бирини тушириб қолдиришни ҳам ўзига эп билмаган. Натижада кўршапалак образи гўё мажбуран киритилган кераксиз деталга айланиб қолган. Таржимоннинг аслиятдаги иборалар мазмунини тушунмаслиги оқибатида бадий образлиликнинг йўқолиши ҳолатлари немис тилидаги таржимада ҳам учрайди:

Reich. Mundschenk, mir Wein! Mich entzuck nur noch Jesus, der
grosse

Prophet Wie traurig, dass in seinem Tempel das Schwirren der
Fledermaus hallt!

Мазмуни: “Майхоначи, мЭнга вино келтир! Мени фақат буюк Исо пайғамбар мафтун этди. Кўршапалакнинг ўз масканида ғўнғиллаган овози қанчалар ғамгин.” А. Абдуллажоновнинг изоҳ беришича, мутаржим ўзбек тилини билмаслиги оқибатида немисча таржимада “Исо пайғамбар лирик қаҳрамонни ўзига мафтун этди. Шу сабабли мазмун асл нусхага зид келиб қолган. Кўршапалак образи эса немисча таржимада ҳам бамисоли мажбуран киритилган кераксиз деталга айланиб, ўз образлигидан маҳрум бўлган”[23] дейди..

Навбатдаги байт:

То Навоий тўқди ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

Навоий “ул ой”, яъни ҳусн шоҳи фироқига дучор бўлганлигидан буён йиғидан тўхтамайди ва кўз ёшларида ул қуёш талъатнинг акси мудом жилваланиб туради:

If Navoi has shed a sea of tears in yearning for his moon-like beauty,
Look closer at them, you will see that every tear reflects her Splendor – the Sun

(Сўзма-сўз таржимаси: “Агар Навоий унинг ой жамоли учун дарёга кўз ёшлар тўкса, Уларга яқинроқ қара ва сен ҳар бир кўз ёшда Қуёшни- Сплендор ни кўрасан.”)

Тасаввуфдаги ул ой, яъни “Ҳақ жамоли” таржимага моон-лике беаутй (“ойга ўхшаш гўзаллик”) тарзида кўчган, аммо ой ва қуёш сўзларига изоҳ берилмаганлиги боис, сўфиёна мазмун ўрнини дунёвий ишқ васфи эгаллаган, бу эса, ўз навбатида, ғазалнинг фалсафий ечимини тушунарсиз ҳолатга олиб кириш билан яқун топган.

Демак, образли ифодалар адекватлиги таржимада аслият руҳиятини англашда, асосий ғоя ва мазмунни узатишда муҳим ўрин тутади. Таржима жараёнида мутаржимдан ҳар битта образли ифода устида индивидуал ишлаш, унинг асардаги вазифаси ва асарнинг умумий ғоясини ёритишдаги ролини аниқлаш талаб этилади. Инглиз мумтоз лирикасидаги пейзаж образлар орқали маълум воқеа-ҳодисага тавсиф берилса, ўзбек мумтоз шеъриятида образли ифодалар орқали сўфиёна ғоялар ифодаси кўплаб учрайди. Бу эса таржимондан Шарқнинг тасаввуф таълимоти билан яқиндан танишувини талаб этади. Шеър ёки ғазалдаги образли ифода маъносини тўла англаб етмай уни 9таржимага киритиш, аслиятдаги руҳ, ғоя ва мазмуннинг пасайишига, баъзи ҳолларда аслиятга бутунлай тескари таржиманинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Оҳанг мувофиқлигини таъминлаш

Шеър руҳини таржимада акс эттириш, биринчи навбатда, аслият оҳангини адекват ифодалаш билан боғлиқ. Оҳанг, маълумки, ритм орқали юзага чиқади. Ритм адекватлиги эса, таржимачилик ишидаги энг мураккаб жараёндир. Силлабик-тоник системасида ёзилган инглиз шеърларини ўзбек бармоқ вазнида қайта яратиш муаммолари ўзбек таржимашунослигида бир қадар ўрганилган. Таржимашунос М.Бақоевнинг таъкидлашича, инглиззабон халқлар шеъриятидаги силлабик-тоник системасининг асосий белгиси сўз урғусининг кўчувчанлиги, сўзнинг фақат маълум бўлагига тушиши муҳим эмаслигидан иборатдир. Инглиз силлабик ва ўзбек шеъриятидаги бармоқ вазни бир маънога эга бўлса-да, ритмикаси орасида катта фарқ бор. Бу ўзбек ва инглиз фонетикаси билан боғлиқ бўлиб, ўзбек тилида урғунинг ўтроклиги, инглиз тилида сўз урғуси кўчувчан бўлгани сабабли силлабик тизимдаги шеърлар мисраларида урғулар ва пауза ўзбек тилидагидек тартибга бўйсунмайди. Шу боис инглиз ва ўзбек бўғин тизимларидаги шеърлар ритми

ва таъсири ўзаро мутаносиб эмас, таржимада бу тизимлар бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Олиманинг фикрича, инглиз классик ритмини ўзбекча таржимада ҳамма вақт ҳам қайта яратиш мумкин эмас. Айниқса, икки бўғинли стопалар (ямб, хорей) ва уч бўғинли стопалар (анapest, амфибрахий, дактил) дан ташкил топган вазнларнинг ички фарқини, яъни ямб ва хорей ёки anapest, амфибрахий ва дактил мисралари ритми орасидаги фарқни ўзбек тилида қайта тиклаш қийин. Шундай бўлса-да, унга яқин оҳангни яратиш мумкин[24]. Демак, инглиз силлабик-тоник тизими ва ўзбек бармоқ вазни орасидаги умумий шаклий мутаносибликни топиш инглизча ритмни ўзбекча таржимада қайта тиклаш имкониятини туғдиради. Олима ўз ишида мазкур шаклий ва вазилавий мутаносибликларни жадвал асосида кўрсатиб беради.[25] Аммо ўзбек мумтоз шеърияти намуналарини инглиз тилига қандай таржима қилиш мумкин? Арузда ёзилган ғазал инглиз силлабик-тоник шеърий системасидаги бирор бир вазнда таржима қилинса, ўзининг муסיқийлиги ва таъсирчанлигини йўқотади. Сабаби, хижолаарнинг чўзиқ-қисқалиги асосида шаклантирилган арузий руқн инглиз стопасига умуман мос келмайди. Унда Навоийнинг буюк сўз санъаткори эканлигини инглиззабон халқларга кўрсатиш ва асарларининг инглиз китобхони томонидан севиб ўқилишига қандай эришиш мумкин? Навоий ғазалиётини арузсиз тасаввур қилиш, муסיқийликдан холи таржимасини инглизларга тақдим этиш кутилган натижани бермайди. Л.Кметюк томонидан амалга оширилган Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади мисраси билан бошланувчи ғазал таржимасида формал жиҳатларга эътибор қаратилган бўлса-да, оҳангга аҳамият берилмаган. Эркин шеърга айланган ғазал ўзининг жозибасини йўқотган. Ушбу, “Келмади” радифли ғазалнинг инглизча таржимасида дид нот some, яъни келмади феъли ўтган замон инкор формасининг такрорланиб келиши натижасида радиф қайта яратилган:

Though she had promised, that night my willowy beauty did not
come,

That night, till the very dawn, sleep did not come.
My suffering drove me to scan the road again and again,

But though my heart was about to break, the frolicsome one did not
come.

Кўриниб турибдики, инглизча таржимада радифдан олдин келувчи қофиядош сўзнинг ўзи йўқ. Ғазалдаги муסיқийликни таъминловчи узун-қисқа бўғинлар нисбатига риоя қилинмагани сабабли оҳанг таржимага кўчмаган.

Назмий оҳанг, ғазалнинг ички мусиқаси айнан шу композициянинг асосини ташкил этиши ва уни маълум қофия ва вазнсиз таржима қилиш мумкин эмаслигини хорижлик таржимонлар онгига сингдириш ғазал таржимасига бир оз масъулият билан ёндашишларига олиб келиши мумкин. Европа сонетларининг қатъий шакли уларни таржима қилувчилар учун асос бўлган ва шунинг натижасида чет тилларига таржима қилинган сонетлар ўз вазни ва қофияланишига эга. Албатта, ғазаллар бу жанрдан фарқли ўлароқ, турли шароитда ўсиб-ўзгариб боровчи хусусиятга эга. Аммо унинг ўзгармас формал хусусиятлари борки, чет тили, хусусан, инглиз тилига мазкур қонуниятларга риоя қилган ҳолда таржима қилиниши, инглиз мутаржимлари учун ғазал жанрини тўғри тушунишга ёрдам беради. Аруз вазни инглиз халқига батамом бегона оҳангга эга бўлгани туфайли охириги даврларгача арузда ёзилган шеърни инглизтилли халқлар қабул қилмайди, деган фикр мавжуд эди. Бироқ бугунги даврда инглиз тилида яратилган ғазалларнинг пайдо бўлаётгани туркий адабиётни тарғиб этишга яхши замин тайёрламоқда. Америка ғазалнавис шоирлари ижодини ўрганиш шуни кўрсатадики, инглизча ғазалларда жанрий талабларга структурал жиҳатдан тўлиқ амал қилинади: қофия ва радиф, бўғинлар миқдори, таҳаллус қайди ва энг асосийси, лирик оҳанг таъминланади. Буни Диана Аверил қаламига мансуб ғазалда ҳам кўриш мумкин:

Sleep of Leaves

In fall woods-water, a woman tastes sleep of leaves
Father's green death –eyed closed in a waste:
sleep of leaves.

Like, the red-gold of maples swims in wet grass.
She wishes fish would not be in haste: sleep of leaves.

Her baby's sweat smells of milk: rain clings to the fern.
Nursing, baby curves into the chaste sleep of leaves.

Seed-winds play with her baby's dandelion
Seed-play can't reach her father's hair encased sleep of leaves.

Absorbed in poems, her baby's cry pulls her out.
Diane can't live long in the laced sleep of leaves.[26]

Ғазалда арузнинг қатъий қоидаларига риоя қилинмаган бўлса-да, арузий оҳанг таъминланган. Инглиз ғазалларининг барчасида шу ҳолатни кўриш мумкин. Демак, бундан хулоса қилса бўладики, инглиз тилидаги жумла тузилиши ва грамматик қурилмаларнинг аруз қоидаларига бўйсунмаслиги туфайли аруз вазнини инглиз тилида тўлиқ қайта яратиш мумкин эмас. Аммо арузий оҳангни таъминлаш мумкин. Таржимон Л.Кметюкнинг навбатдаги таржимасида арузий оҳангни беришга бўлган кучли интилишни кўриш мумкин:

Ғазал[27]:

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки, кун-кундан узай сендин кўнгил,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санго.

Ҳазрат Навоийнинг “...бўлдим санго” радифли ушбу ғазалидан парча арузнинг рамал баҳрида ёзилган бўлиб, уни ўз рукни (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) бўйича ўқилганда, ғазалдаги ҳижоларнинг чўзиқ-қискалиги аниқ эшитилади.

Таржима:

Dreaming of your beauty has wasted me away,
What an unfortunate day that was when I fell in love with you.

How many times, day in day out, did I tell myself to forget you,
But alas, from day to day ever more and more I love you.

Л.Кметюк мазкур ғазални инглиз тилига таржима қилар экан, дастлаб арузий оҳангни яратишга ҳаракат қилган. Ғазалнинг биринчи мисраси таржимасида бунга эришган ҳам. Шартли равишда бу мисрани қуйидагича аруз ҳижоларига ажратиш мумкин:

Dreaming of| your beauty| has wasted| me away,

– V – – – V – – – V – – – V –

Инглизча dreaming сўзидаги биринчи бўғиннинг чўзиқ ўқилиши, бу бўғиннинг арузда бир чўзиқ ва бир қисқа (-в) ҳижога ажратиш имкониятини берган. Шунингдек your сўзидаги р ундоши ўқилмасдан ё товушининг чўзиб ўқилиши, бу сўзни ҳам бир чўзиқ, бир қисқа (-в) ҳижода ифодалаш имконини беради. Beauty -сўзидаги й тактеънинг охирида келгани учун чўзиқ (-) ҳижода талаффуз этилиш имкониятини берган. Яна бир муҳим жиҳат, инглиз китобхонининг бу таржимани қандай интонатсияда ўқишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Агар китобхон табиий равишда бу таржимани инглиз силлабик-тоник системасига татбиқ этиб, урғули ва урғусиз бўғинларнинг алмашинувига мувофиқ ритмга солиб ўқиса, ғазал оҳангини мутлақо ҳис этмайди. Чунки бир инглиз стопаси аруздаги руқн тактеъси сингари маълум урғули тuroқдан кейинги тuroқгача бўлган бўғинларни ўз ичига олмайди, яъни бир стопада кетма-кет урғу олган бўғинлар учраши ҳам мумкин.

Демак, мисранинг арузга тушиши қолган мисраларда ҳам шундай муваффақиятга эришиш мумкин дегани эмас экан:

What an unfor|tunate day that| was when I| fell in love| with you.

– V – – – V – – – – – V – – – –

How many ti|mes, day in day| out, did I| tell myself| to forget you,

– V – – – V – – – V – – V – – – – V –

But alas, from| day to day e|ver more and more I love you.

– V – – – V – V – – – – – – –

Кўришиб турибдики, шеърий вазндаги оҳанг, ритм ва қофияланиш бузилган. Бунга икки тил грамматик қурилишидаги муайян фарқлар тўсқинлик қилган. Таржимада аслиятда бўлмаган предлог, артикл, ёрдамчи ва модал феъллар ҳисобига ҳижолар меъёрдан ортиб кетиши натижасида руқн бузилиши кузатилади. Масалан, не балолиғ тўрт ҳижоли бирикмаси таржимада What an opportunity – беш бўғинли бирикмада таржима қилиниши мумкин. Ўзбек тилида учрамайдиган an – ноаниқ артикли, таржимада битта ҳижо кўпайишига хизмат қилмоқда. Иккинчи ва учинчи мисраларда рамал баҳрининг умумий шакли ўзгарган яъни, мазкур мисраларда тактеълар сони учдан ортиқ. Мисралардаги ҳижоларнинг борган сари ўсиб бориши

монотонликни келтириб чиқарган. Шунингдек 2-3-4-мисраларнинг ёу ўта чўзиқ бўғин билан яқунланганлиги, аслият ритмини ҳосил қилувчи а-а-а-б тарздаги қофияланишга путур етказган. Биринчи мисрада аруз формасини қайта яратишга муваффақ бўлган Л.Кметюк кейинги сатрларда оддий шеър шаклини ҳам сақлаб қололмаган ва таржимани фрее версе – эркин шеър тарзида давом эттирган. Инглиз тили фонетикаси ва гап қурилиши қатъий шаклга эга бўлгани учун туркий поезиядаги каби гап қурилишида эркинлик (М: шеъриятда эга-кесимнинг ўрин алмашишига йўл қўйилмаслиги, инглиз тилида феълларнинг то инфинитиви билан келиши каби ҳолатларга эга эканлиги) йўқлиги бу тилга қилинган таржиманинг арузга тушириш эҳтимолини чеклаб қўяди.

Юқорида зикр этилганлардан маълум бўладики, арузий оҳангга яқинлашиш имконияти мавжуд. Бунда арузда талаб этиладиган очиқ ва ёпик ҳижолар ўртасида мутаносибликка риоя қилиш, тақтеъларнинг миқдорий нисбати ўзаро тЭнг бўлиши ва ҳижоларнинг мавжуд рукнда белгилаб қўйилган ҳижолар сонига имкон қадар тЭнглашиши талаб этилиши лозим.

Буни яхшироқ тасаввур қилиш учун, аввало, қуйида оҳанг жиҳатдан чўзиб ўқилувчи ҳижоларни шартли равишда урғу белгиси (') билан ажратиб кўрсатамиз:

'Кўргали хус'нингни зору 'мубтало бўл'дим санго,
'Не балолиғ 'кун эдиким 'ошно бўл'дум санго.

'Ҳар неча де'димки, кун –кун'дан узай сен'дин кўнгил,
'Ваҳки, кун –кун'дин батаррак 'мубтало бўл'дум санго.

Мазкур белгидан кейин турган бир ҳижо баландроқ пардада талаффуз этилади. Масалан, 'кўргали сўзида – кўр, сен'дин – сўзидаги дин ҳижолари баланд оҳангда ўқилади. Шартли белги орқали ажратиб кўрсатилган ҳижолардан кейин келаётган бўғинга урғу тушиши ва чўзиқроқ талаффуз қилиниши ғазал ритмини келтириб чиқаради. Бу ҳақда арузшунос олима Д.Юсупова шундай дейди: “Байтда нечта рукн бўлса, шунча урғу бор. Тажриба шуни кўрсатадики арузий матнда урғу қисқа бўғиндан олдин келган чўзиқ бўғинга тушади. Аниқроғи, қисқа бўғиннинг чап томонига жойлашади, чунки, қисқа бўғиндан аввал келаётган бўғин бошқаларига нисбатан чўзиқроқ талаффуз қилинади”[28]. Диққат билан қаралса, рукннинг биринчи чўзиқ ҳижоси яъни фо га рукн урғуси тушаётганини кузатиш мумкин. Демак рукндаги ҳар биринчи ҳижо урғу олади. Кейинги уч ҳижо урғусиз. Ҳар бир янги урғу янги тақтеъни бошлаб беради:

'- V -- | '-V -- | '- V -- | '- V -

Энди баъзи услубий ўзгартиришлар киритиб, Л.Кметюк таржимасини аслият ритмига яқин янги вариантыни яратамиз:

'Dreaming 'ofú your 'beautyú 'has wasted úme away,
'What an un'forýtunate 'day thatú I fell in 'loveú along the way

How 'manyú times day in 'day outú I 'told myself to forget.
But alas the 'love I feyely is 'more than the word loveú can say.

Арузий оҳанг, ритм ва қофияланишга маълум миқдорда мувофиқ тушган бу таржимада аслият оҳангини ифодалаш мақсадида баланд пардада ўкилувчи хижолаарга шартли равишда урғу белгиси ва синтагмани илова қилдик. Таржимада бу каби йўл тутиш Шарқ шеърляти оҳангини Фарб ўқувчисига етказишда яхши самара беради. Бармоқ вазнидаги шеърларни англиз силлаботоник системасида ифода этганда бу усулни қўллаш шарт эмас. Гарчи англиз фонетикаси қонун-қоидасига кўра предлог, ёрдамчи феъллар, ва ҳ.к.лар урғу олмаса-да, арузий мусиқий оҳанг таржимада оҳангни ифодалаш учун “of” предлоги ва “has” ёрдамчи феълига урғу қўйишини тақозо этади. Мисрадаги of предлогидан кейин келган синтагма ҳам шу мақсадда англиз тили қоидасидан мустасно равишда қўлланилиши мумкин. Аммо аруздаги хос оҳангнинг мураккаблиги ва англиз шеърлий тизимига номутаносиблигининг ўзиёқ юқоридаги усулни қўллашни тақозо этади. Зеро англиз китобхонида Шарқ ғазали мусиқийлигини ҳис қилиш қобиляти пайдо бўлишининг илк босқичларида бу тадбир ижобий натижа бериши мумкин. Таржимашунос Абдумурод Кўчибоев яқинда Франсияда нашр этилган Алишер Навоийнинг 30 та сара ғазаллари таржимаси ва унга ишланган минатюралардан иборат мўжазгина китобни Навоий даҳосини франсуз китобхонларига танитишдаги самарали қадам деб баҳолайди. Аммо таржимон Муродхон Эргашев ишида бироз камчиликлар мавжуд эканлигини қуйидагича изоҳлайди:

“ Ул пари пайкарким, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга,
Кимки ҳайрони эмас, мен телбаю ҳайрон анга.

Ғазал мағзини замонавий тилга чақсак, “Ул пари пайкарнинг гўзаллиги шу даражада беқиёски, у нафақат инсонларни, балки барча тирик мавжудотларни(инсу-жинсларни) лол қолдириб қўяди. Кимки бу гўзалликдан лол (ҳайрон) қолмаса, мен уларга ҳайрон қолиб, телба даражасига тушиб қоламан” – деган мазмунни англаймиз.

Франсузча таржима:
Sa beauty freeque

A surpris bien des hommes aussi bien que les djines
Et qui n'est pas surpris me surpred follement

Сўзма-сўз таржимаси: “Унинг парилардек гўзаллиги нафақат одамларни, жинларни ҳам лол қолдиради, Кимки ҳайрон қолмаса, мен уларга телбаларча ҳайрон қоламан.” Франсузчада аслиятнинг асосий маъно-мазмунни сақланган, аммо мисралардаги бўғинларнинг турли-туманлиги, аруздаги ўзига хосликлар, шунингдек радифга эътибор берилмаганлиги таржимани аслиятдагидек жозибадор, оҳангдор жаранглашига олиб келмаган. Бу ўринда шакл ва мазмун бирлиги ҳақида гап кетяптики, шеърий таржимада бу тамойилга қатъий риоя қилиниши керак. Агар шаклни бузсак, мазмунга путур етади. Мазмун бузилмаслиги учун эса, аслият доирасида таржимага айрим бошқа сўзларни, турли экспрессив воситаларни қўшиш лозим бўлади. Таржимон айнан мана шу йўл билан бориб ғазал мазмунини, руҳини фаранг тилида аслиятга монанд қайта тиклашга уринган. Аммо аслиятда “жон анга-ҳайрон анга” радифли қофиялар орқали берилган оҳангдорлик таржимада ўз аксини топмай қолган”[29].

Албатта, таржимада оҳанг муҳим. Ўзига хос жарангга эга лирик жанр чет эл китобхонида кўпроқ қизиқиш уйғотади. Қўшиқ мисолида айтадиган бўлсак, унинг матнидан кўра биринчи навбатда ёқимли оҳанги эътиборни тортади. Навоий ижодиётини инглиз тилига таржима қилишда мусиқийлик, оҳанг энг биринчи ўринга қўйилиши зарур деб ўйлаймиз. Мазкур мақолага жавоб тариқасида ёзган мақоласида таржимон Муродхон эргашев ўзбек ва франсуз тиллари турли оилаларга мансуб эканлигини инобатга олган ҳолда, Навоийнинг сўзига “ҳиёнат қилмаслик” учун ҳаракат қилганлигини таъкидлайди[30]. Шу мақсадда таржимон мисраларни иккига бўлиб вазнини Энгиллаштиришни маъқул кўрганлигини айтади. Назаримизда, ҳар бир муаммонинг осон ечими маъқул йўл бўлиб кўринади. Инглиз тилига таржима қилишда ҳам шу усулни қўллаш мумкин. Аммо шарқона ғазал жозибаси байтлардаги “шира” тушиб қолади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Шарқ шеърияти оҳангини инглиз, немис ёки франсуз тилига маромида етказиб бериш йўлини излаш лозим. Бунга эса жиддийроқ изланиш ва бу соҳадаги илмий тадқиқот натижалари асосида эришиш мумкин. Зеро, янгича шеърий оҳанг ҳар доим ўз оригиналлиги билан чет эл китобхонини жалб этиб келган. Бунга Шарқ ғазалиётидан илҳомланиб шарқона руҳ ва оҳангда ёзилган Гётенинг немисча, Лорканинг испанча ғазаллари мисол бўла олади. Муродхон Эргашевнинг жавоб мақоласидаги қуйидаги фикрлари ўринли “...ғазалларни франсуз тилига

ўғиришда бизга қўлланма бўлиши мумкин бўладиган илмий тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги, суяниб иш кўришимиз мумкин бўлган манбаларнинг йўқлиги сабабли, биз ўз йўлимизни ўзимиз очиб олишимизга тўғри келди”. Дарвоқе, Навоийни чет тилларига таржима қилишни шошма-шошарлик билан амалга ошириб бўлмайди. Бу борада кўп босқичли илмий тадқиқотлар қилиниши, таржимонлар учун йўриқ бўла оладиган амалий ва назарий тавсиялар ишлаб чиқилиши лозим. Шеъринг таржиманинг дастлабки шарти аслиятга мувофиқ вазн танлашдан иборат. Вазн нотўғри танланса, маъно ҳар қанча тўғри берилмасин, бундай таржима муваффақиятли ҳисобланмайди. Чунки шакл ўзгариши билан шеърнинг ритми, оҳанги ўзгаради, бир эстетик воқелик бошқа эстетик воқеликка айланади, шунга мувофиқ унинг ўқувчига таъсир кучи ҳам ўзгача бўлади[31].

Навоий рубойларини инглиз тилига таржима қилиш ишлари ташаббускорларидан бири истеъдодли таржимон К.Маъмуровдир. Албатта, рубой шаклий хусусиятлари ва ички қофияланиши жиҳатдан ғазалдан фарқ қилиб, вазн қўлланиши жиҳатидан соддароқдир. Шу маънода К.Маъмуров унинг оҳангини таржимага аниқ кўчира олиш, туркий рубойлар жарангини инглизча янграйтиш имкониятини топган.

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз[32].

К.Маъмуров таржимаси:

I love you more than my soul, oh, my dear,
I love you more than all numbers, oh, my dear,
Loving anything can not be more than that,
I love you much more than that, oh, my dear [33].

Рубойнинг инглизча жаранги ҳам айнан Шарқона оҳангга эгаки, бундай шеърлар инглиз лирикасида учрамайди. Бу каби гўзал таржимани куйидаги рубой мисолида ҳам кузатамиз.

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла мЭнгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин-аёғинг яхши[34].

Инглизча таржимаси:

Your eyes and brows are good, eyelids are good,
Your appearance and words are good, your lips are good,
Your cheeks with marks are good, chins are good,
Shall I name one by one, you are good from head to foot[35].

Аслиятдаги отларнинг уюшиб келиши таржимага ҳам кўчган. Таржимон радифдан олдин келган қофиядош қабоғинг, дудоғинг, сақоғинг, аёғинг сўзларини инглиз тилида элидс, липс, чинс сўзлари билан бериб, тил имкониятидан келиб чиққан, натижада ўзаро оҳангдошлик ҳосил қилишга интилган ва бунга эришган. Таржимада рубоий оҳанги тўлиқ сақлаб қолинган ва инглизча бўёқдорликдан ҳоли. Инглиз поезиясида аруз бўлмаганидек, ўзбек шеъриятида ҳам ямб йўқ. Бундай қараганда, ямб билан аруз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бир-биридан йироқ бўлган икки шеърий система ва анъанани “омихта” қилишда таржимон журъат билан қалам сурган. У инглиз ямбига асл нусхадаги ихчамлик ва эмотсионалликни сақлай оладиган, янги оҳанг берувчи радифли қофия киритган. Натижада эса қандайдир учинчи – она тили ва бўлак тилдаги шеърий унсурлар омихтасидан иборат назмий муштараклик барпо этилган.

“Ўпай” радифли рубоий таржимасига ҳам оҳанг ва жарангдорлиги жиҳатидан Шарқона услубнинг Ғарбча жаранги дея баҳо бериш мумкин:

Дедим зақанинг тутуб, сақоғингни ўпай,
Кўз қошингга суртубон қабоғингни ўпай,
Гулдек юзунг ислабон дудоғингни ўпай,
Йўқ, йўқ, йўқ, агар десанг аёғингни ўпай[36].

Инглизча таржимаси:

I said, holding by your chin your cheeks I kiss,
Licking your eyes with eyelids your brows I kiss,
Smelling your rosy cheeks your lips I kiss,
If you say: No, No, No, your foot I kiss [37].

Таржима шу даражада аниқ ва тушунарли чиққанки, инглизча матнданок Навоий оҳанги сезилиб туради. Ошиқнинг ёр лаби, ёноқлари, кўзу-қошларидан ўпиш орзуси ва бу орзуга эришолмаса, яъни маънан баландда турган маъшуқа рухсат бермаса, ҳеч бўлмаса, оёғидан ўпиш ва ёр васлига қониш илоҳий ва мажозий ишқ савдоси дардига малҳам бўлиши иккала матнда

(аслият ва таржимада) бирдек тушунарли ва чиройли ифода этилган. Рубоийда кўлланган саволу жавоб санъати ҳам таржимада қайта яратилган. Инглизча таржимага Навоий рубоийларининг оҳанги ва руҳиятининг кўчганлигига, таржимоннинг ўзбек миллатидан эканлиги ва бу оҳанг унинг шуурига сингиб кетганидан таржимон бу қадар муваффақиятга эришган бўлиши мумкин.

Албатта, таржимада оҳанг муҳим. Ўзига хос жарангга эга лирик жанр чет эл китобхонида кўпроқ қизиқиш уйғотади. Кўшиқ мисолида айтадиган бўлсак, унинг матнидан кўра биринчи навбатда ёқимли оҳанги эътиборни тортади. Навоий ижодиётини инглиз тилига таржима қилишда маъно билан бир қаторда оҳанг биринчи ўринга қўйилиши зарур деб ўйлаймиз.

Назорат саволлари

1. Аруз тизими нима?
2. Силлабо-тоник тизим ҳақида маълумот беринг
3. Мумтоз ўзбек шеърятини таржима қилишда учрайдиган муаммолар ҳақида гапиринг.
4. Алишер Навоий асарларининг инглизча таржималарида учровчи камчиликлар?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mir 'Alisir Nawai. Herausgegeben von B.Keller-Heinkele and S.Kleinmichel. Eron Verlag. – Wurzburg. 2003. –P.140.
2. Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3. – Б. 264-265.
3. Webster's New world dictionary / Simon and Schuster – USA.: William Collins publishers – 1977. – P.57; <http://www.macmillandictionary.com/fakir>.
4. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3. – Б. 98.
5. А.Ҳожиаҳмедов. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия.– Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.93.
6. Шубҳали чиройли сабаб. А.Ҳожиаҳмедов. Шу манба. – Б. 28.
7. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3. – Б. 297.
8. Н.Жумахўжа. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: 1996. – Б. 21
9. Н. Жумахўжа. Шу манба. – Б. 23.
10. Ташбихи измор (яширин ўхшатиш). Бу хил ташбихда шоирнинг диққати бошқа нарсага қаратилгандек туюлади-ю, аммо унинг асл

- мақсади ўхшатиш бўлади. Қаранг: Хожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 20
11. Oxford English - Russian Dictionary. – Бишкек: Туркистан, 2000. – Р. 234.
 12. Н.Жумаҳўжа. Шу манба. – Б.28.
 13. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999. – Б. 98.
 14. А. “Pearls from Ocean”. Уммондан дурлар. Ғазаллар, хикматлар ва рубоийлардан намуналар. Таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.113.
 15. Бу ҳақда қаранг: Саломов Ғ., Жўраев К., Олимов С. Таржима санъати. 4-китоб. Тўпловчи Т.Жўраев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 134.
 16. Алишер Навоӣ. Бадойӣ ул-васват.. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1990. Т.5. – Б. 117-118.
 17. Қосимов Б. , Жумаҳўжаев Н. Ўзбек адабиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2003. – Б. 52.
 18. Ҳаққул. И. Фақру фанолик хайрати //Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991, - № 1. – Б. 109-112.
 19. Nawai A. “Pearls from Ocean”. Уммондан дурлар. Ғазаллар, хикматлар ва рубоийлардан намуналар. Таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.109.
 20. Абдуллажонов А. А. Навоӣ бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 71.
 21. Бақоева М. Англия ва АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари: филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 131.
 22. Бақоева М. Кўрсатилган манба. – Б. 230.
 23. Ravishing disunities. Edited by Agha Shahid Ali. Real English Ghazals. – New England Hanover and London.:Wesleyan University Press, 2000. – Р.20.
 24. Кўчибоев А. Навоӣ ғазаллари француз тилида // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2010, – №2 – Б. 101.
 25. Очилов Э. “Девони Фоний”нинг ўзбекча таржималари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. №1. – Б.9;
 26. Алишер Навоӣ. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3. – Б. 572.

27.Nawai A. “Pearls from Ocean”. Уммондан дурлар. Ғазаллар, хикматлар ва рубойлардан намуналар. Таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.142.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

(жами 12 соат)

1 – амалий машғулот Бадиий таржима жараёни

Мақсад: - тингловчиларда қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

-Ўзбекистонда бадиий таржиманинг ривожланиш босқичлари, бадиий таржиманинг миллатлараро адабий алоқаларда тутган ўрни ҳақида маълумот бериш;

-таржимон мақсади ва вазифаси ҳақида назарий ва амалий тушунча бериш;

- бадиий матн тушунчаси ва унинг бошқа таржима турларидан фарқи ҳақида умумий тушунча бериш;

- таржима жараёни ва унга тайёргарлик ҳусусида маълумот бериш;

Кутилаётган натижа:

- **тингловчи** Ўзбекистонда бадиий таржиманинг тадрижий ривожланиш босқичларини санаб беради;

- таржимоннинг мақсади ва вазифаларини аниқ фарқлай олади;

- бадиий таржима мураккабликлари ҳақида назарий ва амалий тушунчага эга бўлади;

- таржима жараёни ва унга тайёргарлик борасида тасаввур ҳосил қилади.

Материаллар ва жиҳозлар:

Қўлланмалар, электрон доска, тарқатма материаллар, мавзуга оид кўргазма ва материаллар.

Энг муҳим тушунча ва атамалар: Адекват, эквивалент, лингвистик, лексик-семантик, прагматик, таржимон, таржима, матн, бадиий таржима, аслият, воситачи тил орқали қилинган таржима, бевосита таржима, тағлама, сўзма-сўз таржима.

1-ташкилий қисм: Талабаларни машғулотга жалб қилиш “жаҳон ҳафта ичида” ёки “ Ўзбекистон ҳафта ичида” рукнида халқаро аҳвол ҳақида қисқа ахборот бериш.

2- ўтилган мавзунини такрорлаш: - Биринчи семинар машғулоти бўлганлиги учун янги мавзу таништирилади.

Назорат саволлари

1. Таржиманинг ривожланиш тарихи ва бугунги кундаги аҳамияти нимада?
2. Таржиманинг мақсади ва вазифаси нималардан иборат?
3. Таржима турлари ҳақида маълумот беринг.
4. Бадиий матн тушунчаси нима?
5. Бадиий таржиманинг бошқа таржима турларидан фарқини тушунтиринг.
6. Таржима усуллари нима санаб беринг.
7. Таржима жараёни ва унга тайёргарлик қандай кечади?
8. Таржимон маҳорати деганда нимани тушунасиз?
9. Таржимоннинг вазифаси нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. London & New York. 2002
2. Clifford E. Landers. Literary translation: A Practical Guide. New Jersey City University. Cromwell Press. LTd. 2001.
3. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

2 – амалий машғулот

Бадиий таржиманинг лингвистик муаммолари

Мақсад: тингловчиларга қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- бадиий таржимада референциаллик тушунчаси ҳақида;
- сўзнинг лексик-семантик маънолари ва уларни таржимада узатиш муаммоси ҳақида;
- таржимада мувофиқлик тушунчаси: Лексик-семантик ва грамматик мувофиқлик категориялари ҳақида;
- эквивалентсиз лексика (реалиялар, миллий колоритдаги сўз ва тушунчалар) ҳақида маълумот;
- фразеологизм, идеомалар таржимаси ва таржимоннинг ёлғон дўстлари ҳақида маълумот бериш.

Кутилаётган натижа:

- референсиаллик тушунчаси ва бадий таржимада сўз танлаш билан боғлиқ муаммолар ечими ҳақида тасаввурга эга бўлади;
- эквивалентсиз лексика ва уни таржимада бериш усуллари кўрсатиб бера олади;
- фразеологизмларни таржимада узатиш усуллари кўллаш олади;
- таржимоннинг ёлғон дўстлари бўлган сўзларни ёд олади.

Материаллар ва жиҳозлар:

Кўлланмалар, электрон доска, таркатма материаллар, мавзуга оид кўргазма ва материаллар.

Энг муҳим тушунча ва атамалар: Адекват, эквивалент, лингвистик, лексик-семантик, прагматик, таржимон, таржима, матн, бадий таржима, аслият, воситачи тил орқали қилинган таржима, бевосита таржима, реалия, сўзма-сўз таржима, калкалаш, изоҳли таржима, анологик таржима.

1-ташкилий қисм: Талабаларни машғулотга жалб қилиш “жаҳон ҳафта ичида” ёки “ Ўзбекистон ҳафта ичида” рукнида халқаро аҳвол ҳақида қисқа ахборот бериш.

2- ўтилган мавзунини такрорлаш: Ўтилган мавзунини оғзаки такрорлаш қисқа савол –жавоб шаклида талабаларнинг фикрини билиш.

3- янги мавзу режаси:

- 1.Таржимада референсиаллик тушунчаси.
2. Сўзнинг лексик-семантик маънолари ва уларни таржимада узатиш муаммоси.
3. Таржимада мувофиқлик тушунчаси: Лексик-семантик ва грамматик мувофиқлик категориялари.
4. Эквивалентсиз лексика (реалиялар, миллий колоритдаги сўз ва тушунчалар).
- 5.Фразеологизм, идеомалар таржимаси ва таржимоннинг ёлғон дўстлари.

Назорат саволлари

1. Таржимада лексик-семантик мувофиқликнинг нечта ҳолати учрайди, улар қайсилар?
2. Эквивалентсиз лексикани узатиш усуллари қайсилар?
3. Эквивалентсиз лексикани узатиш усуллари ёрдамида бошқа тилга ўгирилган эквивалент сўзлар яъни окказионал бирикмалар қандай ҳолатда турғун(потенсиал) ёки одатий (узуал) лексикага айланади?
4. Калкалаш ва трансформацион таржиманинг фарқини тушунтиринг.

5. Яқинлаштирилган таржима асосида яратилган сўзлар нима деб аталади? Грамматик категориялар номувофиклиги нима?
6. Икки тилдаги отлар орасидаги грамматик категориялар номувофиклиги қандай муаммоларни келтириб чиқаради?
7. Бадиий таржимада грамматик категориялар номувофиклигини қандай бартараф этиш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. London & New York. 2002
2. Clifford E. Landers. Literary translation: A Practical Guide. New Jersey City University. Cromwell Press. LTd. 2001.
3. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

4 – амалий машғулот

Бадиий таржиманинг экстралингвистик муаммолари

Мақсад: - тингловчиларга қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- таржиманинг экстралингвистик жиҳатлари;
- фон билимларига эга бўлишнинг таржимага таъсири;
- фон билимлари истилоҳининг тадрижий такомилли;
- фон билимлари классификацияси ҳақида.

Кутилаётган натижа:

- тингловчи экстралингвистик билимлар тушунчасинининг моҳиятига етади;
- фон билимларининг таржимага таъсирини амалий мисолларда кузатади;
- фон билими ва контекстуал ахборот фарқини тушунтириб бера олади.

Материаллар ва жиҳозлар:

Қўлланмалар, электрон доска, тарқатма материаллар, мавзуга оид кўргазма ва материаллар.

Энг муҳим тушунча ва атамалар: тезаурус, фон билими, маънавий

билимлар, экстралингвистик фактор.

1-ташкилий қисм: Талабаларни машғулотга жалб қилиш “жаҳон ҳафта ичида” ёки “ Ўзбекистон ҳафта ичида” рукнида халқаро аҳвол ҳақида қисқа ахборот бериш.

2- ўтилган мавзуни такрорлаш: Ўтилган мавзуни оғзаки такрорлаш қисқа савол –жавоб шаклида талабаларнинг фикрини билиш.

3- янги мавзу режаси:

Режа:

1. Таржимадаги экстралингвистик фактор.
2. Фон билимлари ва унинг таржимадаги роли
3. Тезаурус, фон билимлари ва маънавий билимлар истилоҳи.
4. Таржимада маънавий билимларнинг аҳамияти
5. Фон билимлари классификацияси: умумий фон билимлари ва контекстуал фон ахбороти.

Мавзу юзасидан машқлар:

1. Қуйидаги парчаларни ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинг ва матн ўқувчига тушунарли бўлиши учун таржимон мазкур парчани қандай назарий маълумотларга суянган ҳолда бадиий таржима қилиши мумкин эканлигини айтинг:

That Rob had anything to do with his feeling as lonely as Robinson Crusoe. (Dombey and Son, Ch XXXIX)

“Rome wasn’t built in a day, maam... In a similar manner, maam,” said Bonderby, “ I can wait, you know. If Romulus and Remus could wait, Josiah Bonderby can wait(Hard Tunes, Ch.X)

“Open the door”, replied a man outside; it’s the ofissers from Bow street, as was sent to today (The Advanture of Oliver Twist, Ch XXXI)

2. Алишер Навоийнинг “Ўн саккиз минг олам” матлаъси билан бошланувчи ғазалидан олинган парчанинг инглизча ва немисча таржималарини қиёсланг. Нима сабабдан таржимонлар бундай хатога йўл қўйганликларини аниқланг.

3. И.А.Криловнинг «Мансабдор» масали таржимасида М.Худойкулов қандай таржима методини қўллаган ва таржимонга қандай фон ахборотидан хабардорлик ёрдам берган?

«Плутон мулкига бўлмиш равона,
Дея Меркурийдан чикди зўр садо,
«Эҳ укажон, - дер унга Эак3 - »

Қуйида эса уларнинг изоҳлари берилган. «Плутон – ер ости худоси (рим мифи). Меркурий – савдо-сотик худоси (рим мифи). Еак – Зевснинг ўгли, ер ости мулкининг хакамларидан бири (юнон мифи)».

Назорат саволлари

1. Таржима жараёнида таржимон матн билан ишлашдан аввал аниқлаб олиши лозим бўлган асосий учта омил нима?
2. Таржимоннинг матн ҳақида билиши лозим бўлган экстралингвистик маълумотлар қайсилар?
3. Тилшунослар таржимашунослар қайси соҳа назарий билимларни ўрганади деб ҳисоблашади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ғ.Саломов Таржима назариясига кириш. Тошкент, 1978.
2. Е.Бреус. Теория и практика перевода с английского на русский. М., 2003.
3. О.Мўминов, Р.Турғунов, А.Рашидова, Д.Алимова. Транслатион – Ёзма таржима – Писменный перевод. Тошкент, 2008.
4. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

3– амалий машғулот

Инсон қиёфаси ва феъл-атвори ҳамда миллий менталитетни таржимада узатишнинг прагматик муаммолари (2 соат)

Мақсад: тингловчиларда қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- таржимада инсон қиёфаси ва феъл-атвори ҳамда миллий менталитетни узатиш билан боғлиқ муаммоларни тушунтириш;

- миллий менталитетни таржимада сақлаб қолишнинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш;

- инсон қиёфаси тасвирини қабул қилишнинг прагматик муаммолари ҳақида батафсил тасаввур ҳосил қилиш

Кутилаётган натижа:

- инсон қиёфасини таржимада узатишда қандай сўзлардан фойдаланиш лозим эканлигини тушуниб етади;
- миллий менталитетни таржимада узатишга оид тасаввур ҳосил қилади;
- таржимада миллийликни сақлаб қолиш лозимлиги ҳақидаги тушунча ҳосил бўлади.

Материаллар ва жиҳозлар:

Қўлланмалар, электрон доска, тарқатма материаллар, мавзуга оид кўргазма ва материаллар.

Энг муҳим тушунча ва атамалар: Адекват, эквивалент, лингвистик, лексик-семантик, прагматик, таржимон, таржима, матн, бадиий таржима, аслият, лингвогеографик, лингвокултурологик, инсон қиёфаси тасвири, миллий менталитет.

1-ташкилий қисм: тингловчиларни машғулотга жалб қилиш “Жаҳон ҳафта ичида” ёки “ Ўзбекистон ҳафта ичида” рукнида халқаро аҳвол ҳақида қисқа ахборот бериш.

2- ўтилган мавзунини такрорлаш: Ўтилган мавзунини оғзаки такрорлаш қисқа савол –жавоб шаклида талабаларнинг фикрини билиш.

3- янги мавзу режаси:

1. Инсон қиёфаси ва феъл-атворини таржимада узатиш.
2. Географик шароитнинг таржимага таъсири.
3. Таржимада миллий менталитетни узатишнинг прагматик муаммолари.
4. Инсон қиёфаси ва феъл-атворини таржимада узатишда қандай жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш зарур?
5. Географик шароитнинг таржимага таъсири қандай?

Назорат саволлари

1. Қуйидаги парчаларни инглиз тилига таржима қилинг ва инсон қиёфасини таржимада узатилиши, инглиз рецептори прагматикасига диққатингизни қаратинг:

“Кейин нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам овсинимнинг баркашдек юзи бошим устида турибди. (Ў.Х. “Икки эшик ораси” – Б.370.

“Айвондан оппоқ куйлак, оёғига ковуш кийган **ранги захил** одам кириб келди. Икки **чакаги ич-ичига кириб кетган**, афтига қараб ёшини аниқлаб бўлмайди (Ў.Х. “Икки эшик ораси” – Б.364.

Ҳар бир кўрпачани кигиз устига ташлаш учун эгилганда **сочи** елкасидан **ошиб тушади**, **учи ерга тегиб кетади**. **Хинадан сарғайган бармоқларини** лабига босиб сирли жилмайди. (Ў.Х. “Икки эшик ораси” – Б.235)

У қирқ ёшлардаги қорачадан келган, хушқомат, қаламқош хотин эди. (Ғ.Ғ. “Шум бола” – Б. 5.

2. Қуйида инглиз тилидан бевосита таржима қилинган илк роман таржимасидан парчалар келтирилган. Аслият ва таржимани қиёсланг, инсон қиёфасини таржима қилишда таржимоннинг ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларига баҳо беринг: His beardless face was thin. – Qirtishlab qirilgan yuzlari ozg‘in. (“The woman in white” by V. Collins. **A.Iminov tarjiması**

But no tears glistened in those large, wistfully attentive eyes of hers. – Shunga qaramay menga hayolchan termulib turgan shahlo ko‘zlarida milt etgan yosh ko‘rmadim. (“The woman in white” by V. Collins. **A.Iminov tarjiması**

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.В. С. Виноградов. Лексические вопросы перевода художественной проза. М.1978.
2. О.Мўминов, Р.Турғунов, А.Рашидова, Д.Алимова. Транслатион – Ёзма таржима – Писменный перевод. Тошкент, 2008.
3. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

4 – амалий машғулот

Бадиий таржимада трансформациялар

Мақсад: тингловчиларга қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- таржима трансформацияларининг қўлланиши;
- трансформациялар турлари;
- уч асосий трансформация ҳақида умумий маълумот.

Қутилаётган натижа:

- таржималарда трансформатсион методларни қўллай олади;
- грамматик трансформациялар орқали матнни қайта қуришни амалиётда кўрсата олади;
- таржималарни таҳлил қилади ва қўлланган трансформацияларни аниқлай олади.

Материаллар ва жиҳозлар:

Қўлланмалар, электрон доска, тарқатма материаллар, мавзуга оид кўргазма ва материаллар.

Энг муҳим тушунча ва атамалар: антонимик таржима, тушуриб қолдириш, қайта қуриш, компенсатсия, генерализатсия, стилизатсия, таржима трансформацияси.

- 1. Ташкилий қисм:** Талабаларни машғулотга жалб қилиш “жаҳон ҳафта ичида” ёки “ Ўзбекистон ҳафта ичида” рукнида халқаро аҳвол ҳақида қисқа ахборот бериш.
- 2. Ўтилган мавзуни такрорлаш:** Ўтилган мавзуни оғзаки такрорлаш қисқа савол –жавоб шаклида тингловчиларнинг фикрини билиш.

3. Янги мавзу режаси:

1. Таржима трансформациялари ва уларнинг таржимадаги роли.
2. Трансформацияларнинг типлари.
3. Грамматик трансформациялар.
4. Лексик семантик трансформациялар.
5. Комплекс лексик-грамматик трансформациялар.

Ўтилган маъруза юзасидан умумий саволлар:

1. Таржима трансформациялари ва уларнинг таржимадаги ролини тушунтириб беринг.
2. Трансформацияларнинг нечта умумий типи мавжуд?.
3. Грамматик трансформациялар қайсилар?
4. Лексик семантик трансформацияларни тушунтиринг.
5. Комплекс лексик-грамматик трансформациялар деганда нима тушунилади?

Мавзу юзасидан машқлар:

1. Қуйидаги парчаларни антонимик таржима трансформациясидан фойдаланган ҳолда ўзбек тилига ўгиринг:

Do you go home to dinner?

- I'll stay if you want. (M. Twain. p-32

But althrough Tom's ear tingled , his heart was joyful.

(M. Twain. p-33)

Do you remember what I wrote on the slate? (M. Twain. p-35)
“Are you telling the truth? I said. (W. Sarayan “My name is

Aram” page -9)

2. Мазкур таржимда лексик-семантик алмашинувнинг қайси усули қўлланган?

2. Then if you catch a really big fish we shall able to **come** to your help” (The Old Man and The Sea”. Ernest. Haminguey Chapter 2. page-9).

агар қармоғининга жуда катта балиқ илиниб қолса, биз ёрдамлашиб юборамиз. И.Ғофуров 7-бет

. Қуйидаги гапни ўзбек тилига кўрсатилган икки шарт асосида таржима қилинг ва гап бўлаклари тартибининг ўзгаришига эътибор қаратинг:

1 2 3 4

Elmer |came |in to the house| for dinner. |

1. Асосий эътиборни тушлик жойига қаратган ҳолда
2. Асосий эътиборни шахс номига қаратган ҳолда.

Назорат саволлари

1. Бадиий таржимада нечта асосий трансформатсия мавжуд?
2. Алмаштиришнинг асосий мақсади нима?
3. Қандай ҳолатларда генерализацияни қўллаб бўлмайди.
4. АТдаги мураккаб гапларнинг содда гапларга алмаштирилиши мақсадга мувофиқми?

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. London &New York. 2002
- 2.Clifford E.Landers. Literary translation: A.Practical Guide.New Jersey City University.Cromwell Press.LTd.2001.
- 3.Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

5 – амалий машғулот

Бадиий таржиманинг стилистик масалалари

Мақсад: тингловчиларга қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- таржимада муаллиф услубини сақлаб қолиш сўз қурилишидаги стилистик конструкциялар бузилишининг оҳангга таъсири масалаларини тушунтириш;

-муаллиф қўллаган образли ифодаларни таржимада қайта яратиш;

-шеърый таржимада руҳият ва оҳангни сақлаш масаласи.

Кутилаётган натижа:

- таржимада оҳангни сақлаш ҳақида тушунчага эга бўлади;

-таржимада руҳиятни сақлаш ҳақидаги тушунчага эга бўлади;

-таржимада услубни сақлашга ҳаракат қилади.

Материаллар ва жиҳозлар:

Қўлланмалар, электрон доска, тарқатма материаллар, мавзуга оид кўргазма ва материаллар.

Энг муҳим тушунча ва атамалар: Адекват, эквивалент, лингвистик, лексик-семантик, прагматик, таржимон, таржима, матн, бадий таржима, аслият, воситачи тил орқали қилинган таржима, бевосита таржима, таглама, сўзма-сўз таржима.

- 1. Ташкилий қисм:** Талабаларни машғулотга жалб қилиш “жаҳон ҳафта ичида” ёки “ Ўзбекистон ҳафта ичида” рукнида халқаро аҳвол ҳақида қисқа ахборот бериш.
- 2. Ўтилган мавзунинг такрорлаш:** Ўтилган мавзунинг оғзаки такрорлаш қисқа савол –жавоб шаклида талабаларнинг фикрини билиш.

3. Янги мавзу режаси:

1. Муаллиф услубини таржимада узатиш.
2. Поетик маънони узатишда таржимон маҳорати.
3. Руҳият ва ғояни таржимада тенг акс эттириш.
4. Бадий тасвирни қайта яратиш.
5. Шеърини таржимада оҳангнинг қайта яратиш: Фонетик эвфониялар.

Назорат саволлари:

1. Таржимада оҳангнинг берилиши матннинг аслиятга адекватлигини таъминлашда қандай аҳамият касб этади?
2. Фонетик эвфония нима?
3. Таржима тилида маълум шеърини жанрларнинг йўқлиги аслият оҳангини таржимада бериш учун етарлича асос бўла оладими?
4. Аллитерация нима?
5. Когнитив диссонансга таъриф беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. London &New York. 2002
- 2.Clifford E.Landers. Literary translation: A.Practical Guide.New Jersey City University.Cromwell Press.LTd.2001.
- 3.Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

6 – амалий машғулот

Ўзбек мумтоз шеъриятини бадиий таржима қилиш муаммоси

Мақсад: тингловчиларга қуйидаги муаммолар бўйича теран тушунчалар ҳосил қилиш:

- ўзбек мумтоз шеърияти намуналари таржималарини қиёсий таҳлил қилиш;
- тасаввуфий образли ифодаларни таржимада бериш;
- таржимада мумтоз оҳангни қайта яратиш;
- таржимада шарқона шеърий санъатларни қайта яратиш.

Кутилаётган натижа:

- мумтоз адабиёт намуналарини таржима қилишга оид тасаввур ҳосил бўлади;
- шеърий санъатларни таржимада тиклаш йўллари тадқиқ қилади.

Материаллар ва жиҳозлар:

Қўлланмалар, электрон доска, тарқатма материаллар, мавзуга оид кўргазма ва материаллар.

Энг муҳим тушунча ва атамалар: Адекват, эквивалент, лингвистик, лексик-семантик, прагматик, таржимон, таржима, матн, бадиий таржима, аслият, воситачи тил орқали қилинган таржима, бевосита таржима, тағлама, сўзма-сўз таржима.

1. **Ташкилий қисм:** Талабаларни машғулотга жалб қилиш “жаҳон ҳафта ичида” ёки “ Ўзбекистон ҳафта ичида” рукнида халқаро аҳвол ҳақида қисқа ахборот бериш.

2. Ўтилган мавзунинг такрорлаш: Ўтилган мавзунинг оғзаки такрорлаш қисқа савол –жавоб шаклида талабаларнинг фикрини билиш.

3. Янги мавзу режаси:

1. Таржимада оҳангни беришни аҳамияти.
2. Шарқона арузий оҳанг ва силлабо-тоник системаси.
3. Қофияни таржимада берилиши.
4. Таржимада аслиятдаги шеърий вазнини қайта яратиш зарурияти.
5. Шарқона шеърий санъатлар ва уларни инглизча таржималарда бериш муаммоси.
6. Фалсафий мазмундаги образли ифодаларни бадиий таржима қилиш.

Назорат саволлари:

1. Таржимада мумтоз адабиётга қандай аҳамият берилади?
2. Таржима тилида маълум шеърий жанрларнинг йўқлиги аслият оҳангини таржимада бериш учун етарлича асос бўла оладими?
3. Аллитерация нима?
4. Когнитив диссонансга таъриф беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. London & New York. 2002
2. Clifford E. Landers. Literary translation: A Practical Guide. New Jersey City University. Cromwell Press. LTd. 2001.
3. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

III Тингловчи мустақил ишини ташкил этиш усуллари:

- фан ўқув дастуридаги айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ва бошқа ахборот воситалари ёрдамида мустақил ўрганиш;
 - берилган топшириқ бўйича ҳисобот (реферат) тайёрлаш;
 - амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш;
- Ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тингловчи мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

(4 соат)

Олинган билимларни мустаҳкамлаш ва уларни бойитишга йўналтирилган мустақил иш мавзулари:

- Ўзбек ҳикоялари таржимаси таҳрири;
- табиат тасвири таржимаси таҳрири;
- бадиий асарлардан портретлар таржимаси таҳрири;
- ҳикматли сўзлар, фразеологик бирикмалар таржимаси таҳрири;
- Ўзбек мумтоз шеърятидан таржималар таҳрири.

VI. ГЛОССАРИЙ

| Атама | Изоҳи |
|------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Таржимон | форсча “тарзабон” сўзидан олинган бўлиб чиройли сўзловчи нотик киши деган маънони англатади. |
| Эквивалент | лотинча “екваленсе” сўзидан олинган бўлиб, ўхшаш деган маънони англатади |
| Адекват | “адекуате” сўзидан олинган бўлиб, тўла мос, айнан ўша деган маъноларни англатади. |
| Прагматика | тил коллективларининг бирор ахборотга нисбатан субъектив муносабати |
| Рецептор | ахборотни қабул қилувчи шахс |
| Аслият тили(АТ) | ахборотни узатаётган тил |
| Таржима тили (ТТ) | ахборотни қабул қилаётган тил |
| Воситачи тил (ВС) | ахборотни бир тилдан қабул қилиб, иккинчи тилга узатаётган тил |
| Фон билимлари | аслият тили, миллати, маънавиятига тегишли билимлар мажмуи |
| Таржимоннинг сохта дўстлари | аслият тилидаги сўзларнинг таржима тилида ҳам мавжуд бўлиши аммо бутунлай бошқа маънони билдириши. |
| Зоҳирий маъно | бадий матнни ўқиганда англашиладиган умумий маъно |
| Ботиний маъно | бадий матнда қўлланган шеърий санъатлар ва метафоралар ичига яширинган маъно |
| Трансформация | таржима амалиётида матнни маълум мақсад учун қайта қуриш |
| Силлабо | тоник- инглиз шеърий вазн системаси |
| Туроқ | ўзбек шеърий вазн системаси |
| Аруз | туркий ғазал системаси |

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. London & New York. 2002
2. Clifford E. Landers. Literary translation: A Practical Guide. New Jersey City University. Cromwell Press. Ltd. 2001.
3. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

Қўшимча адабиётлар:

1. Шекспир В. Сонетлар / Инглиз тилидан Ж. Камол таржимаси. Т., 2009.
2. Шекспир В. Ҳамлет / Рус тилидан Мақсуд Шайхзода таржимаси., 2006.
3. Шекспир В. Сонети / В переводе С. Маршака. М., 1948.
4. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми?. Т., 1999.
5. Таржимашуносликка доир тадқиқотлар / Маъсул муҳаррир: ф.ф.д Ж. Шарипов. Т., 1975.
6. Навоий А. Уммондан дурлар. Ғазаллар, хикматлар ва рубоийлардан намуналар. Таржималар тўплами / Тузувчи Й. Парда. Т., 2000.
7. Б. Холбекова. Қалбим сизга интилади. (My soul strives for you) Samples from Uzbek poetry. Тошкент, 2011.
8. Навоий А. Асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томли / Т., 1993.
9. Каримов Ш. Диллардан дилларга. Т., 1980.
10. Жумаҳўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. Т., 1996.
11. Влахов, С., Флорин, С. Непереводимое в переводе. М., 1986.
12. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар. Т., 1972.
13. Г. Одилова, У. Маҳмудова Ўзбек таржимонлари ва бадиий таржималар Т., 2012.
14. Султонова Д. Шеър ва таржима. С., СаДЧИ, 2009.

Интернет сайтлари:

1. www.linguistic.ru
2. www.englspase.com
3. www.youeng.narod.ru
4. www.teneta.ru
5. www.translation.net
6. www.translationzone.com
7. www.translator-tips.com
8. www.google.ru